

**“Farg’onaazot” АЖ да 2024 йилда коррупцияга қарши курашиш  
тизимининг амал қилиши хақида  
УМУМИЙ ҲИСОБОТ \***

**1. Ташкилотнинг Коррупцияга қарши чора-тадбирлар дастури  
бажарилгани тўғрисида умумий ахборот<sup>1</sup>**

“Фарғонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати томонидан 2024 йил мобайнида тасдиқланган йиллик режа асосида жорий йилда қуидаги тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан амалга оширилди.

Шу билан бирга, 2024 йил Президентимиз томонидан «Ёшлилар ва бизнесни куллаб-куватлаш йили» деб эълон килинганлиги муносабати билан, ёш ишчи хизматчиларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал қилиш учун жамият бошқарув раисининг кўрсатмасига биноан барча цехлар бошлиқлари томонидан ўзларига тегишли бўлган ишчи-ходимларни шахсий масалалари бўйича қабул қилиш қунлари белгиланиб, тегишли тартибда уларни қабул қилиш ишлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш мухитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6257 Фармони, 2021 йил 06 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК-5177 Қорори хамда “Фарғонаазот” АЖ бошқарув Раиси томонидан 2021 йил 17 июнда тасдиқланган ““Фарғонаазот” АЖ да манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ”нинг 5.4 банди талабларидан келиб чиқиб, корхонада тегишли ишлар амалга оширилди.

Ўтган хисобот даврида ўтказилган 23 та хизмат сурингирилган жараёнида аниқланган 3 та салбий холатлар бўйича тупланган хужжатлар конуний куриб чикилиши учун хукукни мухофаза килиш идораларига ва 16 таси жамият “Одоб-ахлок” комиссияси ва раҳбарияти юборилган. Шунингдек, корхона раҳбарияти томонидан 5-нафар ходимга “оғоҳлантириш” эълон килиниб, 1 нафар ходимга суд идоралари томонидан маъмурий чоралар курилди. Шунингдек, 1 нафар ишчи ходим эгаллаб турган лавозимидан четлатилиб, 1 нафар ходим лавозимидан озод этилган.

## **II. Сиёsat ва тартиб-таомиллар**

“Фаргонааазот” АЖ хуқуқшунослик бўлими билан хамкорликда хозирги кунга қадар 15 та меъёрий хужжатлар тайёрланган ва корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланган. Ушбу меъёрий хужжатлар корхонанинг хар бир бўлим-бўлинмалари хамда цехлар раҳбарларига юборилган хамда хафтанинг жума кунлари ўтказиладиган маънавият кунларида ходимларга етказиб борилмоқда.

Шунингдек, мазкур меъёрий хужжатлар танишув варақалари орқали таништириб борилиб, корхонанинг расмий веб сайтига жойлаштирилган.

Жамият раисининг маънавий-маърифий ишлар хамда ўзбек тили бўйича маслаҳатчиси хамда хуқуқшунослик бўлими билан хамкорликда “”Фаргонааазот” АЖ янги “Одоб-ахлок кодекси” ишлаб чиқилиб, корхона бошқарув раисининг 2024 йил 28 август №824 - сонли буйруги билан тасдиқланди. Ушбу меъёрий хужжат билан корхона ишчи-ходимларини таништириш мақсадида тасдиқланган режа асосида бошқарув раисининг маънавият ва марифат ишлари бўйича маслаҳатчиси билан хамкорликда жамият бўлим ва цехларида хамкорликда профилактика-тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йуналишда хисобот даврида **37 та хамкорликдаги семенар ва умумий профилактика** ишлари амалга оширилди.

## **III. Хавф-хатарларни баҳолаш<sup>2</sup>**

Комплаенс назорат хизмати томонидан “ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш менежменти тизими тавсия ва таклифлари” қўлланмасининг 4.5-банди талаблари бўйича “Фаргонааазот” АЖ ижро аппаратининг коррупцион хавфларини баҳолаш (“KPMG”“Йўл харитаси” 5.2 банди) ишлари амалга оширилиб, мазкур тадбирлар жараёнида аниқланган

коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш ва камайтириш бўйича таклифлар берилган. Жумладан:

- Корхонанинг тайёр маҳсулотларни сақлаш омборларида (ваколатли омборларида) уларни вагонларга ортиш, тарозидан ўтказиш жараёнларини тўлик қамраб оладиган жойларга талон-тарож қилишни олдини олиш, меҳнат интизоми ва техника хавфсизлигини назорат қилиш учун мукаммалашган (модернизация қилинган) видеокузатув тизимини ўрнатиш чораларини куриш;
- Корхона цехларда ТМБ лари камомадларига ва ўғирликларга йўл кўймаслик мақсадида аниқланган холатларни мунтазам мухокама қилиб бориш хамда камчиликларга йўл кўйган раҳбар ходимларга нисбатан тегишли конуний чоралар кўриб бориш;
- коррупцион холатларни олдини олишда тезкорликни тъминлаш мақсадида комплаенс назорат хизмати хамда ички аудит биргаликда амалга оширишлари лозим бўлган тадбирларни белгиловчи меъёрий хужжат ишлаб чиқиши;
- ички аудит томонидан корхона билан тузилаётган барча тугридан-тугри шартномаларни хамда давлат харидларини конунийлигини урганиш ишларини амалга ошириш;
- корхонада раҳбар ва ишчи ходимларни лавозимдан лавозимга кўтаришда ёки teng лавозимга ўтказишида (ишидан бушатиш бундан мустасно) хамда ишга қабул қилишда ходимлар билан ишлаш бўлими томонидан комплаенс назорат хизмати билан келишиш механизмини белгиловчи меъёрий хужжатни ишлаб чиқиши;
- коррупцион холатларни олдини олиш ва йўл қўймаслик мақсадида профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш.

#### **IV. Амалга ошириладиган коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомиллар**

##### **Коррупцияга қарши қоидаларни Ташкилот шартномаларига киритиш**

Маҳсулотларни олди-сотдиси ва ишга қабул қилиш учун тузиладиган икки томонлама шартномаларда коррупциявий қонун бузилиш ёки ҳукуқбузарликларга йўл қўймаслик мақсадида 2021 йил 20 апрелдаги №556 сонли буйруқ билан “Антикоррупционная оговорка АО “Ferganaazot”” ишлаб чиқилиб, барча тузилаётган шартномаларга алоҳида бандлар киритиб борилмоқда.

Жорий хисобот мобайнида жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ-хўжалик, саноат ва қурилиш маҳсулотларини сотиб олмоқчи булаётган юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган **1209 та шартномаларда** қўрсатилган ҳолатлар ҳукукшунослик булими билан хамкорликда текширилиб, тегишли таклифлар бериб борилди.

Корхона хукукшунослик, бухгалтерия, сотишни ташкил этиш ва таъминот булимлари билан биргаликда олиб борилган тадбирлар жараёнида **128 нафар** контрагентлар (нохалол тадбиркорлик субъектлари) биржасавдоларидан кейин уз вактида махсулотларни олиб келмаганликлари ва техник талаб шартларини тулик бажармаганликлари сабабли хисобот даврида корхона томонидан **569 млн. 422 минг 344 сумлик** жарималарундириб олинди.

Шунингдек, комплаенс назорат хизмати томонидан 2024 йил давомида жами 543 та жамият булимлари ва цехлари томонидан йук килиш учун танлаб олинган ва далолатномаларга киритилган ТМБ лари текшириб курилиб, уларни хисобдан чиқариш буйича тавсиялар берилди.

### **Ишга номзодларни текшириши**

Жамиятда фуқороларни ишга қабул қилиш Низом ва номзодларни текшириш бўйича йуриқнома (Буйруқ №1254, 11.08.2021й.) меъёрий хужжатлари талаблари асосида ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунги «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПК-5177-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, интернет тармоғига жойлаштирилган <http://azot.vakantlar.uz> хавола орқали ишга туширилувчи дастур орқали корхонага ишга қабул қилиш “Фарғонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунги № 1259-сонли буйруғи билан жорий этилган хамда ишчи комиссия аъзолари тасдиқланган.

Ўтган ҳисобот даврида корхонага жами 69 нафар фуқоролар янги дастур асосида ишга қабул қилинди. Шунингдек, турли сабабларга кўра 432 нафар шахслар ишдан бўшаб кетган. Корхонада 469 нафар ишчи-ходимлар ички иш жойини ўзгариши муносабати билан бошқа лавозимларга ўтказилган.

Корхона раҳбарияти томонидан хафтанинг хар душанба-сешанба кунлари мурожаатчиларни кабул қилиш ишлари амалга оширилиб, ишга кириш масалалари атрофлича куриб чиқилмоқда.

### **V. Таълим ва коммуникация**

Жамият ишчи-ходимларининг коррупцияга қарши курашиш, коррупция иллатига муросасиз бўлиш муносабатини шакллантириш, хуқуқий онгини ва маданиятини юксалтириш мақсадида “Уқув-дастури” ишлаб чиқилиб, бўлимлар ва цехларда бевосита ўқитиш ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, мазкур йуналиш буйича мавзуларни уз ичига олган укитиш ишлари малакани ошириш сектори томонидан амалга оширилиб, хисобот даврида 1960 нафар ходимлар билан (улардан 979 таси жамият малакани ошириш секторида) укитиш ишлари амалга оширилди.

**“Farg‘onaazot” акциядорлик жамиятида хисобот даврида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ва маҳсус ўқитишдан ўтган ходимлар рўйхати**

T/p	Ходимнинг Ф.И.О	Лавозими	Ўқитиш тури (шакли)	Ўқитиш муддати
2024 йил 3 чораги давомида умумий ўқитишдан (барча ходимлар учун) ўтган ходимлар сони <b>65 нафарни</b> ташкил этади.				
			<b>Маҳсус укув курсларида укиб келганлар мавжуд эмас</b>	

Ташкилотда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича коммуникация турлари ва сони куйидаги жадвалда курсатилган.

T/p	Алоқа канали тури	Алоқа канали манзили (ҳаволаси)	Ташкил этилган вақти
1.	Корхона расмий веб сахифаси	<a href="http://www.azot.uz">www.azot.uz</a>	2013 йил
2.	Расмий веб-сайтдаги электрон почтаси	<a href="mailto:info@azot.uz">info@azot.uz</a>	2013 йил
3	Ишонч телефоны	+99873 242-66-13	2020 йил
4	Facebook ижтимоий тармоғидаги алоқа канали	<a href="https://www.facebook.com/fargonaazot.uz/">https://www.facebook.com/fargonaazot.uz/</a>	2019 йил
5	Телеграм мессенжеридаги алоқа канали	<a href="https://t.me/fargona_azot">https://t.me/fargona_azot</a>	2019 йил
6	Телеграмм бот канали	<a href="https://t.me/fargonaazotanticorbot">@fargonaazotanticorbot</a>	2022 йил

## **VI. Коррупциявий хатти-харакатлар ва ҳуқуқбузарликлар тўрисидаги хабарлар.**

**I. 2024 йил давомида** корхонанинг жисмоний ва юридик шахсларни қабулхонасига коррупция фактларига доир мурожаатлар келиб тушмаган.

**II.** Корхона раҳбариятига турли булим ва цех раҳбарларидан келиб тушган мурожаатлар ва аникланган салбий холатлар уз вактида куриб чикилиб, ички хизмат суриштирувлари утказилган ва конуний чоралар курилган. **Жумладан:**

1) «Узкимёимпекс» МЧЖ нинг «Фаргонаазот» АЖ га, Покистон давлатининг “Amanat Group DMCC” ва Афғонистон давлатининг “SUN PETROL LTD” компаниялари хамда Тожикистон давлатининг Савдо уйига, шартнома буйича 2023 йилнинг июл-август ойлари давомида темир йул оркали юборилган карбомид минерал угитлари кам чикканлиги холатлари юзасидан 15 декабрда юборган хатига асосан, Комплаенс назорат хизмати томонидан ички хизмат текшируви утказилди.

Ички хизмат текшируви давомида, экспортга юборилган карбомид минерал угитларини темир йул вагонларига ортиш ва жунатиш билан боғлик барча жараёнларда, минерал угитларни талон-тарож килинишига шароитлар булиши мумкинлиги холатлари урганиб чикилди. Урганиш давомида корхонада минерал угитларни темир йул вагонларига ортиш ва жунатиш жараёнларида назорат механизми мавжудлиги, яъни барча жараёнлар маъсуллар, шунингдек ИХКБ ходимлари иштироки остида хамда видеокузатув назоратида амалга оширилиши ва бу холатларнинг барчаси корхона худудида минерал угитларни талон-тарож килинишига имконият бермаслиги аникланди.

Ички хизмат текшируви натижаларидан келиб чикиб, минерал угитлар темир йул оркали ташиш вактида талон-тарож килингандигини эътиборга олиб, холатлар юзасидан тупланган хужжатлар **Фаргона транспорт прокуратурасига конуний чоралар курилиши учун юборилди.**

2) ИХКБ бошлиғи А.Хамраев 2023 йил 23 ноябрида, жамият раҳбарияти номига хизмат хати (2023 йил 23 ноябрдан № 3965-рақами билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, шу йилнинг 22 ноябр куни, АС-72 цехидан № 4726-сонли юк хатига асосан 500 метр, диаметри  $\varnothing$  20 мм бўлган ишлаб чиқсан (б/у) трубаларни 2-нчи ишлаб чиқариш майдонидан 1-нчи ишлаб чиқариш майдонидаги 11-омборга хисобдан чиқариш учун юк машинасида олиб келган вақтида, трубаларни хисобдан чиқариш далолатномаси бўлмагандиги сабабли омбор маъсуллари трубаларни қабул қиласдан қайтариб юборганлиги, диаметри  $\varnothing$  20 мм трубалар узунлиги 425 метр бўлганлиги, 2111 ва 2113-сонли кирим ордерларида кўрсатилган 200 ва 300

метр, жами 500 метр диаметри  $\varnothing$  32 мм трубаларни хисобдан чиқаришга олиб келишганини, 2023 йил 22 ноябр кунги 256-сонли буйруққа асосан хар бир хисобдан чиқарыладиган металлар бириктирилган доимий комиссия аъзолари кўздан кечириб, яроқсизлиги сабабли хисобдан чиқарилишини тасдиқлаб, далолатнома тузилиб, комиссия аъзолари барчаси имзо қўйиб, бошқарув раиси томонидан имзолангандан кейингина 11-омборга топширилиши кўрсатилганлиги, АС-72 цех бошлиғи А.Ахунджанов эса ўз мансаб ваколатини сунстеъмол қилиб, цех механиги М.Абдузухировага 11-омборга олиб бориб топшириш бўйича оғзаки кўрсатма бериб, ноқонуний ишларни амалга оширишга харакат қилишаётганлигини маълум килган.

Комплаенс назорат хизматига хизмат хати юзасидан ўрганиш ўтказиш хақидаги кўрсатмангиз асосида, 2023 йилнинг 14 декабр кунига қадар ички хизмат текшируви амалга оширилди.

Ўрганиш жараёнида, холат юзасидан АС-72 цехнинг ТМБ техники М.Абдузухрова 2023 йилнинг 22 ноябр куни, № 4726-рақамли хисобдан чиқариш варагасини тўғрилаб, 11-омборга топшириш учун 2-нчи майдондан соқчи назорати остида, жами 425 метр  $\varnothing$  20 мм ли ишлатилган трубаларни олиб борганлигини, лекин 11-омбор трубаларни далолатномаси йўклиги сабабли қабул қилмаганлигини, далолатномани постларда хам сўрашмаганлигини, цехда  $\varnothing$  20 мм ли трубалар ўрнига  $\varnothing$  32 мм ли трубалар ўрнатилганлиги сабабли, кирим ордерларига  $\varnothing$  20 мм ли ёзаман деб туриб, хаёлан  $\varnothing$  32 мм ли деб ёзиб қўйганлигини, трубаларни хисобдан чиқариш билан биринчи маротаба шуғилланаётганлиги сабабли шу хатоликларга йўл қўйганлигини кўрсатган.

Шу асосда Бош механик А.Тешабоев ва Бош пайвандчи А.Давлятов ўрганиш ишларига жалб қилинганда, улар ўз маълумотида АС-72 цехига бориб, иситиш кувирларини кўздан кечиришганда, кувирлар хақиқатда  $\varnothing$  32 мм трубаларга алмаштирилганлиги,  $\varnothing$  20 мм трубалар шу кувирлардан чиққанлиги, фақат бир қисми 2023 йилнинг феврал ойида синовдан ўтказилган “Биг-Биг” қурилмасида қадоқланган, 710-бино ёнидаги очиқ майдонда сакланган аммиакли селитрани ёмгирдан саклаш учун эски  $\varnothing$  20 мм ли қувирлардан вақтинчалик тўсқич тайёрланганлигини, кейинчалик зарурат бўлмагани учун (бу вақт мобайнида у майдоннинг усти тўлиқ айвон билан ёпилган) ушбу “енгил ферма” шаклдаги қурилмалар демонтаж қилинганлиги ва ноябр ойида “яроқсиз” қурилмалар сифатида металломга топширишга тайёрланганлиги кўрсатилган.

Лекин АС-72 цехи бошлиғи А.Ахунджанов раҳбар сифатида, ТМБ ларни хисобдан чиқариш ва металломга топширишда молиявий хужжатларни тўғри тўлдирилишини назорат қилмаганлиги хамда корхонада 2023 йил 28

февралда “Асосий воситалар ва номоддий активларни хисобдан чиқариш” бўйича қабул қилинган № 256-сонли буйруқ талаблари асосида иш юритмаган.

Ўрганиш натижалари якунларига кўра АС-72 цех бошлиғи А.Ахунджановнинг ТМБ хисобдан чиқариш ва металломга топшириш харакатларида талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқача ноқонуний йўллар билан ўзлаштиришга уриниш мавжуд эмаслиги аникланди. Лекин у раҳбар сифатида ТМБ ларни хисобдан чиқариш ва металломга топширишда молиявий хужжатларни тўғри тўлдирилишини назорат қилмаганлиги хамда корхонада 2023 йил 28 февралда “Асосий воситаларни ва номоддий активларни хисобдан чиқариш” бўйича қабул қилинган № 256-сонли буйруқ талаблари асосида иш юритмаганлиги учун, уни интизомий жазога лойиқ ёки лойиқ эмаслиги масаласи бошқарув раисининг биринчи ўринбосари У.Миллабоев хузурида бош мутахассислар иштирокида мухокамага қўйилди. Натижада, А.Ахунжанов раҳбарият томонидан **огохлантирилиб**, келгусида бундай салбий холатларга йул қўймаслик бўйича тегишли ишларни амалга ошириш бўйича топшириклар берилди.

3) “Фаргонаазот” АЖ нинг “Дугоба” ёш мутахассислар ётотхонаси ишчиси И.Абдурахмонов Сизнинг номингизга ариза (2024 йил 5 январь куни № 01-сони билан кайд этилган) билан мурожаат этиб, унда ётотхонанинг кукаламзорлаштириш омборчиси Р.Аскаров иш фаолияти давомида, 2023 йилнинг ёз фаслида ётотхона худудида сакланаётган 2 (икки) та темир суриларни узининг богига ва (б/у) пишик гиштларни олиб кетганлигини хамда 30 (уттиз) дона (б/у) шиферларни ётотхона коровули А.Олимовга бериб юборганлигини курсатган.

Сиз томондан аризада курсатилган холатларни урганиш ва натижаси бўйича маълумот киритиш хакидаги ёзма курсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ариза юзасидан ички хизмат текшируви утказилди.

Урганиш давомида, Ёш мутахассислар ётотхонаси кукаламзорлаштириш омборчиси Р.Аскаровдан тушунтириш суралгандан, у уз тушунтириш хатида 2023 йилнинг май ойида ётотхона бошқарувчиси Л.Багина розилиги билан битта темир сурини фойдаланиш учун олиб кетганлигини, ётотхонада курилиш ишлари олиб борилаётганлиги сабабли кисман бузилган жойлардан чиккан, эски, фойдаланишда булган пишик гиштлар ва шиферларни тегишли молиявий хужжатлар расмийлаштирилган холда корхонага саклаш учун топширганлигини, шиферлардан синган ва яроксиз холда булганлиги сабабли

12 (ун икки) донасини коровул А.Олимов сураганлиги сабабли унга бериб юборганлигини курсатган.

Ёш мутахасислар ётотхонаси бошкарувчиси Л.Багина уз тушунтириш хатида “Дугоба” ёш мутахассислар ётотхонасида худудида утириш учун жойлар булмаганлиги сабабли узига тегишли булган иккита темир суриларни олиб келиб куйганлигини ва ётотхонада курилиш ишлари бошланганлиги сабабли улардан биттасини вактинча фойдаланиб туриш учун омборчи Р.Аскarov сураганлиги учун унга бериб юборганлигини, иккинчи темир сурини узининг дала-ховлисига олиб бориб қуйганлигини курсатган.

Ётотхона коровули А.Олимов уз тушунтириш хатида 2023 йилнинг куз фаслида, шахсий “ДАМАС” русумли автомашинасида, фойдаланишда булган, эски 12 дона шиферларни омборчи Р.Аскarovдан сураб олиб кетганлигини, лекин шиферлар учун пул бермаганлигини курсатган.

Ётотхона корвуллари А.Дадабоев ва О.Шарипвлар уз тушунтириш хатларида аризада курсатилган холатларни кисман тасдиклаб курсатма беришган.

Ёш мутахасислар ётотхонасининг айланма-сальдовка (оборотно-сальдовая ведомость) ва асосий воситалар микдори курсатилган молявий хужжатларини 2024 йил 1 январь холати буйича урганилганда, темир сурилар руйхатда мавжуд эмаслиги аникланди.

Шунингдек, ётотхонада курилиш ишлари бошланганлиги сабабли биноларни айрим жойлари кисман бузилишидан чиккан, фойдаланишда булган пишик гиштлар ва шиферлар тегишли тартибда молявий хужжатлар расмийлаштирилган холда корхона худудига саклаш учун топширилганлиги маълум булди.

Ишчи И.Абдурахимовнинг аризаси юзасидан утказилган урганиш натижаларига кура, аризада курсатлган холатлар кисман уз тасдигини (пишик гиштдан ташкари) топган булсада, лекин темир сурилар ва шиферлар асосий воситалар ва кам кимматли воситалар руйхатида турмаслиги хамда фойдаланишда булган шиферлар ва пишик гиштлар тегишли молиявий хужжатлар расмийлаштирилган холда корхона худудига саклаш учун топширилганлиги эътиборга олиб, “Дугоба” ёш мутахассислар ётотхонаси маъсуллари харакатларида мол-мулкни талон-тарож килишга уриниш ёки бошка йуллар билан узлаштиришга харакат килиш холатлари мавжуд эмаслиги аникланди.

Лекин “Дугоба” ётотхонаси бошкарувчиси Л.Багина курилиш сабабли фойдаланишдан чиккан курилиш молларини сакланиши масалаларида тулик назоратни таъминламаганлиги холатини ва кукаламзорлаштириш омборчиси Р.Аскarov узбошимчалик билан фойдаланишда булган 12 дона шиферларни

ишчи А.Олимовга бериб юборганлиги холати буйича ижтимоий ривожланиш ва жамоатчилик билан алокалар булими жамоасида мухокамага куйилди.

Натижада, омборчи Р.Аскаров эгаллаб турган **лавозимидан озод этилиб**, 12 дона шиферлар А.Олимов томонидан корхонага кайтарилди.

**4)** Жамият ИХКБ бошлиғи А.Хамраев 2024 йил 19 феврал куни бошқарув раиси номига хизмат хати (**2024 йил 20 февралдан № 600-сони** билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 18 феврал куни, 1-нчи ишлаб чикариш майдонидаги омборда ва 2-нчи ишлаб чикариш майдонидаги ангарда сакланаётган аммиакли селитра минерал угитларини, махаллий ва экспорт йуналишида жунатиш максадида темир йул вагонларига ортилган холда тарозидан утказилганда, минерал угитларни манзиллари буйича жунатиш учун расмийлаштирилган хужжатлар асосида курилганда, минерал угитлар копланган коплар сони тугри булсада, лекин 21001078, 23550841 ва 23485188-сонли вагонларда юкнинг соф огирилиги хужжатларда курсатилган микдордан ортикча фарқ билан чикканлиги ва шу сабабли вагонлардаги минерал угитлар танлов асосида 2 (икки) та коплари 100 кг.ли назорат тарозида тортиб курилганда, биринчи копнинг огирилиги 50 кг.250 гр. Ва иккинчи копнинг огирилиги 50 кг.300 гр. чикканлигини курсатиб, келгусида бундай холатлар такрорланмаслиги учун тегишли чора курилишини сураган.

Комплаенс назорат хизмати хизмат хати юзасидан ўрганиш ўтказиш хақидаги қўрсатмангиз асосида, шу йилнинг феврал ойида тегишли ички хизмат текшируви ишлари амалга оширилди.

Урганиш давомида, аммиакли селитраларни омборларда сакланиши ва махаллий хамда экспорт йуналишида жунатилиш жараёнларига даҳлдор булган ИЧТБ, СЛК, АСУ ТП ва Метрология хамда ЮЖУ нинг маъсул ва мутахасисларнинг холат юзасидан фикрлари, хулосалари олинди.

ИЧТБ уз маълумотида холатни куйидагича изохлаган, яъни, аммиакли селитра жуда гигроскопикдир, бу унинг қовушқоқлик сабабларидан биридир, очик ҳавода, юпқа қатламда аммиакли селитра тезда намланиши, кристалли шаклини йўқотиши, аммиакли селитранинг ҳаводан намликни ютиш даражаси унинг буғининг маълум бир ҳароратда берилган тузнинг тўйинган эритмаси устидаги намлигига боғлиқлигини, ҳаво ва гигроскопик туз ўртасида намлик алмашинуви содир бўлишини, ҳавонинг нисбий намлиги бу жараёнга ҳал қилувчи таъсир қўрсатишни, аммиакли селитранинг ҳаводан намликни ютиш жараёни икки босқичда содир бўлишини, биринчиси, қуруқ туз намликни ўзлаштириши, сўнгра адсорбцияланган намлик кристалларнинг бутун юзасини қоплаганлиги сабабли, тўйинган эритма плёнкаси ҳосил

бўлишини, унинг устидаги буг босими, Раул қонунига кўра, ҳар доим юқоридаги тўйинган буғ босимидан паст бўлишини (*Аммиакли селитра омборлар комплекси регламентидан кўчирма*), аммиакли селитра маҳсулоти 2-2013 Давлат стандарти бўйича ишлаб чиқарилишини ва 50 кг – 1 тонна хажмларда қопларга қадоқланишини, тайёр маҳсулотни қопларга қадоқлаш талаби 8.579-2019 Давлатлараро стандартини «A» иловадаги жадвалга мувофиқ амалга оширилиши талаб этилишини, 8.579-2019 Давлатлараро стандарти жадвалда кўрсатилган рухсат этилган хатолик қадоқланган тайёр маҳсулот учун яъни 15000 гр (15 кг) оғирликдан юқориси учун 1 % деб белгиланган, демак 50 кг оғирлик учун эса 0.5 кг деб хисобланишини ( $50 \times 1 / 100 = 0.5$  кг /қоп), тайёр маҳсулот ортилган юк ташувчи транспортлар билан бирга тортилганда тарозининг рухсат этилган хатолиги мавжуд бўлишини, умумий ортилган қоп сонига нисбатан ўзгариши мумкинлигини (Рухсат этилган хатоликлар тарози техник хужжатларида акс эттирилади), ундан ташқари ҳар бир қоп 110-130 граммгача бўлиб, (Биг-Бэг 1,5-2 кг) маҳсулот билан тортилганда тайёр маҳсулот тафовутига сабаб бўлиши мумкинлигини, маҳсулот ишлаб чиқаришда барчаси инобатга олинишини, 1 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун хом-ашё ва энергия реусрслар сарфи хисобга олинган холда хисобланиши ва тасдиқланишини, юқоридагиларни инобатга олиб, бугунги кунда юклаш ишлари олиб борилаётган 2023-йилда ишлаб чиқарилган аммиакли селитра маҳсулотини ортишда тафовутлар келиб чиқишини, маҳсулотни гигроскопиклиги, тарозилардаги рухсат этилган хатоликлар ва қадоқлаш талабларидан келиб чиқиб, кузатилиши мумкинлиги курсатилган.

СЛК томонидан холат юзасидан берилган маълумотномада, аммиакли селитра гигроскопик маҳсулотлиги, узига хаво намлигини тортиши ва таркибида намлик даражаси ортиб боришини, 2023 йил октябр ойида ишлаб чиқарилган ва жамият омборларига саклаш максадида юборилган аммиакли селитранинг гигроскопик намлик даражаси уртacha 0,25 фоизни ташкил килишини, 2024 йил феврал ойида шу селитранинг гигроскопик намлиги уртacha 0,45 фоизни ташкил килишини, шундан келиб чикиб омборларда сакланаётган аммиакли селитранинг намлиги уртacha 0,2 фоизга ошганлигини, бу эса 1000 кг. селитрага 2 кг. масса кушилганлигини, 63 тонна аммиакли селитранинг массаси шу даврда уртacha 126 кг.га купайганини курсатган.

ЮЖУ томонидан холат юзасидан берган маълумотномасида куз-киш мавсумида вагонларни соф оғирлиги намгарчилик сабаб узгарувчан булиши, қоплар қадоқлашдаги цех дозаторларидаги белгиланганлиги, бундан ташқари қоплар оғирлиги каби омиллар тула тукис оғирлик софлигини аниглаш имконини камайтиришини, шунингдек, кор ёгиши натижасида вагонлар

устига урнашиши, кейин эса корларни эриб кетиши вагон огирилигига таъсир килиши мумкинлигини, ушбу барча омиллар корхона мутассадилари томонидан урганиб чикилганлигини ва тегишли хужжатлар билан расмийлаштириб куйилганлигини, ЮЖУ шу кулланмалар асосида иш олиб боришларини курсатган.

АСУ ТП ва Метролгия томонидан холат юзасидан берган маълумотида вазнларни фарк килишига асосий сабаблар сифатида куйидагиларни, яъни минерал угитларни копловчи ярим автомат программасини эксплуатация даврида хозирги вактларда бир минутда 23-24 коплашга қуйилганлигини, бу ишлаб чикарувчи заводнинг техник харакатеристикасидан 30-40 % га юкори эканлигини ва бу холат уз навбатида аниклик дозировкасини автоматик тарзда назорат килиш имконини бермаслигини, кейинги сабабларидан бир-бу аммиакли селитрани саклаш талабларига риоя этилмаганлигини, шунингдек сабаблардан яна бири –бу юк тортиш тарозилар паспортида 50 тонна ва 100 тоннагача булган юкларни тортишда хатолик 50 кг. дан 100 кг. гача булиши тарозининг техник паспортида белгиланганлигини курсатган.

Юкоридаги маъсуллар ва мутахасислар фикрлари ва хулосаларига таянган холда Амиакли селитраларни 2024 йилнинг 18-20 феврал кунлари махаллий ва экспортга юбориш холатларида талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа ноқонуний йўллар билан ўзлаштиришга уриниш холатлари мавжуд эмаслиги эътиборга олиб:

1) минерал угитларни кадоклаш учун ишлаб чикариш хажмидан келиб чикиб, кадокловчи ярим автомат дастгохларини купайтириш чоралари юзасидан хамда минерал угитларни белгиланган талаблар асосида саклаш учун корхона омборларини жихозлаш чоралари буйича таклифлар ишлаб чикиш ва киска муддатлар ишлаб чикаришга жорий килиш чораларини куриш;

2) минерал угитларни корхона омборлари хамда ваколатли омборларда саклаш даврида, тайёр махсулотни яроксиз холатга келиши хамда уни талон-тарож килинишини олдини олиш масалаларида маъсуллар томонидан мунтазам равишда хисоб-китоб килиш ишлари утказиш.

3) Минерал угитларни темир йул вагонлари ва юк машиналарига ортиш жараёнларида об-хаво шароитлари эътиборга олиш буйича **таклифлар берилди.**

5) “Фаргонаазот” АЖ нинг ИХКБ бошлиги А.Хамраев бошкарув раиси номига билдириги (**2024 йил 15 апрел № 1197-сони** билан кайд этилган) билан мурожаат этиб, шу йилнинг 12 апрел куни, тунги соат 00:35 ларда, АС-72 М цехининг смена ишчилари махаллий йуналиш учун куйилган №

23481922-сонли вагонга, аммиакли селитра минерал угитларини махаллий йуналишга юборилиши мулжалланган копларда юклаш урнига, 749 (етти юзи кирк туккиз) дона экспорт копларда юкланданлиги холати аникланганлиги ва бу холат бартараф этилганлиги курсатилган.

Мазкур холатларни урганиш ва натижаси буйича ахборот киритиш хакидаги ёзма курсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ички хизмат текшируви ишлари амалга оширилди.

Ушбу тадбирлар давомида, билдиригига курсатилган холатлар юзасидан АС-72 М цехининг маъсул ва бошка даҳлдор булган ишчи-ходимларидан тушунтириш хатлари олинди ва тегишли молиявий хужжатлар урганилди.

Жумладан, АС-72 М цехининг смена устаси Э.Холмуродов уз тушунтириш хатида хакикатдан хам шу йилнинг 11 апрел куни, сменага ишга келганлигини ва смена якунигача юкловчилар билан бирга асосан экспорт йуналишида вагонлар хамда транспорт воситаларига минерал угитларни юклаб жунатишганлигини, соат тунги 23-00 ларда тарозихонадан унга цехга иккита вагонлар махаллий йуналишда куйилганлигини айтишганлигини, смена якунида чарчаганлиги сабабли юкловчи ишчи-ходимларга вагонларга махаллий йуналишда минерал угитларни юклаш хакида огохлантиридим деб уйлаб, смена топширишга тайёргарлик курганлигини ва сменани топшириб уйга кетаётган вактида янги смена устаси Д.Акбаров унга кунгирок килиб, вагонларга махаллий копларда угитлар юкланиш урнига экспорт копларда юкланданлигини маълум килганлигини, бу холат бошка кайтарилилмаслигини курсатган.

Холат юзасидан, АС-72 М цехининг шу йилнинг 11-12 апрел кунлари смена ишида булган смена катта усталари О.Зохидов, К.Абдиев, смена устаси Д.Акбаров юкловчилар М.Усубжонов, Х.Мирзабоев ва Х.Холиковлардан тушунтириш хатларида олинганда, улар уз тушунтириш хатларида смена устаси Э.Холмуродовнинг кургизмаларини тулик тасдиклаб, ёзма курсатмалар беришган.

АС-72 М цехининг бошлиги А.Ахунжанов холат юзасидан берган маълумотномасида хакикатдан хам цехининг ишчи-ходимлари томонидан махаллий йуналишда куйилган вагонларга экспорт копларда минерал угитлар юкланишига йул куйилганлигини ва бу холат смена устаси Д.Акбаров томонидан аникланиб, хатолик бартараф этилганлиги, бундай хатолик натижасида цехининг ишлаб чиқариш ва юклаш жараёнларига вакт хисобида хеч кандай таъсир курсатмаганлигини, шунингдек юкловчиларга бу холат буйича минерал угитларни вагонларга юклаш ва ортиш учун 10-наряд тулов тури юзасидан туловлар амалга оширилмаслигини курсатган.

Урганиш давомида, АС- 72 М цехининг шу холат билан бодлик смена устасининг иш журналлари, китоблари урганиб чикилди.

Натижада, аникланишича АС-72 М цехи смена устаси Э.Холмуродов иш сменаси якунида уз хизмат вазифаларини бажаришда эътиборсизлиги сабабли, махаллий йуналишга белгиланган вагонларга экспорт копларда минерал угитларни юкланишига йул куйган ва бу холат цехнинг янги смена устаси Д.Акбаров томонидан аникланиб, хатолик бартараф этилган.

Мазкур холатда, смена устаси Э.Холмуродов харакатларида мол-мулкни талон-тарож килишга уриниш ёки бошка йуллар билан узлаштиришга уриниш холатлари мавжуд эмаслиги, у хизмат вазифасига маъсулиятсизлик билан караши окибатида эътиборсизликка йул куйганлиги, аммо, корхонага моддий зиён етказилмаганлиги аникланди. Лекин, смена устаси Э.Холмуродов узига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик билан ёндошганлик харакатларига баҳо бериш ва интизомий жазога лойиклик масаласини куриб чикиш учун бошкарув раисининг 1-уринбосари У.Миллабоев хузурида бош мутахассислар иштирокида мухокамага қўйилди. Натижада, Э.Холмурадов раҳбарият томонидан **огохлантирилиб**, тегишли ишларни амалга ошириш буйича топшириклар берилди.

Шунингдек, урганиш натижалари асосида юклаш жараёнларида иштирок этган ва бу жараённи назорат килган ИХКБ ходими нима сабабдан бу хатоликни уз вактида аникламаганлиги холати юзасидан Тартиб-махфий бошкармаси томонидан хизмат текшируви утказилиб, тегишли чоралар курилди.

**6) “Фаргонаазот” АЖ нинг ИХКБ бошлиги А.Хамраев бошкарув раиси номига билдириги (**2024 йил 18 апрел №1246-сони** билан кайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 17 апрел куни, 2-нчи ишлаб чикириш майдони юкларни жунатиш участкаси мутахассиси Ш.Абдухакимова хатоликка йул қуйиб, Литва давлатига 500 кг. хажмдаги копларда карбомид минерал угитлари юборилиши белгиланган булсада, талонга 1000 кг. копларда минерал угитларни чикиришга рухсат берганлиги ва натижада 4 юк машиналарига карбомид минерал угитлари 1000 кг. ли копларда юкланиб, тарозида тортиш вактида ИХКБ ва юкларни жунатиш участкаси мутахассиси Ф.Багатская томонидан аникланганлиги, юкоридаги холатлар мунтазам равишда такрорланиб келаётганлиги сабабли юкларни жунатиш участкаси бошлиги Ф.Ахмедова ва мутахассис Ш.Абдухакимовага нисбатан тегишли чоралар курилишини сураган.**

Мазкур билдиригига курсатилган холатларни урганиш ва натижаси буйича ахборот киритиш хакидаги ёзма курсатмангизга асосан Комплаенс назорат хизмати томонидан урганиш ишлари утказилди ва куйидагилар аникланди.

Жумладан, юкларни жунатиш участкаси бошлиги Ф.Ахмедова холат юзасидан берган маълумотида хакикатдан хам шу йилнинг 17 апрел куни, юкларни жунатиш участкаси ходими Ш.Абдурахмонова экспорт йуналиши буйича хужжат (талон) расмийлаштириш жараёнида 22 тн. 500 кг.лик коп сонини курсатиб урнига 22 та 1 тн. лик коп деб хато ёзиб киритилганлиги, юкоридаги хато сабаб 4 дона экспорт учун автотранспорт воситасига умумий микдори узгармаган холда, яъни 22 та 1 тонналик “Биг-бэг” копларига кадокланган махсулот ортилганлиги, юк ортилган 40 439 ЛБА раками автотранспорт воситаси автотарозисига юк вазнини аниклаш учун куйилганлиги ва вазни аниклангандан сунг ЮЖУ ходими Ф.Багатская томонидан муҳирланганлиги ва ИХКБ ходимлари томонидан корхона худудидан чикариб юборилганлиги, ушбу жараён корхонамиз худудида урнатилган камералар ва ИХКБ смена ишчи-ходимлари назорати остида амалга оширилганлиги, 2-чи автотранспорт воситаси вазнини аниклаш учун тарозига куйилган вактида, тарозхона ходими Н.Акбарова томонидан талондаги хатолик аникланиб, ЮЖУ ходими Ф.Багатскаяга маълумот берганлиги, сунгра корхона худудидан чикиб кетган автотранспорт воситасини заводга кайташ учун Савдо булими ходими Ш.Юлдашевга мурожаат этилганлигини ва автотранспорт воситаси цехга кайтарилганлигини, хужжатлар кайта расмийлаштирилиб, коплар алмаштирилганлигини, бу холатдан корхонага молявий зарар келтирилмаганлигини, хатоликка йул куйган ходим билан тушунтириш ишлари олиб борилганлигини курсатган.

Шу билан бирга, ЮЖУ бошлиги Ф.Ахмедова уз маълумотномасида ушбу холат нафакат ЮЖУ ходими, балки ИХКБ смена ходимлари томонидан назоратсиз колдирилганлиги, вахоланки барча жараёнлар видеокамералар остида ва куриклаш хизмати ходимлари томонидан уяли алока воситалари (телефонлар) га расмга олиниши, коплар саналиши, юк хужжатларига асосан амалга оширилишини курсатиб утган.

Холат юзасидан ЮЖУ мутахассиси Ш.Абдурахмонова уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни хакикатдан хам 17 апрел куни иш вактида юкларни жунатиш учун хужжатларни расмийлаштириш вактида хатоликка йул куйиб, талонга 22 ракамини ёзиб куйганлигини курсатган.

Назоратчи тарозбон Н.Акбарова уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни, шу йилнинг 17 апрел куни, кечки соат 20-00 ларда тунги иш сменасига

ишга келганлигини, шу куни Литва давлатига экспорт буйича 4 та машиналарда журналда 22 тн. 44 копларда минерал угитлар булиши кераклигини, хужжатларда эса 22 тн. 22 коплар ёзилган холда келганлигини, коплар сони тугри чикмаганлиги учун ИХКБ ходимлариға айтганлигини, кейин эса ташкарига юқ билан чикиб кетган 2 та машиналар завод худудига кайтариб олиб келингандынлигини курсатган.

Урганиш давомида, маъсуллардан олинган тушунтириш хатларидан ташкари ЮЖУ ва тарозихонани шу холат билан bogлик иш журналлари ва китоблари урганиб чикилди. Натижада ЮЖУ мутахассиси Ш.Абдухакимованинг харакатларида мол-мулкни талон-тарож килишга уриниш ёки бошка йуллар билан узлаштиришга харакат килиш холатлари мавжуд эмаслиги, шунингдек, корхонага молиявий зиён етказилмаганлиги, ходим хизмат вазифаларини бажаришда эътиборсизликка йул куйганлиги аникланди.

Шулардан келиб чикиб, ЮЖУ мутахассиси Ш.Абдурахмонова узига юқлатилган мехнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик билан ёндошганлик харакатларига баҳо бериш ва шундан келиб чикиб унинг хатти-харакатлари интизомий жазога лойиклиги масалалари бошкарув раисининг биринчи уринбосари У.И. Миллабоев хузурида мухокамага куйилди. Натижада, Ш.Абдурахманова раҳбарият томонидан **огохлантирилиб**, келажакда бундай холатларга йул куймаслик учун тегишли ишларни амалга ошириш буйича топшириклар берилди.

Шу билан бирга, корхона ЮЖУ бошлиги Ф.Ахмедованинг маълумотномаси хамда урганиш натижалари асосида юқлаш, тарозида тортиш ва корхона худудидан чикиш жойидаги назорат утказиш жойида сменада ишда булган ИХКБ ходимларини минерал угитлар юқланган иккита юқ машиналари корхона худудидан чикиб кетишига йул куйилганлиги холатлари юзасидан Тартиб-махфий бошкармаси томонидан ички хизмат текшируви утказилиб, тегишли чоралар курилди.

7) “Фарғонаазот” АЖ нинг Тартиб-махфий бошкармаси бошлиғи М.Фузайлов бошкарув раиси номига билдириги (**2024 йил 18 апрел №1247-сони** билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда ташки сув таъминоти цехи ички худудига 3-нчи ишлаб чикариш майдонидан тортиб утилган, 76 диаметрлик 200 метр атрофидаги зангламас метал трубалар 2023 йилнинг куз ва 2024 йилнинг феврал ойларида цех ишчилари томонидан рухсатсиз, узбошимчалик билан кесиб олиниб, цех омборхонасига олиб кириб куйилганлиги ва кейинчалик ушбу трубалар цех раҳбарлари томонидан бегона шахсларга сотиб юборилганлиги, демонтаж ва монтаж ишлари

тегишли тартибда бухгалтерия оркали хужжатлар расмийлаштирилмаганлиги, демонтаж ва монтаж ишларига сарфланган ишчи кучи ва хом-ашёларни сарф-харажати бошка иш объёмига кушиш йули билан хужжатлар сохталаштирилганини, шу сабабли цех раҳбари Ж.Рузбоев ва бошка тегишли мутахассисларга нисбатан катъий чора қурилишини сўраган.

Мазкур билдиригига кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангизга асосан Комплаенс назорат хизмати томонидан текшириш ишлари ўтказилди ва қўйидагилар аниқланди.

Жумладан, ташки сув таъминот цехи бошлиги Ж.Рузбоев ҳолат юзасидан берган тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам корхонанинг З-нчи ишлаб чикириш майдони фаолияти якунлангунга кадар ташки сув таъминот цехи шу майдонга тортилган ичимлик сувига уланганлигини, З-нчи ишлаб чикириш майдони фаолиятини тухтатгандан сунг, корхона томонидан ичимлик суви берилиши ҳам тухтатилганини сабабли цех ичимлик сувисиз колиб кетганлигини, шу йилнинг феврал ойини бошида, цехнинг ичимлик сувига булган заруратидан келиб чикиб, инвентар раками № 030290058 булган, улчами 76 диаметрли, узунлиги 130 метр, шундан 25 метри зангламас металдан, колган кисми кора металдан булган трубаларни 130 метрини демонтаж килиб, шу трубалардан монтаж ишларига 55 метрини сарфлаганлигини, демонтаж ва монтаж ишларини сарф-харажати учун 2024 йилнинг 23 феврал кунидан № 99/03-сонли далолатнома расмийлаштирганлигини ва шу хакда хисбот бухгалтерияга тақдим этилганлигини, бу ишларни барчасини раҳбариятни огохлантирмасдан амалга оширганлигини, ҳолат юзасидан Комплаенс назорат хизмати томонидан урганиш ишларини олиб бориш жараёнида мутахассислар таркибида демонтаж ва монтаж килинган трубалар ҳамда омборда сакланаётган трубаларни улчангандан, жами демонтаж килинган трубалар узунлиги 115,90 метр, шундан 22,85 метри зангламас, 93,05 метри кора метал чикканлиги, шундан монтаж ишларига 42 метр кора метал ишлатилганини, трубаларни 73,9 метри омборга олиб кириб куйилганлиги аникланганлиги, дастлаб демонтаж килинган трубалар узунлиги 130 метр деб ёзишига сабаб мутахассис улчамни оёклари билан кадамлаб улчаганлигини, кейинги улчашда эса мутахассис метр улчови ёрдамида улчаганлигини, амалга оширган демонтаж ва монтаж ишлари учун шу йилнинг 24 апрел кунидан корхона раҳбарининг биринчи уринбосари У.Миллабоевни № 122-сонли карорини чикартириб, сарф-харажатлар шу йилнинг 30 апрел кунидан №8-сонли далолатнома оркали расмийлаштирилиб, бухгалтерия хисботларидан утказганлигини, демонтаж ва монтаж ишларига сарфланган

сарф-харажатларни белгиланган тартибда уз вактида расмийлаштириш чораларини курмаганлик холатларига йул куйган хатосини тушунгандигини, бошка бундай хатога йул куймаслигини кўрсатиб утган.

Холат юзасидан ташки сув таъминлаш цехининг механизми Э.Болтабоев, пайвандчиси Х.Тулкинов ва ТМБ буйича техники И.Вишневская уз тушунтириш хатларида, цех бошлиги Ж.Рузибоевни кургазмаларини тулик тасдиқлашган.

Шу билан бирга, ташки сув таъминлаш цехида кувир утказгичларни демонтаж ва монтаж килинган жойлари хамда омборда сакланаётган трубалар фотосуратлари хам иш хужжатларига кушилди.

Шунингдек, Комплаенс назорат хизмати, Тартиб-махфий бошкармаси, Бош энергетик уринбосари, Бош механик булими мутахассислари иштирокида шу йилнинг 6 май куни, ташки сув таъминот цехида демонтаж ва монтаж килинган хамда ундан ортган омборда сакланаётган трубалар кайтадан улчовдан утказилганда, ташки сув таъминот цехи 14-сонли камера худудидан маъмурий бино худудигача булган оралиқдаги демонтаж килинган 76 диаметрли кувир утказгич узунлиги 115 метрни ташкил этганлиги, шундан 22,85 метри зангламас, 93,05 метри темир эканлиги, бундан 1-сонли участкаси совук сув билан таъминлаш максадида, 5-сонли камерадан 1-сонли участкасигача булган оралиқка монтаж килинган кувир утказгич узунлиги 42 метрни ташкил килганлиги, колган кувир утказгичнинг 73,9 метри ташки сув таъминоти цехи омборида иккиласи ТМБ тарзида фойдаланишга олинганлиги, омбордаги кувирнинг 9,35 метри 76 диаметрли, 13,5 метри 89 диаметрли зангламас эканлиги, 8,5 метри 89 диаметрли, 42,55 метри 76 диаметрли темир эканлиги аникланди ва ушбу хакда далолатнома тузилиб, мутахассислар томонидан имзоланди.

Урганиш натижаларига кура, Ташки сув таъминоти цехи бошлиги Ж.Рузибоев ва шу цехининг бошка маъсуллари харакатларида ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги аникланди.

Лекин, Ташки сув таъминоти цехи бошлиги Ж.Рузибоев раҳбар сифатида меҳнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизликка йул куйиб, корхонанинг асосий воситалар ва номоддий активларни хисобдан чиқариш буйича 2024 йил 26 январ кунидан № 88-сонли буйруги талабларига зид равишда ҳаракат килганига, шунингдек демонтаж ва монтаж ишларига сарфланган сарф-харажатларни белгиланган тартибда уз вактида расмийлаштириш чораларини курмаганлик холатларига баҳо бериш ва шундан келиб чиқиб, унинг ҳатти-ҳаракатлари интизомий жазога лойиқлиги масалалари бошқарув раисининг биринчи ўринбосари У.И. Миллабоев

хузурида муҳокамага қўйилди. Натижада, Ж.Рузибоев раҳбарият томонидан **оғоҳлантирилиб**, келгусида бундай салбий холатларга йул куймаслик максадида тегишли ишларни амалга ошириши юзасидан топшириклар берилди.

**8)** Шу йилнинг май-июнь ойлари давомида Комплаенс назорат хизмати бошлиги Г.Жаббаров бошлигига “Фаргонаазот” АЖ бошкарув раисининг курсатмасига асосан, корхона номидан ваколат берувчи расмий хатни калбакилаштириш холати юзасидан, Комплаенс назорат хизмати томонидан ички хизмат текшируви утказилганда қўйидагилар аникланди.

Жумладан, Сурхандарё вилояти, Термиз тумани, “Уч кизил” темир йул станцияси бошлиги А.Дониёров, 2024 йил 24 май куни, “Фаргонаазот” АЖ нинг Логистика бошкармаси бошлиги уринбосари Н.Абдукадировга уяли телефон оркали алоказа чикиб, унга “Ойбек Ангор” МЧЖ хисобчиси Б.Шайманов “Фаргонаазот” АЖ бошкарув раиси номидан, Сурхандарё вилояти Термиз тумани Паррандачилик махалласида жойлашган, “Фаргонаазот” АЖ га карашли булган минерал угитларни саклаш омборига тортилган темир йули (ветка) дан “Ойбек Ангор” МЧЖ га минерал угитларни ташиб утиш ваколатини берувчи, 20024 йил 8 январь кунидан 26/20-сонли расмий хатни тақдим этганлигини ва шу хат корхона томонидан хакикатда берилганлигини тасдиқлашни сураб мурожаат килиб, хатни нусхасини тақдим килган.

Логистика бошкармаси бошлиги уринбосари Н.Абдукаримов, “Фаргонаазот” АЖ томонидан бу мазмундаги расмий хат юборилмаганлигини билдириб, корхона балансидаги темир йул участкасидан бошка юридик шахслар факат шартнома асосида фойдаланиши мумкинлигини билдириб, корхона номидан шу мазмунда расмий хатни Уч кизил станцияси бошлиги А.Дониёровга юборган.

Лекин, “Ойбек Ангор” МЧЖ узига каршал булган минерал угитларни, шу йилнинг январь-май ойларида давомида, “Фаргонаазот” АЖ билан шартнома тузмасдан корхона балансида булган темир йул участкасидан, 2021-2023 йиллар хамда 2024 йилнинг январь-май ойлари давомида ташиб олиб утиб ноконуний фойдаланиб келган./ Маълумот учун : “Ойбек Ангор” МЧЖ томонидан канча вакт мобайнида нечта вагонларни темир йул участкасидан ташиб утганлик холатини “Уч кизил” станцияси томонидан вагонларни ташиш учун ажратилган локомотив (тепловоз) хизмати учун тузилган шартнома асосида аникланса булади./

Натижада, “Фаргонаазот” АЖ балансида булган темир йул участкасини техник яроклилик (аммартизациян) холатларига таъсир курсатиш билан

бирга ташиб олиб утган хар бир вагонлари учун туловни амалга оширмасдан, корхонага моддий зарап келтирган.

Урганиш давомида, холатга аниклик киритиш максадида Сурхандарё вилояти Термиз тумани “Уч кизил” станцияси бошлиги А.Дониёров, “Ойбек Ангор” МЧЖ раҳбари С.Норминглиев ва хисобчиси Б.Шайманов хамда “Фаргонаазот” АЖ нинг Логистика бошкармаси ва Канцелярия маъсуллари билан сұхбатлар утказилди ва ишга доир маълумотлар олинди.

Жумладан, Сурхандарё вилояти Термиз тумани Уч кизил темир йули станцияси бошлиги А.Дониёровни яшаш ва ишлаш жойи узок масофада жойлашғанлиги, уни чакиртириш ёки уни олдига бориш күп вактни ва маблаг сарфини талаб килишини эътиборга олиб, у билан уяли телефон оркали сұхбатлашилғанда, у “Уч кизил” станцияси бошлиги лавозимида ишлаб келишини, унинг хизмат курсатиш худудида “Фаргонаазот” АЖ балансида булған минерал угитларни саклаш омборига утган темир йули, яъни веткаси мавжудлигини, унинг хизмат мажбуриятида ушбу темир йулдан фойдаланиш белгиланған тартибда амалга оширилишини назорат килиш хам киришлигини, шу сабабли “Фаргонаазот” АЖ билан шартнома тузилиши зарурлигини, “Ойбек Ангор” МЧЖ хисобчиси Шайманов Бахтиёр 2024 йилнинг январь ойида уни олдига келиб, фирмаларига карашли булған минарел угитларни “Фаргонаазот” АЖ балансидаги темир йулдан олиб утишга рухсат сураганлигини, шунда унга бунинг учун “Фаргонаазот” АЖ раҳбари номидан рухсатнома кераклигини тушунтирганлигини, шундан сунг Ойдек январь ойида “Фаргонаазот” АЖ раҳбари номидан “Ойбек Ангор” МЧЖ нинг минерал угитлари юкландын вагонларни, “Фаргонаазот” АЖ карашли, Сурхандарё вилояти Термиз туманида жойлашған минерал угитлар омборига тортилған темир йулдан шартнома асосида олиб утишған ваколат берувчи расмий хатни берганлигини ва шу расмий хат асосида хар хил вактларда 3-4 (уч-турт) та вагонларда бир неча маротаба, жаъми 20 (йигирма) та вагонларда “Ойбек Ангор” МЧЖ га тегишли булған минерал угитларни “Фаргонаазот” АЖ балансида булған темир йулдан фойдаланиб олиб утганлигини, кейин эса “Фаргонаазот” АЖ раҳбари номидан расмий хатни “Ойбек Ангор” МЧЖ хисобчиси Бахтиёр уз кули билан олиб келиб берганлиги учун унда хатни хаконийлигига шубха уйгониб, шу хат юзасидан “Фаргонаазот” АЖ нинг Логистика бошкармаси бошлиги уринбосари Нурмуҳаммадга уяли телефон оркали алоказа чикиб, ушбу хат хакида сураб, унга расмий хатни нусхасини телеграмм оркали ташлаб берганлигини, Нурмуҳаммад корхона томонидан “Ойбек Ангор” МЧЖ билан корхона уртасида темир йулдан фойдаланиш учун хеч кандай шартнома

тузилмаганлигини ва бу хакда рухсатнома хат юборилмаганлигини билдирганлигини курсатган.

Бундан ташкари, урганиш давомида “Фаргонаазот” АЖ нинг Логистика бошкармаси холат юзасидан берган маълумотида, “Уч кизил” темир йул станцияси бошлиги А.Дониёров шу йил 24 май куни, Логистика бошкармаси бошлиги уринбосари Н.Абдукадировга телефон оркали алокага чикиб, “Ойбек Ангор” МЧЖ томонидан корхонага карашли булган минерал угитларни саклаш омборига олиб борувчи темир йулдан фойдаланишга рухсат берувчи “Фаргонаазот” АЖ номидан 2024 йил 8 январь кунидан № 26/20-сони билан кайд этилган расмий хатни корхона номидан тақдим килганлигини билдирганлигини, ушбу хат урганилганда бу хат корхона томонидан берилмаганлигини, ушбу хат ким ва кандай тайёрланганлиги маълум эмаслигини курсатишган.

Корхонанинг девонхонаси томонидан тақдим килинган маълумотномада хам “Фаргонаазот” АЖ расмий бланкасида 08.01.2024 йилдан № 26/20-сони билан кайд этилган расмий хат руйхатдан утмаганлиги курсатилган.

Шу уринда, бу холатнинг келиб чикишга сабабчи булган шарт-шароит ва омиллар урганилганда, корхона балансида булган, корхона худудидан ташкарида булган темир йул участкаларидан фойдаланиш тартиби, Узбекистон Республикаси темир йул Йурикномаси (Устави) асосида ишлаб чикилмаганлиги ва катъий назорат урнатилмаганлиги натижасида, корхонанинг темир йул участкаларидан жисмоний ва юридик шахслар томонидан ноконуний фойдаланишга шароит яратилган. /Темир йул участкаларига ОНЛАЙН кузатиш учун видеокамералар урнатиш чоралари курилмаган, шунингдек темир йул участкалари туташ булган темир йул станциялари билан фойдаланиш тартиби буйича шартномалар тузилмаган ва бошка назорат механизмлар яратилмаган./

Урганиш натижаларига кура, “Фаргонаазот” АЖ номидан 2024 йил 8 январь кунидан № 26/20-сони билан кайд этилган расмий хат калбакилаштирилганлигини ва бу холат Сурхандарё вилояти Термиз тумани худудида содир этилганлигини эътиборга олиб, тупланган хужжатларга конуний баҳо берилиши учун тупланган хужжатлар **Сурхандарё вилояти Транспорт прокуратурасига юборилди (Кайд.№ 93/1247, 04.06.2024й.).**

**9).** Комплаенс назорат хизмати бошлиги Г.Жаббаров “Фаргонаазот” АЖ бошкарув раисининг курсатмасига асосан, жамият ИХКБ бошлиги А.Хамраевнинг /чикиш № 1980-сонли 2024 йил 20 июнь кунидан кайд этилган/ билдиргиси билан танишиб чикиб, унда курсатилган холатлар

юзасидан Комплаенс назорат хизмати томонидан урганиш утказилганда куйидагилар аникланди.

Идоравий харбийлаштирилган куриклаш булими бошлиги А.Хамраев корхона бошқарув раисига юборган билдиргисида 2024 йилнинг 11 июнь куни, “Собиржон угли Солижон” Ф/Х № 6958889-сонли олди-сотди шартномасига кура 20 тонна аммиакли селитра минерал угитларини ютиб олиб, иккита буйрук-фактураларга асосан 10 тоннадан юк машиналарига юклаб, иккита юк машиналарида 2024 йил 13 июнь куни олиб чикиб кетганлиги, 2024 йил 12 июнь куни “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х № 6964989-сонли олди-сотди шартномасига кура 11 тонна аммиакли селитра минерал угитларини ютиб олиб, 2024 йил 16 июнь куни, 2-нчи ишлаб чикариш майдонидан минерал угитларни олиб чикиб кетганлиги, юкорида курсатилган минерал угитларни 2024 йил 13 июнь куни олиниши лозим булганлари ваколатли омбордан юкланиши керак булганлиги, лекин корхонанинг цехидан юклангандиги, 2024 йил 16 июндагисини хужжатга асосан пули туланмаган булишига карамай хужжатлаштирилиб берилганлигини курсатиб, шу хужжатларга асосан олдиндан минерал угитларни моддий тулов амалга оширилмай туриб, хужжатлаштириб берган маъсул шахсларга нисбатан хизмат текшируви утказишга керакли булимларга курсатма берилишини сураган.

Урганиш давомида, Бош хисобчи Х.Хайдаров, Бош хисобчи уринбосари Х.Нуриев, Юкларни жунатиш участкаси бошлиги Ф.Ахмедова, Молия ва контракт мажбуриятларининг бажарилишини назорат килиш булими бошлиги Н.Мамажонов ва Савдо булими етакчи мутахассиси А.Мирзаахмедов билан холатларга аниклик киритиш максадида сухбатлашилди ва улардан ишга дахлдор булган маълумотлар олиниб, урганиш хужжатларига кушилди.

Жумладан, Юкларни жунатиш участкаси бошлиги Ф.Ахмедова билан сухбат жараёнида, ИХКБ бошлиги А.Хамраевнинг билдиргисида курсатилган холатларга ойдинлик киритиш максадида, ЮЖУ да урганиш ишларини олиб борганлигини, 2024 йил 11 июнда биржа савдолари оркали корхона билан “Собиржон угли Солижон” Ф/Х ва “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х урталарида аммиакли селитра минерал угитларини сотиш учун олди-сотди шартномалари тузилганлигини, ЮЖУ нинг маъсул ходимлари томонидан 2024 йил 13 июнь куни, корхона худудидан минерал угитларни олиб чикиш учун “Собиржон угли Солижон” фермер хужалигининг 6-сонли ишончномасига асосан № 2/003241 ва № 2/003242-сонли буйрук-(фактура) хужжатлари расмийлаштирилганлигини, бундан ташкари 2024 йил 12 июнь куни, “Сайдкамол Имронбек” фермер хужалигининг 5-сонли ишончномасига

асосан № 2/003669-сонли буйрук-(фактура) хужжатлари расмийлаштирилганлигини, юкоридаги барча жараён шаффоффлик билан амалга оширилганлигини, яъни, маҳсулот учун туловлар уз вактида амалга оширилганлигини, хеч кандай шубха уйготувчи харакатлар амалга оширилмаганлигини, шартнома шартларига кура барча юклаш тартиби корхонага карашли 2-нчи ишлаб чикириш майдонидан идоравий харбийлаштирилган куриклаш хизмати катъий назорати ва камералар остида амалга оширилганлигини, барча юклашга оид хужжатлар нусхалари ИХКБ смена ходимларига тақдим этилишини ва шундан сунг юклаш ишлари амалга оширилишини, биржа савдолари натижасига кура ушбу фермер хужаликлар билан олди-сотди шартномаларида юклаш жойи корхонанинг ваколатли омбори эмас, балки “Фаргонаазот” АЖ курсатилганлигини, юкларни жунатиш участкаси томонидан хужжатларни расмийлаштириш жараёни client.uzex.uz ва “1 С” программаси оркали амалга оширилишини, юклаш хужжати программа томонидан шаклланишини, агарда маҳсулот учун битим (сделка) амалга оширилмаса хужжат уз-узидан шаклланмаслигини курсатган.

Бундан ташкари, Молия ва контракт мажбуриятларининг бажарилишини назорат килиш булими томонидан тақдим килинган маълумотда, биржа савдолари натижасига кура, “Собиржон угли Солижон” Ф/Х билан олди-сотди № 6958889-сонли шартнома 2024 йил 11 июнь куни ва “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х билан олди-сотди № 6964989-сонли шартнома 2024 йил 12 июнь куни жамиятнинг “1 С” базасига руйхатга киритилганлиги курсатилган.

Шу билан бирга, Бош хисобчи Х.Хайдаров ва унинг уринбосари Х.Нуриев сухбат жараёнида, “Собиржон угли Солижон” Ф/Х ва “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х лари хакикатдан хам биржа савдолари оркали аммиакли селитра минерал угитларини сотиб олишганлиги ва ушбу фермер хужаликлари томонидан биржа савдолари натижасида курсатилган пул маблаглари тулик микдорда корхона хисоб-ракамига келиб тушганлигини курсатишган ва ушбу туловларни тасдиковчи молявий хужжатларни нусхаларини тақдим килишган.

Бухгалтерия томонидан тақдим килинган молявий хужжатларга асосан, яъни № 0000252142 ва 0000252474-сонли тулов топшириклари (платежные поручения) га кура, фермер хужаликларидан сотиб олган минерал угитлар учун пул маблаглари 2024 йилнинг 20 июнь куни корхона хисоб ракамига АО УзРТСБ дан тулик холда келиб тушганлиги тасдикланган хамда шу фермер хужаликлари билан корхона уртасидаги карздорлик масаласида узаро хисоб-китоб далолатномаларига кура карздорлик мавжуд эмаслиги маълум булди.

Савдо булими етакчи мутахассиси А.Мирзаахмедов билан мазкур холатлар юзасидан сухбатлашилганда, у аммиакли селитра минерал угитлари белгиланган тартибда биржа савдоларига куйилганлигини ва “Собиржон угли Солижон” Ф/Х хамда “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х лари биржа савдоларидан ютиб олган аммиакли селитра минерал угитларини пул маблаглари уз вактида биржа хисоб-ракамига келиб тушганлигини, ушбу фермер хужаликлариға ЮЖУ томонидан минерал угитлар тегишли хужжатларни расмийлаштирган холда юкраб берилгендан сунг, белгиланган хужжатлар биржага тақдим килинганлигини ва шу асосда биржа томонидан минерал угитлар учун пул маблаглари тулик микдорда корхона хисоб-ракамига утказиб берганлигини курсатган.

Урганиш давомида, Юкларни жунатиш участкасидан “Собиржон угли Солижон” Ф/Х ва “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х лари билан корхона уртасида минерал угитларни савдосини конуний булганлигини тасдиқловчи № 6958889-сонли ва № 6964989-сонли биржа олди-сотди шартномалари ва уларга № 616026-сонли ва № 613032, 613033-сонли хисоб-варакалари (счет-фактуралар), тайёр маҳсулотларни чикариш учун № 2/003241 ва 2/003242-сонли буйруклар нусхалари, бухгалтериядан № 0000252474 ва 0000252142-сонли тулов топшириклари (платежные поручения) хамда узаро хисоб-китоб далолатномалари нусхалари, Савдо булимидан Правила проведения расчетно-клиринговых операций в АО “УзРТСБ” ни кучирмаси олиниб, иш хужжатларига күшилди.

Урганиш натижаларига кура, “Собиржон угли Солижон” Ф/Х ва “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х томонидан биржа савдоларида ютиб олган № 6958889 ва № 6964989-сонли олди-сотди шартнома (тиcket) ларида минерал угитларни олиб кетиш манзили сифатида “Фаргонааазот” АЖ курсатилган булиб, ИХКБ бошлиги А.Хамраев уз билдиригисида (билдиригига хар иккала олди-сотди шартномаси илова килинган) “минерал угитлар ваколатли омбордан юкланиши керак булсада, лекин цехдан юкландган” деб курсатган.

Шунингдек, “Фаргонааазот” АЖ нинг Савдо булими томонидан аммиакли селитра минерал угитлари биржа савдолариға белгиланган тартиб асосида куйилган булиб, биржа савдоларидан “Собиржон угли Солижон” Ф/Х хамда “Сайдкамол Имронбек” Ф/Х лари ютиб олиб, биржа савдоси натижаси асосида минерал угитларга белгиланган пул маблаглари “Правила проведения расчетно-клиринговых операций в АО “ УзРТСБ”” коидалари талаблари буйича 3 кунлик муддат ичиде биржага утказилган ва 10 кунлик муддат давомида бу пул маблаглари тулик микдорда корхона хисоб-ракамига

келиб тушганлигини эътиборга олиб, бу холатларда корхона маъсулларининг харакатларида **конун бузилиш холатлари мавжуд эмас** деб хулоса килинди.

**10)** Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ф.Жаббаров, бошқарув раисининг кўрсатмасига асосан, ИХҚБ бошлиғи А.Хамраевнинг /чиқиши № 2395-сонли 2024 йил 25 июль кунидан қайд этилган/ билдиргиси билан танишиб чиқиб, кўрсатилган ҳолат юзасидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш бўлими бошлиғи А.Хамраевнинг корхона бошқарув раисига юборган билдиргисида, 2024 йилнинг 23 июнь куни, 50506435 рақамли вагон (цистерна) бўш ҳолда 2-нчи ишлаб чиқариш майдонига темир йўл орқали олиб кирилиб, темир йўл тарозисида тортилганда, вагоннинг бўш ҳолдаги оғирлиги (тараси) 20650 кг. бўлганлиги, 24 июл куни, ушбу 50506435 рақамли вагон-цистернага аммиакли селитра цехидан юклangan серный кислота махсулоти, шу куни сменада бўлган юкларни қабул қилиш ва жўнатиш участкаси муҳандиси А.Шарафутдинов томонидан тарозидан ўтказилганда, вагоннинг юк билан оғирлиги 74 400 кг.ни ташкил қилганлиги, лекин юкларни қабул қилиш ва жўнатиш муҳандиси А.Шарафутдинов юкнинг ҳужжатларини расмийлаштиришда хатога йўл қўйиб, юкнинг соф оғирлиги (53 750 кг.) га цистернани бўш ҳолдаги оғирлиги (20 650 кг.) ни қўшиб 74 400 кг. деб қайд қилинганлиги, бу ҳолатга аниқлик киритилганидан сўнг, нотугри расмийлаштирилган 1003 рақамли ҳужжат бекор қилиниб, юкнинг ҳақиқий вазни (53 750 кг.) 1018 рақамли ҳужжатда қайта расмийлаштирилганлиги, келгусида корхона худудидан олиб чиқилаётган (олиб кирилаётган) моддий-товар бойликларга тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўйганлигини олдини олиш мақсадида, юқоридаги ҳолат бўйича чора қўришликни сўраган.

Ўрганиш давомида, ИХҚБ нинг ҳолат юзасидан тўплаган ҳужжатлари билан танишиб чиқилди ва шу асосда Юкларни жўнатиш участкаси бошлиғи Ф.Ахмедова, унинг ходими А.Шарафутдинов билан ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида сұхбатлашилиб, улардан ишга дахлдор бўлган маълумотлар олинди ва ўрганиш ҳужжатларига қўшилди.

Юкларни жўнатиш участкаси бошлиғи Ф.Ахмедова билан сұхбат жараёнида ва ҳолат юзасидан берган маълумотида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун шартнома асосида корхонага қатор махсулотлар олиб келишини тъминлаш тегишли бўлинмалар зиммасига юклатилганлигини, ушбу махсулотлар корхона худудига етказиб бериш темир йўл орқали амалга оширилганда темир йўл электрон юк хати асосида қабул қилинишини, корхона худудига темир йўл станциясидан юкни қабул қилиш ва олиб кириш

ИХҚ бўлими смена бошлиғига темир йўл юк хати бир нусхаси тақдим этилгандан сўнг амалга оширилишини, юкларни жўнатиш участкаси маъсул ходимлари томонидан темир йўл тарозисида барча юкларни тортиш ишлари ИХҚБ катъий назорати остида амалга оширилишини, 2024 йил 24 июл куни корхона эҳтиёжлари учун керак бўлган серный кислота махсулоти аммиакли селитра цехида корхонага тегишли бўлган 50506435 рақамли цистернага юкланиб, 2-нчи ишлаб чиқариш майдони тарозисида ИХҚ ходимлари назорати ва камералар остида соат 11:30 да тортиш учун қўйилганлигини, ЮЖУ ходими А.Шарафутдинов томонидан махсулот юкланган цистерна тортилганлиги ва китобга қайд этилганлигини, ИХҚ бўлими смена ходимига 1003-сонли приказ-фактура тақдим этилганлигини, (ушбу ҳужжат факат ИХҚБ учун ёзиб берилишини ва хеч қандай молиявий аҳамиятга эга эмаслиги) унда брутто ва махсулот номи қайд этилганлигини, шунчаки соф оғирлиги шошилиш ва эътиборсизлик натижасида кўрсатилмаганлигини ва ИХҚБ ходимлари томонидан ўз вақтида аҳамият берилмаганлиги сабаб кейин ёзиб қўйилганлигини, юқорида кўрсатилган цистерна 2-нчи ишлаб чиқариш майдонида жойлашган 26 ва 29-сонли ИХҚБ назорат постидан ўтиб, ундан сўнг 19-сонли ИХҚБ назорат пости орқали 1-нчи ишлаб чиқариш майдони ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун тегишли омборига юборилганлигини, барча жараёнлар ИХҚБ назорати ва ҳамкорлигига вагонларни бўш ҳолатда ва юкланган ҳолатида тарозида тортиш ишлари амалга оширилганлигини, барча жавобгарлик ЮЖУ ишчи-ходимлари зиммасига юклатилиши лозим деб таъкидланиши, агар ИХҚБ хеч қандай моддий жавобгарликка тортилмаса унда шунча ҳужжат талаб этиши ва текширишнинг маъноси нималиги, барча хато ва камчиликлар корхона худудида бартараф этилиб, ўз манзилига сифатли етиб боришини таъминлаш барчанинг зиммасида эканлигини, ушбу ҳолат иш жараёнидаги тезкорлик сабаб келиб чиқсанлигини, яъни, бир вагон учун кетадиган вақт, унга илинадиган қатор пломбалар, пломба рақамларини ҳужжатга киритиш, ундан ташқари китобга қайд этиш, приказ-фактура ҳужжатига реестр ёзиш, рапорт ёзиш ва брутто, нетто, тара оғирлигини аниқлаш ва хакозо ишлар амалга оширилишини инобатга олиб ушбу ҳолатда корхонага хеч қандай молиявий зарар келтирмаган деб баҳоланишини сўраганлигини, ўз навбатида ЮЖУ ишчи-ходими А.Шарафутдиновга нисбатан бундан аввалги барча хатоликлари юзасидан олинган тушунтириш хатлари йиғилиб бошқарув раисига унга нисбатан тегишли чора кўрилиши ҳакида тегишли бўлинмаларга топшириқ беришини сўраб хизмат хати юборганлигини кўрсатган.

Шу билан бирга, ЮЖУ бошлиғи Ф.Ахмедова катта уста А.Шарафутдиновга тавсифнома, у томондан иш фаолияти давомида муқаддам ҳам хатога йўл қўйганлиги ҳақида 25 июл куни тузилган далолатнома ва шу асосда уни интизомий жазога тортишни сўраб бошқарув раисига 16 июл куни юборган хизмат хати нусхаларини тақдим қилган.

ИХҚБ ходимлари Ш.Холматов, Р.Орипов ва Ш.Атақулов ҳолат юзасидан берган тушунтириш хатларида 24 июл куни, 26 ва 29-сонли назорат постларида хизматда бўлишган вақтида серная кислота махсулоти ортилган вагонни пломбалари ва ҳужжатларини текшириб, вагон ҳамда ҳужжатларини расмга олиб телеграм орқали смена катта қўриқчиси Х.Сайдовга юборишганини, лекин вагоннинг ҳужжатига эътиборсизликлари натижасида юкнинг соғ vazni ёзилмаганлигини билишмай постдан ўтказишганини кўрсатишган.

Ўрганиш давомида, Юкларни жўнаташ участкаси катта устаси А.Шарафутдинов 24 июль куни, иш фаолияти давомида лавозими бўйича меҳнат мажбуриятига эътиборсиз билан қарashi натижасида меҳнат интизомини бузилишига олиб келган ва бу ҳолатда у интизомий жазога лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш лозим бўлсада, лекин у муқаддам иш фаолиятида йўл қўйган хатоликлари учун ЮЖУ бошлиғи Ф.Ахмедова уни интизомий жазога тортиш масаласини кўриб чиқиш учун бошқарув раисига хизмати хати юборилганлиги ва бу масала **Ходимлар билан ишлаш бошқармаси томонидан кўриб чиқилаётганлигини** эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда, ИХҚБ нинг 26 ва 29-сонли назорат постларида хизмат олиб борган ходимларнинг юкнинг ҳужжатларини текшириб ўтказища ушбу хатоликни аниқламаганликлари ҳолати Тартиб ва маҳфийлик бошқармасида мухокама қилишни ва келгусида шундай хатоликларга йўл қўймаслик мақсадида, ИХҚБ ходимларини юкларни қабул қилиш ва жўнаташ билан боғлиқ молиявий ҳужжатлар билан ишлаш йўналишида ўқув дарслари программасига Бухгалтерия, Савдо бўлими, Харидлар ва захираларни бошқариш бўлими мутахассислари иштирокида қўшимча дарслар киритиб, ўқитиш мақсадга мувофиқ хисобланади.

**11).** Комплаенс назорат хизмати бошлиғи F.Жаббаров, Қозон-буғ цехи ишчилари томонидан товар-моддий бойликларни яширин равища талонтарож қилишга уриниш ҳолати юзасидан ўтказилган ички хизмат текшируви давомида қуидагилар аникланди.

«Farg‘onaazot» АҶ нинг Буғ-қозон цехи смена катта устаси Б.Тўраев, шу йилнинг 15 июл куни, II-нчи ишлаб чиқариш майдонидан 42 (қирқ икки)

турдаги хар-хил товар-моддий бойликларни ўтлар орасига боғлаб яшириб талон-тарож қилиш мақсадини кўзлаб, бошқарув раиси номига хизмат хати чиқариб, унда цех атрофидаги томорқада ўсиб турган ўтларни ўз эҳтиёжи учун ўриб олиб, уйига олиб кетишга рухсат сўрайди.

Буғ-қозон цехи смена катта устаси Б.Тураевнинг хизмат хати тегишли тартибда ўрганилиб рухсат берилганидан сўнг, у шу йилнинг 17 июл куни тунги ишга келиб, кечки соат 18 лардан 20 ларга қадар цехнинг томорқа ерларидан ўтларни ўриб олиб, ўтлар орасига 42 (қирқ икки) турдаги хар-хил товар-моддий бойликларни боғлаш йўли билан яшириб қўяди. Шундан сўнг, 18 июл куни, кундуз соат 10 лар чамасида, АТЦ га қарашли бўлган, хайдовчи Э.Турсунов бошқарувидаги “ИСУЗУ” русумли 40 364 ТВА давлат белгили юқ машинасига, олдиндан тайёрлаб қўйилган ва ўтлар боғлами орасига яширилган товар-моддий бойликларни ишчилар ёрдамида юклаётган вақтида, ўтлар боғлами орасидан яширилган товар-моддий бойлик бир донаси тушиб кетиши натижасида, ушбу жараённи хизмат заруратидан келиб чиқиб назорат қилаётган ИХҚБ ходимлари томонидан аниқланиб, ўтлар орасига яширилган 42 (қирқ икки) турдаги хар-хил товар-моддий бойликлар ашёвий далил тарикасида олиниб, ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар тегишли чора қўриш учун бошқарув раисига такдим қилинган.

Бошқарув раиси томонидан, Комплаенс назорат хизматига ушбу ҳолат юзасидан қонуний чора қўриш ҳақида ёзма кўрсатма берилганлиги сабабли ҳолатни холис, шаффоф ва адолатли кўриб чиқиши мақсадида, шу йилнинг 25 июл кунидан № 696-сонли буйруқ билан мутахассислардан иборат ишчи гурухи тузилиб, буйруқ имзоланган кундан ички хизмат текширувига киришилиб, ўрганиш 7 август кунига қадар ўтказилди.

Ички хизмат текшируvida Б.Тураевдан ҳолат юзасидан олинган тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам цех атрофидаги томорқада ўсиб чиқсан ўтларни ўриб олиб, уйига олиб кетиш учун шу йилнинг 15 июл куни, бошқарув раиси номига хизмат хати ёзганлигини, ёзган хизмат хати бўйича ўтларни ўриб чиқиб кетишга рухсат берилганидан сўнг, 18 июл куни бошқа ишчилар ёрдамида ўтларни юқ машинасига юклаётган вақтида, битта боғланган ўт орасидан темир бўллаги тушиб кетганлигини, бу ҳолатни кўрган кўриқлаш хизмати ходими юклашни тўхтатиб, машинага юклangan ўтларни текширишганда ўтлар орасидан 42 хил хар-хил товар-моддий бойликлари чиқсанлигини, ўтларни бир ой давомида ўриб қуритганлигини, 42 хил турдаги товар-моддий бойликларни турли вақтларда цех ичидан ва атрофидаги ерлардан топиб, цехда бўлган фосфад махсулотини ҳам раствор тайёрлаётган жойидан олганлиги, фосфадни кир ювишда ишлатиш учун

олганлигини, барча тўплаган нарсаларини томорқа чеккасида сақлаб келганлигини, сўнг уларни қуриган ўтлар орасига яшириб, боғлаб уйига олиб кетмоқчи бўлганлигини, бу буюмларни уйида ўз эҳтиёжи учун ишлатиш мақсади бўлганлигини, қилган ишидан пушаймон эканлигини кўрсатган.

Ҳолат юзасидан Буғ-қозон цехи ишчилари, оператор Ж.Умурзақов, навбатчи чилангар М.Қурбонов, машинист назоратчиси О.Тўланов ва кўкаламзорлаштириш ишчилари Х.Холмашрапов ҳамда А.Халиловлардан тушунтириш сўралганда, улар ўз тушунтиришларида ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг 18 июл куни, кундуз соат 10 лар атрофида, цех олдида смена катта устаси Б.Тўраевга тегишли бўлган, боғланган ҳолатдаги ўтларни юк машинасига юклашда ёрдам берганликларини, юклаш вақтида битта боғланган ўт орасидан темир бўллаги ерга тушиб кетганлигини, бу ҳолатни кўрган қўриқлаш хизмати ходими юклашни тўхтатиб, ўтларни машинадан тушириб орасини текширганда, ўтлар орасидан 42 турдаги хар-хил товар-моддий бойликлар чиққанлигини, улар бу товар-моддий бойликлар ўтлар орасига яшириб қўйилганлигидан хабарлари бўлмаганлигини, ўтларни машинага юклаш вақтида ҳам ўтлар катта боғламда, тўрт томондан боғланганлиги сабабли улар орасида товар-моддий бойликлар яширилганлигини сезишмаганлигини кўрсатишган.

Инвентаризация натижасида, тринатрийфосфатнинг цехдаги қолдиғи 29 июл санасига қолдиқ 315 кгни ташкил қилган, 1 июл ҳолатига қолдиқ 48 кг ташкил қилган, июл ойининг 18.07 санасида 300 кг цехга кирим қилинган, 29-июл санасига қадар 19 757 Гкалл буғ ишлаб чиқарилган, 2024-йил учун тасдиқланган сарф меъёрга асосан 1 Гкалл буғ ишлаб чиқариш учун тринатрийфосфат сарфи 0,0022 кгни ташкил қиласди, 19 757 Гкалл буғ ишлаб чиқариш учун тасдиқланган сарф меъёрга асосан 43,46 кг тринатрийфосфат сарфланиши керак бўлган, натижада цехда 10,5 кг тринатрийфосфат ортиқча эканлиги аниқланди.

Харидлар ва захираларни бошқариш бўлими мутахассислари томонидан 42 (қирқ икки) турдаги хар-хил товар-моддий бойликларни бугунги кундаги қиймати чиқарилганда, уларнинг жами нархи **4 миллион 382 минг 400 сўмни** ташкил қилган.

Ички хизмат текшируви давомида товар-моддий бойликларни талонтарож қилинишини олдини олиш мақсадида, Буғ-қозон цехи маъсуллари ва ишчи-ходимлари билан профилактик сухбатлар ўтказилди.

Ички хизмат текшируви натижаларига кўра, Буғ-қозон цехи смена катта устаси Б.Тўраев корхонанинг 4 миллион 382 минг 400 сўмлик, 42 (қирқ икки) турдаги хар-хил товар-моддий бойликларини талон-тарож қилганлик

ҳолатлари тўпланган хужжатлар, ўзининг ва гувохларнинг тушунтириш хатлари, ИХҚБ нинг билдиргиси, ходимларнинг тушунтириш хатлари ҳамда Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар Судининг шу ҳуқуқбузарлик бўйича **маъмурий жавобгарликка тортиш** ҳақидаги қарори билан ўз тасдифини тўлиқ топди.

Бундан ташқари, Буғ-қозон цехида ўтказилган инвентаризация натижасида ортиқча сифатида аниқланган 10,5 кг. тринатрийфосфатни вужудга келиш сабабларини, яъни ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотга белгиланган меъёр асосида қўшилганлик масалалари, сифати ва стандартга жавоб бериши мутахассислар томонидан қўшимча ўрганиш талаб этилади.

**12).** Шу йилнинг 9 август куни жамият рахбарияти номига «Ишонч минерал савдо» МЧЖ нинг таъминотчиси У.Құдратуллаев (мурожаати 2024 йил 9 август куни №07-37-сони билан қайд этилган), «Шабнам омад қувонч» МЧЖ нинг экспедитори А.Рахимов (мурожаати 2024 йил 9 август куни №07-38-сони билан қайд этилган.), «Смарт актив» МЧЖ таъминотчиси Б.Зокиров (мурожаати 2024 йил 9 август куни №07-39-сони билан қайд этилган), «Учқўрғон электролюкс сервис» МЧЖ нинг экспедитори Ж.Дадабоев (мурожаати 2024 йил 9 август куни №07-40-сони билан қайд этилган), «Смарт Улуғнор Агро» МЧЖ экспедитори М.Абдуманнонов, «Шерзодбек Исломбек Файз» МЧЖ таъминотчиси М.Орифжонов (мурожаати 2024 йил 9 август куни №07-42-сони билан қайд этилган) шикоят-хати билан мурожаат этишиб, унда хар бири битта масалада шикоят қилган, яъни қонуний асосларда, биржа савдолари орқали корхонадан сотиб олган минерал ўғитларни 8 август куни, кундузи юк машиналарида олиб кетгани келишиб, соатлаб навбат кутишиб, барча хужжатларни расмийлаштиришиб бўлишганидан сўнг, тунги соат 01-00 лар бўлиб қолганлигини, уларни қўриқлаш хизмати ходимлари корхона ҳудудига киритишмаганини, сабабини сўрашган вактида улар «хужжатларни муддати ўтиб кетганлигини, буйруқ шунаقا бўлган деб» жавоб қилишганини, ваҳоланки ўша вақтда корхона ҳудудида минерал ўғитларни юклаш учун шароит бўлганлигини, бундай ҳолатлар тез-тез такрорланиб туришини кўрсатишиб, бу ҳолатларни бартараф этиш учун тегишли чора кўрилишини сўрашган.

Шу ўринда, ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев бошқарув раиси номига билдиргилар билан мурожаат этиб, (билдиргилар 12 август куни № 2573 ва № 2574-сонлари билан қайд этилган.) шу йилнинг 6 ва 8 август кунлари, 2-нчи ишлаб чиқариш майдонида юкларни қабул қилиш ва жўнатиш базаси томонидан экспорт ҳамда маҳаллий йўналишларда темир йўл транспорт воситалари орқали олиб чиқилиши учун режалаштирилган вагонлар

хисобини инобатга олмасдан, шу билан бир вақтни ўзида автотранспорт воситаларида минерал ўғитларни олиб чиқиши учун ҳам ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги ва биринчи ишлаб чиқариш майдонида ҳам юклаш ва жўннатиш ишлари амалга ошириш жараёнида (тунги вақтда) тарозибонни йўқлиги, сабаби биринчи майдондан маҳсулот олиш учун келган барча автотранспорт воситалари бўш ҳолда ва юк билан тортиш ишлари 2-нчи майдон тарозисида амалга оширилаётганлиги сабабли тарозини иш хажми кўпайиб, транспорт воситаларини тарозидан ўтказища кўп вақт сарфланганлигини, минерал ўғитлар вагонларга юкланаётганлиги сабабли, 2024 йилнинг 8 август куни расмийлаштирилган ҳужжатга асосан юк олиш учун келган автотранспорт воситаларидан 20 таси ҳудудга ҳужжатда белгиланган вақтгача кириб улгирмаганлиги, келгусида юқоридаги ҳолатлар сабабли маҳсулот сотиб оловчилар эътиrozига йўл қўймаслик мақсадида транспорт воситаларини хисобини олмасдан юк олиш учун ҳужжат расмийлаштирган юкларни қабул қилиш ва жўннатиш базаси ходимларига нисбатан тегишли чоралар кўришни сўраган.

Жамият Бошкарув раиси томонидан тадбиркорларнинг шикоят-хатлари ва ИХҚБ бошлиғи А.Хамраевнинг билдиргилари юзасидан ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш ҳақидаги кўрсатма асосида, Комплаенс назорат хизмати томонидан тегишли ўрганиш ўтказилди.

Ўрганиш давомида, бу ҳолатларнинг келиб чиқиши сабаблари объектив кўриб чиқилди ва куйидагилар аникланди. Кўриб чиқиш жараёнида, тадбиркорлар биржа савдоларида сотиб олган ёки тўғридан-тўғри шартнома асосида тайёр маҳсулотларни олиб кетиши, шунингдек корхона иш фаолиятига зарур бўлган товар-моддий бойликларни топшириш масалаларига дахлдор бўлган Логистика бошқармаси, Савдо бўлими, Харидлар ва захираларни бошқариш бўлими, Юкларни жўннатиш участкаси ҳамда цехлар маъсуллари билан сухбатлашилди.

Шу билан бирга бу масалада яратилган шарт-шароитлар кўриб чиқилганда, куйидаги ҳолатлар маълум бўлди.

Корхонада ИХҚБ ва Логистика бошқармаси, Савдо бўлими, Харидлар ва захираларни бошқариш бўлими, Юкларни жўннатиш участкаси, цехлар маъсуллари ўртасида йиллар давомида келишмовчиликлар сабабли бир-бирларини тушуниш ва бир-бирларига кўмаклашиш муҳити мавжуд эмаслиги, уларнинг ўртасида ўзаро хурмат йўқлиги, асосий эътиборлари бир-бирларини иш фаолиятидан камчилик топиш ва айблаш ишларига қаратилганлиги аён бўлди.

Тадбиркорларнинг мурожаатларида ва ИХҚБ нинг билдиргиларида кўрсатилган ҳолатларни ечимини топиш жуда оддий бўлган булиб, бу масала

иш жараёнда хал этилса бўлар эди, лекин соҳа раҳбарларида бир-бирларини тушуниш, бир-бирларига кўмаклашиш мухити мавжуд эмаслиги сабабли ҳолат шу даражага етиб келган. Бунинг натижасида, корхонанинг иқтисодий истиқболи учун барча маъсуллар «бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш» зарур бўлган бир вақтда, бундай мухитнинг мавжудлиги фақат ва фақат корхонанинг обрўсига ҳамда иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Шу сабабли бундай мухитни узил-кесил ҳал қилиш вақти келган, акс холда натижа салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда, давлатимизда Президент раҳбарлигидага тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини, улар учун ҳар йили қонунлар, қонун ости ҳужжатлар чиқарилиши ва шу йўналишда тадбиркорлик-омбутсмени ташкил қилингандиги, тадбиркорлик-омбутсмени ва жойлардаги хоким, прокурори, адлияга тадбиркорлар ривожи учун қонуний асосларда кўмак бериш ва уларни ҳимоя қилиш вазифалари юклатилгандигини эътиборга олган ҳолда корхонада **«мижоз - доим ҳақ»** принципи асосида иш фаолиятни ташкил этиш чорасини кўриш зарур бўлади.

Бунинг учун эса, энг аввало корхонанинг кириш дарвозалари яқинида тадбиркорларни кутиш хоналарини ташкил қилиш, бу хоналар ёз-қишда совитиши-иситиши жихозлари билан, шунингдек телевизор, корхонада ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотлар ҳақида, маъсул хизматларнинг хизмат ва уяли телефонлари ҳамда ишонч телефонлари туширилган баннерлар ўрнатиш, кутиш хонаси ёнида ҳожатхона куриш, вхк ишларни ташкил қилиш керак. Шунингдек, тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида шу хоналарда корхонадан юкларини олиш ва улар томонидан корхонага ТМБ ларни топшириш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштириш хоналарини ташкил этиш, уларни овозни ёзиб олувчи видеокамералар билан жихозлаш чораларини кўриш лозим.

Ўрганиш давомида, корхонада тадбиркорлар томонидан юкларни олиш ва ТМБ ларни топшириш масалаларини белгиловчи, яъни ҳар бир маъсул соҳа ходимларининг аниқ вазифалари ва мажбуриятларини белгиловчи меёрий ҳужжат ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди.

Шу сабабли, корхонада Логистика бошқармаси, Юридик бўлим, Бухгалтерия, Тартиб ва маҳфий бошқармаси, Харидлар ва захираларни бошқариш бўлими, Савдо бўлими, ИҲҚБ маъсулларидан иборат ишчи гурухи тузиш ва улар томонидан тадбиркорлар корхонадан тайёр маҳсулотларни олиш ёки корхонага ТМБ ларни топшириш жараёнларини тартибга солувчи, яъни бу жараёнларга маъсул соҳаларнинг ҳар бирини аниқ

вазифаси ҳамда мажбуриятлари чегарасини белгиловчи ягона меёрий хужжат (**Положения**) ишлаб чиқиши кераклиги таклифи берилди.

**13).** Тартиб-махфий бошқармаси бошлиғи М.Фузайлов жамият бошқарув раисига билдириги билан мурожаат килиб, унда корхонага тегишли бўлган, Фарғона шаҳар Саккокий кўчасида жойлашган, шаҳар сув олиш иншоотларига қарашли «ЛУЧ-2» генераторли насос станциясидан «Алкомаркет» магазинининг омборига, ташқи сув таъминоти цехи энергетика мутахассислари томонидан яширинча юқори кучланишли кабел орқали, ўғрилик йўли билан электр энергияси уланиб берилганлигини, бу ҳолат доимий равишда амалга ошириб келинаётганлигини, юқоридагиларга асосланиб корхонага тегишли ташқи сув таъминоти цехи иншоотлари бўйича назоратни қучайтириш ва кўрсатиб ўтилган ҳолат бўйича аниқлик киритиб айбдор шахсларга нисбатан чора кўришни сўраган ва билдиригига «Луч-2» генераторли насос станцияси локацион жойлашуви фотосурати ва «Алкомаркет» магазининг омборига яширинча ўтказилган юқори кучланишли кабел кўринишини фотосурати илова қилинган.

Бошқарув раиси ушбу ҳолат юзасидан текширув утказиб, қонуний чора кўриш учун Комплаенс назорат хизматига кўрсатма берганлиги сабабли, ҳолатни объектив кўриб чиқиши учун ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Ўрганиш давомида, бу соҳага маъсул бўлган Бош энергетикдан ҳолат юзасидан тушунтириш сўралганда, у ҳолат юзасидан берган маълумотида қуидагиларни кўрсатган. Жумладан, «шаҳар» сув олиш иншооти Фарғона шаҳрида жойлашганлигини, 1960 йилларда қуриб фойдаланишга топширилганлигини, ушбу сув иншоотлари «Фарғонаазот» АЖ нинг эҳтиёжлари учун техник сув етказиб беришини, сув иншоотининг сув чиқариш қудуқлари «Фарғона НЕТК» АЖ тасарруфидаги кучланишли 110/6 кВ бўлган «Саккокий» подстанциясининг 6 кВ кучланишли тарқатиш қурилмасидан чиқувчи ф.»Лучевая-1», ф.»Лучевая-2» ва ф.»Водозабор» узатмаларидан электр энергияси билан таъминланганлигини, жорий йилнинг 25 май куни ф.»Лучевая-2» узатмасининг кабель тармоғида носозлик юзага келганлиги сабабли ушбу узатма соат 05.18 да максимал ток ҳимоясидан авариявий ўчганлиги ва кучланиш узилганлигини, кабель тармоғида юз берган носозлик жойини аниқлаш, носозликни бартараф қилиш ва кучланишни тиклаш мақсадида электр таъминоти цехи ходимларидан иборат бригада кўчма электротехник лабораториясида (махсус жихозланган машина) жойига чиқиб таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилганлигини, бригада иш олиб борадиган ҳудудда иш олиб бориш учун қўчма электротехник лабораторияга, якин атрофда бошқа электр таъминоти йўқлиги сабабли,

«Алкомаркет» МЧЖ дан вақтинча электр таъминоти тортиб келингандигини, «Алкомаркет» МЧЖ асосий электр тармоғига эга бўлиб, ушбу тармоқ алоҳида ва «Фаргонаазот» АЖ электр тармоғига боғлиқ эмаслигини, асосий электр тармоғида электр энергияси ўчганда захира тармоқ сифатида электр энергиясидан фойдаланиш учун «Фаргонаазот» АЖ билан 2022 йил 28 март куни №06-02/186-сонли шартнома тузилганлигини, ф.»Лучевая-2» узатмасида таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилганда қўчма электротехник лаборатория «Алкомаркет» МЧЖ нинг асосий электр тармоғи орқали вақтинча электр энергияси билан таъминланганлигини, ф.»Лучевая-2» узатмасида таъмирлаш-тиклаш ишлари 3 июнь санасида якунланганлигини ва соат 14.52 да узатмага кучланиш берилганлигини, ф.«Лучевая-2» узатмаси 25 май кунидан 3 июнь кунигача ўчиқ ҳолатда бўлганлигини ва электр энергияси сарфи бўлмаганлигини, ушбу узатма хисоблагич кўрсаткичлари ҳамда электр таъминоти цехи тезкор диспетчерлари журналида қайд этилганлигини кўрсатиб, маълумотномага диспетчерлик журналидан ҳолат қайд этилганлигини тасдиқловчи ёзувни ксеронусхасини, корхона билан «Алкомаркет» МЧЖ ўртасида электр таъминоти ҳақидаги шартномани ксеронусхасини ва сув иншоотларини электр энергияси билан таъминот схемасини нусхасини ҳамда ф.»Лучевая-2» сув иншоотининг электр щитини, «Алкомаркет» МЧЖ нинг элетр щитидан маҳсус машинага тортилган кабель уланган электр щитни фотосуратларини тақдим этган.

Энергетика бўлимининг маълумотномаси асосида, таъмирлаш-тиклаш ишларида иштирок этган Электр таъминоти цехи синаш ва ўлчаш бўлими устаси О.Қодировдан ҳолат юзасидан тушунтириш сўралганда, у ўз тушунтириш хатида ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг 26 май куни, Электр таъминоти цехи синаш ва ўлчаш участкаси бўлим энергетики буйруғига асосан «Луч-2» подстанциясида 6 кВ.ли электр энергияси билан таъминловчи кабель яроқсиз ҳолга келганлиги сабабли бригада аъзолари билан, яъни хайдовчи Х.Абдуллаев бошқарувидаги маҳсус лаборатория машинасида синовчи Ш.Комилов, участка энергетики У.Маллаев билан жойига боришганлигини, у ерда автомашинадаги ускуналарни улаб ишлатишида 220 кВ.ли манба йўқлиги сабабли яқиндаги «Алкомаркет»ни иккинчи манбаси орқали ускуналарни улаб ўша жойдан «Луч-2» дан «Саккокий» подстанциясига қараб кабелни яроқсиз жойини аниқлашга киришишганлигини, ускуналар имконият чекланганлиги сабабли 5 кун давомида ишлаб кабелни яроқсиз жойини топиб таъмирлашганлигини, шу ишлаш жараёнида «Алкомаркет» ва «Луч-2» подстанцияси ўртасида хеч қандай ноқонуний уланишлар бўлмаганлигини кўрсатган.

Электр таъминот цехи синаш ва ўлчаш бўлими устаси О.Қодировнинг ҳолат юзасидан берган кўргазмаларини Электр таъминот цехининг синаш ва ўлчаш бўлими синовчиси Ш.Комилов, бўлим энергетиги У.Маллаев, машинистлари Х.Абдуллаев, Ф.Мўйдинов, М.Маткаримов, Ш.Назаров ва электрмонтери Х.Абдулхаев ўз тушунтиришларида тўлиқ тасдиқлаб кўргазма беришган.

Бош энергетикнинг мутахассислари шу йилнинг 13 август куни ф.«Лучевая-2» узатмасига боришиб, узатмада ноқонуний уланиш ҳолатларини кўздан кечиришганда, ноқонуний уланиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги аниқланган.

Бухгалтерия томонидан корхона билан «Алкомаркет» МЧЖ ўртасида тузилган шартнома асосида электр энергия сарфи учун тўловлари юзасидан 2024 йилнинг 1 январь кунигача ва 2024 йилнинг 1 август кунигача алохида алохида қиёсий далолатнома (“акт сверки взаиморасчетов”) тузилиб, тақдим қилинганда, хар иккала далолатномада «Алкомаркет» МЧЖ томонидан сарфлаган электр энергияси учун тўловларни ошиғи билан тўланганлиги ва шу йилнинг 1 август куни ҳолатига у корхонадан хақдор эканлиги маълум бўлди.

Ўрганиш натижаларининг якунига кўра, Фаргона шаҳар Саккокий кўчасида жойлашган «Алкомаркет» МЧЖ томонидан ф.»Лучевая-2» узатмасидан ноқонуний равишда электр кабелига уланган деб кўрсатилган фотосуратдаги ҳолат, аксинча корхонанинг таъмирлаш-тиклаш бригадаси маҳсус лаборатория машинасида содир бўлган носозликни бартараф этиш учун 26 май куни боришиб, 3 июнь кунига қадарлик носозликни жойини аниқлаш ва бартараф этиш ишларини олиб боришган вақтида маҳсус лаборатория машинасини ускуналарини қувватлаш учун «Алкомаркет» МЧЖ дан машинага тортилган кабель эканлиги маълум бўлди ва шуларга асосан, ф. “Лучевая-2” узатмаси электр кабелига «Алкомаркет» МЧЖ ноқонуний равишда **уланганилик ҳолати ўз тасдифини топмаган** деб хисобланди.

**14).** “Фаргонаазот” АЖнинг ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев бошкарув раиси номига билдириги (2024 йил 5 сентябр куни № 2853-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 27 август куни, 2-нчи ишлаб чиқариш майдонида 50 килограммли копларга кадокланган аммиакли селитра маҳсулотларини маҳаллий йуналиш буйича чиқариш учун № 24250110-ракамли вагонга АС-72 М цехига карашли АФУ булими юклаш курилмасига куйилган ва АФУ юқ юкловчилари томонидан ушбу вагонга 1350 дона коплар юкланиши белгиланган булсада, 1367 дона, яъни хужжатдаги коплар сонидан 17 дона коп ортикча юклаб юборганлиги

аникланганлиги, вагонга юкланган ортикча 17 дона коплар туширилиб, вагон тарозидан утказилиб, юкнинг соф огирилиги хужжатларда курсатилган микдорга тенглаштирилиб йуналиш буйича чикарилганлигини, келгусида шунга ухшаш хатоликларни олдини олиш максадида юкоридаги холат буйича чора куришингизни сўраган.

Мазкур билдиргида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги бошкарув раиси ёзма кўрсатмасига асосан Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, билдиргида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан АС-72 М цехи маъсуллари ва бошка дахлдор бўлган ишчи-ходимларидан тегишли равиша маълумот хамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, АС-72 М цехи бошлиги А.Ахунджанов холат юзасидан берган маълумотномасида қуидагиларни курсатган, яъни АС-72 М цехида аммиакли селитра махсулотини юклаш жараёнини жадаллаштириш максадида АФУ курилмасидан фойдаланган холда 2024 йил 27 август куни, соат 08. 00 дан 16.00 гача № 3–сонли сменада худудий йуналиши учун № 24250110-ракамли темир йул вагонига (темир йул вагон 22,7 тн) аммиакли селитра махсулотларини АФУ ва натрий нитрат курилмалари смена устаси Б.Абдурахимов, юкловчилар Д.Ёдгоров, Д.Джабборов, Т.Юлдашев ва Т.Абдурахмонов томонидан юкланганлиги, аммиакли селитра махсулотлари темир йул вагонларига юклаш жараёнида тасдикланган схема асосида хар бир каторини ИХКБ сокчиси И.Умаралиев томонидан уяли телефон ёрдамида овозли видео ёзувини юкоридаги бошликларига хабар бериб боришини, юклаш жараёни тулик якунлангач цех юкчилари томонидан аркон сеткалар билан бoggанишини ва ИХКБ сокчиси томонидан якунланганлиги тугрисида алока телефон ёрдамида видео ёзув килинишини, барча юкланган каторлари ва умумий сони буйича ёзма маълумот килиниб, вагон эшигини иккала томонига ёпиштириб куишини, ушбу жараён якунлангандан сунг темир йул вагон эшиклари беркитилишини ва темир йул цехини смена катта устасига хабар берилишини, ушбу юкорида курсатилган вагон тортиш учун темир йул цехига карашли тарозига олиб утилишини (темир йул вагон тарозибони А.Кодиров) амиакли селитра махсулотларини № 24250110-ракамли темир йул вагонига юкланган холдаги умумий огирилиги 91,25 тн ташкил этганлигини (махсулотни соф огирилиги  $91,25 - 22,7 = 68,55$  тн ташкил этганлиги, бундан 1 дона буш копнинг огирилиги  $0,12 \times 1350 = 162$  кг, 1 дона химоя сетка огирилиги 2 кг, умумий сетка сони 2 дона булиб,  $2 \times 2 = 4$  кг, темир йул тарозисини рухсат этилган хатолиги  $-0,15$  тн.лиги темир йул вагонига ортикча юкланган амиакли селитра махсулотлари микдори  $68,55 - 0,162 - 0,004 = 68,286$  тн. ташкил этиши, вагонга амиакли селитра

махсулотлари куп юкланданлик холати темир йул цехи тарозбони А.Кодиров томонидан вагон тарозида тортилганда аникланганлиги, сунг ИХКБ сокчиси И.Умаралиев томонидан бошликларига хабар берилганлигини, шундан сунг иккинчи саноат майдонига ИХКБ бошлик уринбосари М.Мирзаев етиб келганлигини, вагон эшиклари очилиб кайта саналганда хакикатдан хам охирги юкландан каторларда 16 дона 50 кг.ли коплар ортиқаси туширилганлигини, ундан сунг вагон эшиклари беркилиб, темир йул цехига топширилганлигини, юклаш жараёнида юкловчи Т. Юлдашев адашиб, 16 дона 50 кг.ли копларда аммиакли селитраларни куп юклаганлиги аникланганлигини курсатган.

Ушбу холат юзасидан 2024 йилнинг 27 август куни, юкларни кабул килиб жунатиш участкаси мухандиси Р.Марупова, тарозбон А.Кодиров, натрий-нитрат смена устаси Б.Абдурахимов ва ИХКБ сокчиси М.Алижонов иштирокида далолатнома тузилиб, унда № 24250110-ракамли вагонга 800 кг. 16 копларда аммиакли селитра махсулотлари куп юкланданлиги аникланиб, вагондан ортиқча юкландан минерал угитлар тушириб колдирилганлиги курсатиб утилган.

Холат юзасидан АС-72 М цехи АФУ ва натрий-нитрат смена устаси Б.Абдурахимов ўз тушунтириш хатида қуидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам 2024 йилнинг 27 август куни соат 08 дан 16 гача ишда булганлигини, АФУ курилмасидан аммиакли селитра махсулотларини вагонга юклаш учун смена бошлигидан буйрук олганлигини, № 24250110-ракамли вагон юклаш жойига тортилганлигини, вагонга юклашни назорат килиш учун сокчи чакирганлигини, сокчи И.Умаралиев келиб, буш вагонни видеоёзувга олиб юклашга рухсат берганлигини ва у хар бир каторни видеоёзувга олиб смена бошлигига юбориб турганлигини, шу пайтда натрий-нитратда ремонт ишлари кетаётганлиги сабабли у ердаги ремонт ишларини боришини хам назорат килиб турганлигини, бунинг сабаби натрий-нитратга булган талаб куплиги учун, ишлаб чикаришни туширмаслик максадида натрий-нитратда булганлигини, охириги каторни юклаш вактида барча юкловчиларни ишлаши нокулай булганлиги сабабли битта юкловчи Т.Юлдашев юклашни якунлаганлигини ва тусик сеткасини махкамлаганлигини, сокчи видеога олгандан сунг вагон эшиклар ёпилганлигини, вагон юки билан тарозида тортилганда минерал угитлар ортиқча юкланданлиги аникланганлигини, вагон эшиклари очиб курилганда 16 дона копларда куп юкланданлиги маълум булганлигини, ортиқча юкландан минерал угитлар вагондан тушириб колдирилганлигини курсатган.

Холат юзасидан АС-72 М цехи АФУ курилмаси юкловчиси Т.Юлдашев уз тушунтириш хатида 2024 йилнинг 27 август куни, соат 8.00 дан 16.00 гача

ишда булганлигини, АФУ курилмасидан аммиакли селитраларни кадоклаш ва юклаш жараёни бошланганлигини, соат 8 ларда уларнинг чакиравига кура сокчи М.Умаралиев келганлигини ва унинг назоратида №24250110-ракамли вагонига юклашни бошлаганликларини, юклаш жараёнини хар бир катори тулгандан сунг сокчи томонидан юклаш тухтатилиб, катор видеоёзувга олиниб, уз бошлигини юбориб турганлигини, видеоёзувга олиб булгандан сунг кейинги каторга рухсат берганлигини, вагонни эшик олдидаги охирги каторини бир киши юклаганлиги сабабли бир узи колиб юклаганлигини, сунг сокчи назоратида аркон тусикларлари бояганиб, сокчи каторлар тугрилиги тугрисидадаги когозни жойига куйгандан сунг вагонни эшиги ёпилганлигини, тахминан 30 минутларда смена устаси Б.Абдурахимов темир йул тарозисига чакирганлигини, тарозига борган вактида вагон огирилиги белгилангандан куплигини айтганлигини, сокчи иштирокида вагон эшиклари очиб каторлар кайтадан саналганда хакикатда 16 дона копларга адашганлиги аникланганлигини, вагондан ортикча юкланган коплар тушириб колдирилганлигини ва вагоннинг огирилиги меёрига келтирилиб, вагон темир йул цехига топширилганлигини кўрсатган.

Холат юзасидан АС-72 М цехи АФУ курилмаси кадокловчиси М.Мамадиева уз тушунтириш хатида хакикатдан хам 2024 йилнинг 27 август куни, соат 08.00 дан 16.00 гача ишда булганлигини, иш вактида АФУ курилмасидан аммиакли селитра кадоклаш ва юклаш жараёни бошланганлигини, вагон тулгандан сунг электрон хисоблагич 1350 дона курсатгандан сунг кадоклашни тухтатганлигини, юкловчи Т.Юлдашев суронига асосан яна кушимча коп кадоклаб жунатганлигини, унинг фикри буйича вагонга юкланган копларнинг айримлари яроксиз холда келганлиги сабабли яна кушимча сураган деб уйлаб, яна кадоклаб жунатганлигини кўрсатган.

Шунингдек, урганиш давомида маъсуллардан маълумотнома ва ишчи-ходимлардан тушунтириш хатлари олинганидан ташкари, тарозихонанинг №24250110-ракамли вагонга минерал угитларни ортикча юкланганлигини тасдикловчи далолатнома нусхаси хамда аммиакли селитра маҳсулотларини 2024 йил 27 август куни жунатиш хакидаги хисботи нусхаси олиниб урганиш хужжатларига кушилди.

Урганиш натижаларига кура АС-72 М цехининг маъсуллари ва ишчи-ходимларининг ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги ва корхонага молиявий зиён етказилмаган булсада, лекин минерал угитларни кадоклаш, юклаш жараёнларида вагонни юклаш буйича схема мавжуд булсада, шу схема асосида хар бир катор саноги аник куриниб

турсада, кадоклашда элетрок хисоблагиң коплар миқдорини 1350 дона деб курсатиб турган булсада, кадоклаш ва юклаш жараёнлариға маъсул булган смена бошлиғи К.Абдиев, смена устаси Б.Абдурахмонов раҳбар сифатида каттиқ назоратни таъминламаганликлари, юкловчи Т.Юлдашев ва кадокловчи М.Мамадиева эса хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизликка ва эътиборсизликка йўл қуйганликлари аниқланди.

Шулардан келиб чиқиб, смена бошлиғи К.Абдиев, смена устаси Б.Абдурахмонов ва юкловчи Т.Юлдашев хамда кадокловчи М.Мамадиевани ўзларига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик билан ёндошганлик ҳаракатлариға баҳо бериш ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари интизомий жазога лойиқлиги масаласини бошқарув раисининг биринчи ўринбосари **У.И. Миллабоев** ҳузурида мухокамага қўйиш таклифи берилди.

**15).** Корхона бошқарув раиси номига ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев хизмат хати (2024 йил 12 сентябр қуни № 2896-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 6 август кунидан 28 август кунигача 1-нчи ишлаб чиқариш майдонидаги автомашиналарни назорат утказиш 7-нчи постидан 2 август кунидаги № 7062998-сонли биржа оркали олди-сотди шартномасига асосан, “Иссиклик электр станциялари” АЖ корхонаси 100 (юз) дона кислород маҳсулотини сотиб олувчини 6 куб.м.ли балонларига дамлаб бериш шарти билан шартнома тузилган булиб, шартномага асосан сотиш булими иктисадчиси Н.Зохидов жамият худудидан тайёр маҳсулотларни олиб чикишга асос булувчи қуидаги, яъни № 1/011184, 1/0111708, 1/012111, 1/012230 ва 1/012591-сонлари билан буйрук-фактураларни расмийлаштириб бериб ва мазкур хужжатларга асосан 108 (бир юзи саккиз) дона кислород билан тулдирилган балонлар чиқарив юборилганлиги, бу эса 8 (саккиз) дона кислород маҳсулотини ортиқча чикиб кетишига сабаб булганлигини, Сотиш булими иктисадчиси Н.Зохидовдан нимага асосан ортиқча хужжат расмийлаштирилиб берилганлиги суралганда, у 6 август қуни расмийлаштирилган № 1/011184-сонли буйрук-фактурани бухгалтерия булими “1-S” тизимиға киритмаганлиги сабаб булганлигини таъкидлаганлигини, юкоридагиларни инобатга олиб, бу каби холатлар бир неча бор тақрорланганлигини сабабли ушбу холат юзасидан одилона хизмат текшируви утказилишига маъсул булимларга курсатма беришингизни сураган.

Сиз томондан мазкур хизмат хатида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Үрганиш давомида, билдиригиде кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Савдо булими, МвакМБНКБ хамда бухгалтерия маъсуллари ва бошқа дахлдор бўлган мутахасислардан тегишли равишда маълумот ҳамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, Савдо булими бошлиги Б.Кадиров ҳолат юзасидан берган маълумотномасида куйидагиларни, яъни 28 август куни, № 7062998-сонли олди-сотди шартномасига асосан Савдо булими иктисадчиси Н.Зохидов томонидан жамиятнинг 1-худудидан кислород тайёр маҳсулотини ортиш учун буйрук-фактураларни “Иссиклик электр станциялари” АЖ га расмийлаштирганлигини, харидор томонидан № 1/011184, 1/0111708, 1/012111, 1/012230 ва 1/012591-сонли буйрук-фактураларни расмийлаштирилган хужжатларга асосан 108 ( бир юзи саккиз) дона чикариб юборганлигини, бу эса 8 (саккиз) дона кислород маҳсулотини ортикча чикиб кетишига сабаб булганлигини, бундай хатога йул куйилишига сабаб “ 1-S “ тизимида 1 дона шартномани 2 дона контрагентга киритилганлиги ва бухгалтерия томонидан “ 1-S “ тизимида руйхатга олинганлиги асос булганлигини, юкоридагиларни инобатга олиб Н.Зохидов Савдо булими бошлигининг 6 сентябрдаги № 3-сонли ички фармойишига кура бириклирилган иш вазифасидан, яъни тайёр маҳсулотларни ортиш учун хужжатлар расмийлаштиришда ва хисоботларни тайёрлашдан четлаштирилганлигини, хозирги кунда у бошка вазифада, яъни маҳсулот турлари билан ишлаш вазифаси юкландиганлиги курсатган.

Ушбу ҳолат юзасидан Савдо булими иктисадчиси Н.Зохидов уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни “Иссиклик электр станциялари” АЖ билан 2024 йил 2 август санасида № 7062998-сонли биржа шартномаси 100 дона кислород маҳсулоти учун расмийлаштирилганлигини ва шартнома буйича 5-дона фактураларга асосан 108 дона кислород маҳсулотлари олиб чикиб кетилганлигини, бунга йул куйилишига сабаб “ 1-S “ тизимида руйхатга олинганлиги асос булганлигини, 2 сентябр куни суриштирув ишлари бошлангандан сунг руйхатга олиб куйганлиги кузатилганлигини кўрсатган.

Ҳолат юзасидан МвакМБНКБ етакчи мутахасиси Ю.Мукаррамов берган маъсулотномасида куйидагиларни, яъни корхона “ 1-S “ бухгалтерия дастурида контрагент “Иссиклик электр станциялари” АЖ (инн 306349304) Тошкент Бошофиси ва Навоий, Туракургон, Фаргона филиаллари битта СТИР билан руйхатда туришини, 2 август куни № 7062998-сонли биржа олди-сотди шартномаси “ 1-S ” бухгалтерия дастурига киритиш жараёнида “Иссиклик электр станциялари” Тошкент Бошофиси контрагентига автоматик тарзда саклашини, биржа савдоларида ютиб олинган (кислород

технический газообразный) олди-сотди шартнома (тиcket)ни Савдо булими иктисадчилари тегишилиги буйича “Ишончнома” (доверенность) оркали кайси филиалга берилишини бизни булимга маълум килишларини, МвАКМБНК булими ушбу олди-сотди шартномани маҳсулот олиб кетилишидан олдин Савдо булими иктисадчиси айтган филиалига утказиб куйилганлигини, “ 1-S “ бухгалтерия дастури бир марта руйхатдан утган олди-сотди шартномани иккинчи марта кайта руйхатдан утказмаслигини, биржа олди-сотди шартномаларини назорат килиш Савдо булими зиммасида эканлигини, “ 1 – S “ бухгалтерия дастури буйича автоматик тарзда сакланган 2 август кунидаги № 7062998-сонли биржа олди-сотди шартномасини 13 август куни Савдо булими иктисадчиси Н.Зохидов “Иссиклик электр станциялари” Фаргона филиали хисобига утказиб куюшини айтганлигини, чунки маҳсулотни канча (дона.тн.) микдорда, кайси филиалга беришни савдо булими иктисадчиси ишончнома билан келган филиал вакили оркали ҳужжатлаштирилишини, “Иссиклик электр станциялари” Фаргона филиали ушбу 2 август кунги № 7062998-сонли биржа олди-сотди шартномасидан 01 сентябр холатига хеч кандай карздорлик мавжуд эмаслиги курсатган.

Шунингдек, Бош хисобчи Х.Хайдаров холат юзасидан берган маълумотномасида “Иссиклик электр станциялари” АЖ Фаргона Иссиклик электр маркази филиали билан 2 август куни № 7062998-сонли олди-сотди шартномаси буйича 01 сентябр кунига карздорлик мавжуд эмаслиги курсатилган.

Бундан ташкири, урганиш давомида шу холатга дахлдор булган ҳужжатлар, яъни № 7062998-сонли олди-сотди шартномаси нусхаси, № 1/011184, 1/0111708, 1/012111, 1/012230 ва 1/012591-сонли буйрук-фактуралар нусхалари хамда бухгалтериянинг карздорлик мавжуд эмаслиги хакида маълумотнома нусхалари, шунингдек Савдо булими бошлиги Б.Кадировнинг 2024 йил 6 сентябр кунидан № 3-сонли ички фармойиши нусхаси олиниб ўрганиш ҳужжатларига қўшилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, Савдо булими маъсуллари ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд булмасда, лекин Савдо булими иктисадчиси Н.Зохидов иш фаолияти давомида хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик ва эътиборсизликка йўл куйганликлари аниқланди.

Шулардан келиб чиқиб, Савдо булими иктисадчиси Н.Зохидов иш фаолиятида йул куйган хатоси учун интизомий чора курилиши масаласини кун тартибига куйиш максадга мувофик булар эди, лекин Савдо булими бошлиги Б.Кадиров уз ваколат доирасида 2024 йилнинг 6 сентябр куни № 3-

сонли ички фармойишига кура, уни бириктирилган **иш вазифасидан четлатилиб**, бошка вазифага утказганлиги маълум булди ва шуни эътиборга олиб, Савдо булими иктисодчиси Н.Зохидовни иш фаолиятида йул қуйган хатоси учун чора курилган деб хисобланди.

**16.** “Фарғонаазот” АЖ нинг ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев бошкарув раисига билдириги (2024 йил 4 октябр куни № 3195-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 3 октябр куни, эрталаб соат 03.20 ларда Латвия Республикасига экспортга чикаётган № 28346856-сонли вагонни Идоравий харбийлаштирилган куриклаш шахсий таркиби томонидан текширилганда, “ЛД” пломбасини раками хужжатда хато ёзилганлиги аникланганлигини, Юкларни қабул килиш ва жунатиш базаси мухандиси Н.Ботирова худудда вагон колиб кетишига сабабчи булганлигини, юкоридагилардан келиб чикиб, Юкларни қабул килиш ва жунатиш базаси мухандисига нисбатан чора курилишини сураган.

Мазкур билдиригидан кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, билдиригидан кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Юкларни жунатиш участкаси маъсуллари ва бошка даҳлдор бўлган ишчиходимларидан тегишли равишда маълумот хамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, ЮЖУ бошлиғи Ф.Ахмедов холат юзасидан берган маълумотномасида куйидагиларни курсатган, яъни 2024 йилнинг 3 октябр куни, Латвия Республикаси йуналиши бўйича ортиб берилиши керак булган № 28346856-сонли юклangan вагон уз вактида юкланиб, расмийлаштирилиб, пломбалар илиниб жунатилганлигини, темир йул тарозисидаги барча жараёнлар оператив равишда юкларни жунатиш участкаси ходими ва ИҲК ходими хамкорлигига ва камералар назорати остида амалга оширилганлигини, барча ортиш жараёнини ташкиллаш ва амалга ошириш Савдо булими, Логистика бошкармаси, Темир йули цехи, ишлаб чикарувчи цехлар ва Юкларни жунатиш участкаси хамкорлигига амалга оширилишини, барча вагонлар туриб колиши ёки пломбалар бузилиши ва хакозо юклаштортиш ишлари юкорида айтиб утилган булинмаларга бириктирилганлигини, юклатилган ва жавобгарлик хам уз навбатида ушбу булинма ва цехларга юклатилганлигини, шу сабабли хар кандай темир йул тарозихонасида булаётган жараёндаги хато ва камчиликлар раҳбариятга ёзиб маълумот берилиши лозим эмас деб хисоблашини, чунки бу холат иш жараёнида булиб турадиган жараён эканлигини ва корхонага хеч кандай молявий зарар

келтирмаслигини, ИХБ 2-чи ишлаб чикариш майдони бошлик уринбосарлари ва смена бошликлари етарлича тушунмаслиги ва уз раҳбарларига нотугри маълумот етказиши окибатида тинимсиз равишда билдирги ёзиб корхона раҳбарига етказиши тушунарсиз холат эканлигини ва бу холатни бартараф этишда ёрдам беришни сураб колишини, бундан ташкари кунда малакали ходимни ишга олиш имкони йуклигини, бир ишчи ходимни ишга олиш ва уни хар хафта янгилаш хеч кандай натижа бермаслиги барчага маълумлигини, шу сабаб уларда мавжуд малакали ишчи ходимлардан воз кечиши максадга мувофик эмаслигини, билдиргида исми, шарфи курсатилган Н.Ботирова малакали ходим эканлигини ва ЮЖУ да 20 йил мобайнода халол ва сифатли ишлаб келаётганлигини, иш фаолияти давомида узини яхши ишчи сифатида курсатганлигини, хар кандай топширикни ва агар касбдошлари ишга сабабли келмаганда доимо шеригини урнига хам ишлашдан хеч качон бош тортмаганлигини, олдинги маълумотномаларида экспортга оид жараёнлар хакида айтиб утганлигини, яъни барча пломбалар номерлари хонадаги мавжуд телефонлар оркали экспорт ходимиға маълумот учун оғзаки айтиб берилишини ва шу сабаб кайсиdir сон нотугри эшитиши мумкинлигини, чунки интернет ва бошка ишлаш учун шароит килиш бироз кийинроклигини, сабаби мобил алока хам 2-нчи ишлаб чикариш майдонида яхши ишламаслигини, бундан ташкари “ЭЛДА-100” пломбалари экспорт учун мухим пломба эмаслигини ва асосий ургуни “ХУМО” пломбалари белгилаши ва инобатга олинишини, шу билан бирга Савдо булими томонидан хужжатларга компьютер оркали киргизилишини, “ЭЛДА-100” пломбалари ЮЖУ ходимлари томонидан илинишини ва ёзма равишида юк хати маҳсус графасига ёзиб куйилишини, бу пломбаларни илиш ИХБ раҳбари томонидан тавсия этилганлигини ва вагон хавфсизлигини таъминлаш максадида илиниши жорий этилганлигини, “ЭЛДА-100” пломбалари брак куп булишини инобатга олинишини курсатиб утилган.

Юкларни жунатиш участкаси бошлиги Ф.Ахмедова томонидан мухандислар А.Коидров, Н.Ботирова ва Н.Махмудовага берилган тавсифномада улар куп йиллардан бериш корхонада ишлашлари, тажрибали мутахассис эканликлари ва меҳнат мажбуриятларига вижданан ёндашишлари курсатилган.

Шунингдек, урганиш давомида маъсуллардан маълумотнома ва ишчи-ходимлардан тушунтириш хатлари олинганидан ташкари, тарозихонанинг № 28346856- сонли вагонни экспортга жунатиш хакидаги моявий (накладной) хужжатлари нусхалари, Логистика бошкармасидан маълумотнома хамда ЮЖУ мухандислари А.Кодировга, Н.Ботирова ва Н.Махмудовага тавсифномалар олиниб, урганиш хужжатларига кушилди.

Урганиш натижаларига кура, ЮЖУ цехининг маъсуллари ва ишчи-ходимларининг ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги ва корхонага молиявий зиён етказилмаган булсада, лекин ЮЖУ мухандиси А.Кодиров пломба ракамини руйхатга олиш китобига хато киритганлиги ва бу хатони смена якунига кадар аникламаганлиги, ЮЖК мухандислари Н.Ботирова ва Н.Махмудова смена ишини кабул килишда бу хатоликни уз вактида аникламаганликлари ҳолати, уларни иш фаолиятлари давомида хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик ва эътиборсизликка йўл қуйганликлари аникланди.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, ЮЖУ мухандислари А.Кодиров, Н.Ботирова ва Н.Махмудовани ўзларига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик билан ёндошганлик ҳаракатларига баҳо бериш ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари интизомий жазога лойиқлиги масаласи Ходимлар билаш ишлаш хизмати, МТЭвайХБ (ОТЗ), Юридик булим хамда Касаба уюшмаси томонидан қуриб чикилиши ва натижаси юзасидан бошкарув раисига таклиф беришлари мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди.

**17. “Фарғонаазот” АЖ нинг Тартиб-махфий бошкармаси бошлиғи М.Фузайлов бошкарув раиси номига билдириги билан мурожаат этиб, унда Ташки сув цехи омборларида руйхатда мавжуд булмаган ва келгусида ноконуний равишда талон-тарож қилишга тайёрлаб куйилган моддий товар бойликлар сакланаётганлиги хакида маълумот олинганлигини, шу маълумотни текшириш ва Сизнинг топширигингиз асосида ишчи гурух тузилганлигини, 2024 йилнинг 23 сентябр куни, Ташки сув омборларида текшириш утказилганлигини, натижада белгиланган тартибда руйхатдан утказилмаган ва бухгалтерия ёки цех хисобидан утмаган жами 19 (ун туккиз) номланишдаги умумий киймати 28 209 407 (йигирма саккиз миллион икки юз туккиз минг турт юз етти) сум булган товар моддий бойликлари сакланаётганлиги аникланганлиги, текширув натижалари тегишли шаклдаги далолатномалар билан расмийлаштирилганлиги ва Ташки сув таъминоти цехига топширилганлигини, юкоридагиларни инобатга олиб, корхонада товар моддий бойликларнинг талон-тарож қилиш ҳолатларини олдини олиш максадида, курсатиб утилган товар моддий бойликларини бухгалтерия хисобидан утказишга ва ушбу ҳолатга йул қуйган мансабдор хамда моддий жавобгар шахсларга нисбатан белгиланган тартибда чора қуришлик учун курсатма беришингизни сўраган.**

Мазкур билдиригига кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, билдиригига кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Ташки сув таъминоти цехи маъсуллари ва бошка дахлдор бўлган ишчи-ходимларидан тегишли равишда маълумот хамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, Такши сув таъминоти цехи бошлиги Ж.Рузибоев ҳолат юзасидан берган маълумотномасида куйидагиларни курсатган, яъни Узбекистон Республикаси Президентининг “Ер ости сув ресурсларини муҳофаза килиш ва улардан окилона фойдаланишни тартибга солиш бўйича кушимча чора-тадбирлар тугрисида” 2022 йил 7 декабрдаги ПК-439-сонли Карори ва Вазирлар Махкамасининг 2023 йил 28 декабрдаги № 683-сонли карори ижросини таъминлаш максадида, “Узкимёсаноат” АЖ 2024 йил 2 февралдан № 11-3-0132-сонли хати юборилган булиб, унда корхона тасаруфидаги ер ости сув олиш иншоотларини (ер ости сув олиш бурги кудуги, кудук, булок ва хакозо) хатловдан утказиш ва ультра товушли ракамли сув хисоблагичлар урнатилиши курсатилганлигини, шу асосда бошкарув раисининг биринчи уринбосари томонидан тасдикланган техник шартга асосан корхона томонидан ООО “ЭЛЕКТРОНАСБОБУТЛАШ” билан 50 дона ультра товушли ракамли сув хисоблагичлари урнатишга 2024 йил 9 феврал куни № 36-сонли шартнома тузилганлигини, ушбу ультра товушли ракамли сув хисоблагичларидан Ташки сув таъминоти цехига 2024 йил 26 апрел, 12 ва 14 июн саналарида № 55-72-76-сонли талабномаларга асосан жами 40 дона ультра товушли ракамли сув хисоблагичлар № 1457-2150-2188-сонли йул варакалари оркали олиб келинганлигини, ТСТ цехига карашли “Аввал” сув олиш иншоотида жойлашган 26-27-28-29-30-31-32-33-34-35-сонли кудукларга 10 дона ультра товушли ракамли сув хисоблагичлар шу йилнинг 6 май санасидан бошлаб 3 июнь санасигача урнатилганлигини, колган 30 дона ультра товушли ракамли сув хисоблагичлар “Аввал”, “Беш-бала” сув олиш иншоотлари кудукларига 2024 йилнинг июнь ойидан сентябр ойига кадар боскичма-боскич урнатиб келинганлигини, “Аввал” сув олиш иншооти жойлашган 26, 35-сонли кудукларда кудукдан чикиш кувурлари, хисоблагич урнатиш талабларига кура вертикал йуналиш бўйича, колган 30 донаси горизонтал йуналишда урнатилганлигини, айнан 10 дона вертикал йуналишда урнатилган хисоблагичлар позициясидаги 10 дона задвижкалар олинганлигини, колган 30 дона горизонтал урнатилган хисоблагич задвижкалари бино ичida мавжудлигини, “Аввал” сув олиш иншоотида жойлашган 26 ва 35-сонли кудуклардан демонтаж килинган 10 дона

задвижкалар б/у Ду 150 мм, жорий таъмирлаш ва 2, 24-сонли кудукларда яроксиз холга келиб колган улчами Ду 150 мм.ли тускичларни алмаштириш учун механик хизматига карашли эхтиёт кисмлар саклаш жойига олиб келингандигини, хозирда ЖМТ цехидан техник хулоса олиш учун хужжатлар расмийлаштирилаётганини, текширувчиларнинг далолатномасида руйхатга олинмаган сифатида курсатилган колган 18 та номланишдаги товар моддий бойликлари 2022 йил август ойида цехга бошлиқ булиб келганда хам булгандигини, уларни качон ва қандай холатда цехда тупланиб колгандигини билмаслигини, хозирда бу товар моддий бойликларни хизмат хати асосида нархлатиб, цех балансига кирим килингандигини курсатган.

Урганиш натижаларига кура, Ташки сув таъминоти цехининг маъсуллари ва ишчи-ходимларининг ҳаракатларида мол-мулкни талонтарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари булмасада, ТСТ цехи бошлиги Ж.Рузбоев раҳбар сифатида назоратни таъминламасдан, жами нархи 28 209 407 сумлик булган 19 та номланишдаги товар моддий бойликларни уз вактида яроклилиги хакида мутахассис хулосаларини олиш ва шу асосда уларни цех балансига олиш ёки металломга топшириш чораларини курмаганлиги, шунингдек ТСТ цехнинг механизми Э.Болтабоев ва ТМБ буйича техники И.Вишневская меҳнат мажбуриятларидан келиб чиқиб, шу масалаларга дахлдор булган маъсул шахслар була туриб, ТМБ ларни руйхатга олиш ёки яроклилиги караб металломга топшириш чораларини курмаганликлари холатлари хамда уларни хар икки йилда корхонада утказиладиган инвентаризацияда бу ТМБ ларни руйхатга олинмагандигини била туриб, совукконлик билан караганлик холатлари уларни хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизликка ва эътиборсизликка йўл қуянликларидан далолат беради.

Шулардан келиб чиқиб, ТСТ цехи бошлиги Ж.Рузбоев, цех механизми Э.Болтабоев ва ТМБ буйича техники И.Вишневскаяни ўзларига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришга маъсулиятсизлик билан ёндошганлик ҳаракатларига баҳо бериш ва шу асосда уларнинг ҳатти-ҳаракатларига мутонасиб равишда интизомий жазога лойиқлиги масаласи Ходимлар билан ишлаш бошкармаси, Юридик булим, МТЭвайХБ (ОТЗ), Касаба уюшмаси, Баш мутахасислар иштирокида бошқарув раисининг биринчи ўринбосари У.И. Миллабоев ҳузурида муҳокамага қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланди.

**18. “Фарғонаазот” АЖ нинг ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев бошкарув раиси номига билдириги (2024 йил 9 октябр куни № 3257-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 8 октябр куни, кеч соат 17.00 ларда Афғонистон Республикасига карбомид махсулоти экспортга чиқарилаётганда № 24437006-сонли вагонни Идоравий харбийлаштирилган куриклиш булими**

шахсий таркиби томонидан текширилганда, ЛД пломбаси хужжатда хато ёзилганлиги аникланганлигини, Юкларни кабул килиш ва жунатиш базаси мухандиси А.Шарафутдинов томонидан вагон 18:30 гача хужжатларни тугрилагунга кадар бир ярим соат худудда колиб кетишига сабабчи булганлигини, бундан ташкари жорий йилнинг 9 октябр куни, соат 03:00 ларда № 24700155-сонли вагон текширилганда, Афғонистон Республикасида карбомид маҳсулоти экспортга чикарилаётганда, “ХУМО-1” пломбасида католик борлиги аникланганлиги, Юкларни кабул килиш ва жунатиш базаси мухандиси А.Шарафутдинов экспорт булимига берган пломба номерлари хато берилганлиги сабабли вагон худудда колиб кетишига сабаб булганлигини, тарозибонлар савияси керакли даражада эмаслиги оқибатида корхонадан бугунги кунда экспортга чикарилаётган маҳсулотларни темир йул транспорт воситалари оркали мана шундай камчиликларга йул куйилаётганлигини, бу холатлар 2024 йил мобайнида бир неча бор такрорланиб келаётганлигидан келиб чикиб, Юкларни кабул килиш ва жунатиш базаси мухандисига нисбатан тегишли чора курилишини сураган.

Мазкур билдиригига қўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма қўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, билдиригига қўрсатилган ҳолатлар юзасидан Юкларни жунатиш участкаси маъсуллари ва бошка дахлдор бўлган ишчиходимларидан тегишли равишда маълумотнома хамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, ЮЖУ бошлиги Ф.Ахмедов холат юзасидан берган маълумотномасида куйидагиларни курсатган, яъни 2024 йилнинг 8 октябр куни, корхона худудидан 15 та вагонларда аммиакли селитра Латвия Республикаси ва 14 та вагонларда карбомид минерал угитлари Афғонистон йуналишида жунатилганлигини, пломбалари сони уртacha 180 тани ташкил килганлигини, барча вагонлар уз вактида ИХБ ходимлари ва камералар остида тарозида тортилиб, корхонага хеч кандай молявий зарап етказмаган ва пломбалар бузилмаган холда “Киргули” станциясига олиб чикарилганлигини, шу йилнинг 9 октябр куни ИХБ ходимлари кайси католик ҳакида айтиб утишгани ва хеч кандай асос курсатилмаганлигини, бундан ташкари уларни савдо булимига нотугри маълумот берганликда ва узаро булган мобил телефон оркали сухбатимиз ҳакида хеч кандай маълумотга эга булмасдан туриб тухмат килишни этика ва конунчиликка тугри келмаслигини, ИХБ ходимлари раҳбарлари бошчилигига ЮЖУ ходимларига хамкорлик ва хамжихатлик билан ишлаш урнига тушунарсиз адовати ачинарли эканлигини, улар ишлаш жараёнларида конунчиликка, меҳнат

йурикномасига ва темир йул низомида ( Низомдан кучирма : “7.3-бандида ; - На станции отправления исправление сведений, внесенных в накладную, производится отправителем и перевозчиком путём зачеркивания и внесения новых сведений. При этом каждый из них исправляет те сведения, которые он внес в накладную. Отправитель может сделать исправление не более чем в одной графе или двух взаимосвязанных графах, а в графе “Заявления отправителя” проставляет отметку “Внесены исправления в графу\_\_”. Перевозчик свои исправления заверяет штемпелем. 7.4–бандида ; Превозчик, внося предусмотренные настоящими Правилами изменения и дополнения сведений и накладную, заверяет их штемпелем.”) курсатиб утилган барча ишлеш тартибидан четга чикилмаган холда иш юритишга харакат килишларини, хар кандай хато деб курсатиб утилаёттан холатлар механик хатолар хисобланиб, улар уз вактида бартараф этилганлиги ва конунга зид эмаслигини хамда билдиригү ёзишга арзимаслигини, бу холатлар “инсон омили” булиб хар кандай булим ва цехларда учраб туришини, шу жумладан ИХБ ходимлари томонидан хам содир булишини, бунга ИХБ га карши мижозлар ёзган шикоят хатлари ва шунга ухшаш катар шикоятлардан хулоса килиш мумкинлигини, уларнинг бугунги кундаги долзарб вазифалари ишлаб чикарилаётган тайёр маҳсулотларни уз вактида сотиш ва ортишни ташкиллаш эканлигини, минерал угитларни савдоси мавсумийлигини инобатга олиб, барча булим ва цехлар хамкорликда ортиш ишларини ташкиллаш ва шу билан бирга сифатли мижозларга хизмат курсатиш деб хисоблашларини, юкоридаги холатларни инобатга олиб ИХБ томонидан тинимсиз ва асоссиз адоваратни четга суриб, меҳнат йурикномасида белгиланган ишлар билан шугилланиш лозимлиги таклиф этган.

Холат юзасидан Юкларни жунатиш участкаси катта устаси А.Шарафутдинов ўз тушунтириш хатида қуйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг 8 октябр куни, кеч соат 17.00 ларда документ тулдириш жараёнида Афғонистон давлатига экспорт йуналишида жунатилаётган минерел угитлар ортилган №24437006-сонли вагонга “ЭЛДА-100” пломбасини ракамини хато ёзиб куйганлигини, хатолик аниклангандан сунг хужжатга девонхонани печатини “исправлено верно” деб ёзиб куйганлигини, бу ишларга 1 соат вакт кетганлигини, бу холат бошка кайтарилмаслигини курсатган.

Логистика бошкармаси бошлиги А.Исмаилов томонидан берилган маълумотномада, 2024 йил 8 октябр куни, № 24437006-сонли усти ёпик вагонга карбомид маҳсулоти экспорт йуналиши буйича ортилганлиги, ушбу вагонга нисбатан меъёридан ортик туриб колганлиги хакида жарималар

куйилмаганлиги, бу холат буйича корхонага хеч кандай моддий зарар етказилмаганлигини курсатилган.

Шунингдек, урганиш давомида маъсуллардан маълумотнома ва ишчи-ходимлардан тушунтириш ҳатлари олинганидан ташкари, тарозихонанинг №24437006 - сонли вагонни экспортга жунатиш ҳакидаги молявий (“накладной”) хужжатлари нусхалари, Логистика бошкармасидан маълумотнома олиниб, урганиш хужжатларига кушилди.

Урганиш натижаларига кура, ЮЖУ цехининг маъсуллари ва ишчи-ходимларининг ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд эмаслиги ва корхонага молиявий зиён етказилмаган булсада, лекин ЮЖУ катта устаси А.Шарафутдинов пломба ракамини хато киритганлиги ва бу ҳатоликни уз вактида аникламаганлиги холати унинг иш фаолияти давомида хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик ва эътиборсизликка йўл қўйганлигини курсатади.

Шундан келиб чиқиб, ЮЖУ катта устаси А.Шарафутдинов ўзига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришга маъсулиятсизлик билан ёндошганлик ҳаракатларига баҳо бериш ва унинг ҳатти-ҳаракатлари интизомий жазога лойиқлиги масаласи Ходимлар билаш ишлаш хизмати, МТЭваИХБ (ОТЗ), Юридик булим хамда Касаба уюшмаси томонидан куриб чикилиши ва натижаси юзасидан бошкарув раисига таклиф бериш мақсадга мувофиқ хисобланди.

**19. “Фарғонаазот” АЖ нинг ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев бошкарув раиси номига билдириги (2024 йил 19 сентябр куни №3028-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 18 сентябрь куни Латвия Республикасига “Амиачная Селитра” махсулоти вагонларда юкланиб экспортга чиқарилаётган вақтда 28349074 ва 28814648 сонли вагонларга 6 тадан илинган “HUMO-1” жами 12 та пломба рақамлари хужжатда хато ёзилганлиги Идоравий харбийлаштирилган қўриқлаш шахсий таркиби томонидан аниқланганлигини, Юкларни қабул қилиш ва жўнатиш базаси муҳандислари С.Отаназарова, Р.Марупова ва А.Кодировалар ушбу вагонлар худудда соат 19:00 дан шу вактга кадар колиб кетишига сабабчи бўлганлигидан келиб чиқиб, Юкларни қабул қилиш ва жўнатиш базаси муҳандисларига нисбатан тегишли чора қўрилишини сўраган.**

Мазкур билдиригида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, билдиригида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Юкларни жўнатиш участкаси маъсуллари ва бошқа дахлдор бўлган ишчи-

ходимларидан тегишли радиота маълумот ҳамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, ЮЖУ бошлиғи Ф.Ахмедова ҳолат юзасидан берган маълумотномасида қуийдагиларни кўрсатган, яъни тайёр маҳсулот экспортига оид барча юклаш-жўнатиш хужжатлари расмийлаштириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида, савдо бўлими ходимлари билан хамкорликда мобил телефон орқали вагон номерлари пломба рақамларини олдиндан, яъни вагонлар юклаб тутатилмасидан бўлим ходимлари томонидан оғзаки радиота айтиб берилиши ва ўз навбатида санаб ўтилган пломбалар, экспорт бўлими томонидан талаб этилган темир йўл хужжатларида қайд этилиб, хужжатларни оператив тайёрлаш ишлари амалга оширилиши ҳамда тарозихонага тақдим этилиши, юқоридаги жараён мобайнида баъзи вагонларга юклаб улгурмаган бўлиниши, шу сабаб вагонлар юкландигандан сўнг тамғалаш (пломбалаш) ишлари амалга оширилиши, бу ҳолатларда хатоликларга олиб келиш эҳтимоли юқорилиги, хужжатларни вагонлар ортиб бўлинганидан сўнг тайёрланса вагонлар жаримага тушиб қолиши, шу боисдан хужжатларни олдиндан тайёрлашга тўғри келишини, баъзи холларда пломбалардаги нуқсонлар сабаб, темир йўл хужжатларида кўрсатиб ўтилган пломбаларни алмаштиришга тўғри келишини ва шу билан биргаликда корхона худудидан тайёр маҳсулот юклаб чиқаётган вагонларни тортиш, хужжатларни расмийлаштириш ва пломбалаш жараёни ИХБ ходими билан биргаликда кузатув камералари назорати остида амалга оширилишини курсатиб ўтган.

Ф.Ахмедова маълумотномасига кўра сменадаги тарози ходими вагон маълумотлари ва пломба номерларини уяли телефон орқали берган ҳамда вагонлар юклаб бўлингандан сунг кейинги смена ходимлари томонидан соқчи назоратида пломбалар илинган. Смена алмашишда булган тушунмовчилик сабабли вагонларга илинган пломбалар алмаштириб қўйилган ва хатоликни темир йўл хужжатларида ўзгартириш Низомида кўрсатилган талабларга биноан бартараф этилган.

Юқоридаги каби хатоликлар кўп холларда такрорланганлиги сабабли Ўзбекистон Темир Йўллари Низомида алоҳида кўрсатилганлиги, низомларда кўрсатилганлигига қарамасдан ИХБ ходимлари вагон хужжатларини кўп холларда алмаштиришни талаб этишаётганлигини, экспорт учун расмийлаштирилган хужжатларни алмаштириш мураккаб жараён булиб, ортилган вагонлар меъёридан ортиқ туриб қолишига ва катта микдорда жаримага ва шу билан бирга хужжатларни алмаштириш божхона рўйхати билан амалга оширилганлиги учун божхона томонидан қизил йўлакка тушишига сабаб булишини таъкидлаб утган.

Мазкур ҳолат корхонага моддий зарар келтирмаганлиги ва вагонлар меъёрдан ортиқ туриб қолишига олиб келмаганлигини ҳамда бундай ҳолат барча ташкилот ва ишлаб чиқарувчиларда учраб туришини инобатга олиш лозимлигини, шу ўринда ИХБ ходимлари томонидан ўз раҳбарларига тинимсиз нотўғри маълумотлар етказиб, ҳар-хил майда хатоликлар юзасидан тушуниб етмаган ишларига аралашишлари оқибатида тушунмовчиликлар

келиб чиқаётганини инобатга олиб, хар бир бўлим ўз меҳнат йўриқномасида кўрсатиб ўтилган вазифалари билан шуғулланишини таъминланишида амалий ёрдам берилишини сўраган.

Холат юзасидан Юкларни жўнатиш участкаси муҳандиси С.Отаназарова ўз тушунтириш хатида қўйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам шу йилнинг 17 сентябри куни, эрталабки соат 08-00 дан кечқурунги соат 20-00 ларгача ишда сменада бўлганлигини, шу иш вақтида AS-72 цехида экспорт йўналиши бўйича 28814648, 28349074 рақамили вагонларга экспорт бўлимига маълумотларни бериб, пломбаларини ажратиб эҳтиётсизлиги сабабли рўйхатга олиш китобига ёзмаганлиги, шу сабабли навбатдаги смена ишчиходимлари юқорида кўрсатилган вагонларга соқчилар ва камера назорати остида бошқа пломбалар илганликларини курсатган.

Холат юзасидан Юкларни жўнатиш участкаси муҳандиси Р.Марупова ўз тушунтириш хатида қўйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам у шу йилнинг 17 сентябри куни, тунги сменага келганида олдинги смена ишчилари экспорт вагонларига “HUMO” пломбаларни тайёрлаб топширганлигини, смена давомида Юкларни жўнатиш участкаси муҳандиси А.Қодиров билан биргаликда вагонларни ечиб, соқчи ва камералар назорати остида торганликларини, ҳамда “HUMO” пломбалари билан соқчи назорати остида пломбалаганликларини, битта вагон пломбаси чиқмаганлиги сабабли унга ўзлари тайёрлаб, китобга ёзганликларини ва соқчи назорати остида пломбалаганликларини, эртаси куни ушбу вагонга пломба ажратилганлиги ва кундузги смена ишчилари вагон рақамини китобга ёзмаганлиги сабабли, пломбалар экспорт хужжатида алмашиб қолганлигини кўрсатган.

Холат юзасидан Юкларни жўнатиш участкаси муҳандиси А.Қодиров ўз тушунтириш хатида қўйидагиларни, яъни ҳақиқатдан ҳам у шу йилнинг 17 сентябри куни, тунги сменага келганида олдинги смена ишчилари экспорт вагонларига “HUMO” пломбаларни тайёрлаб топширганлигини, Юкларни жўнатиш участкаси муҳандиси Р.Марупова билан биргаликда смена давомида вагонларни ечиб, соқчи ва камералар назорати остида торганликларини, ҳамда “HUMO” пломбалари билан соқчи назорати остида пломбалаганликларини, битта вагон пломбаси чиқмаганлиги сабабли унга ўзлари тайёрлаб, китобга ёзганликларини ва соқчи назорати остида пломбалаганликларини, эртаси куни ушбу вагонга пломба ажратилганлиги ва кундузги смена ишчилари вагон рақамини китобга ёзмаганлиги сабабли пломбалар экспорт хужжатида алмашиб қолганлигини кўрсатган.

Шунингдек, ўрганиш давомида маъсуллардан маълумотнома ва ишчиходимлардан тушунтириш хатлари олинганидан ташқари, тарозихонанинг 28349074 ва 28814648 сонли вагонларни экспортга жўнатиш ҳақидаги молиявий (“накладной”) хужжатлари нусхалари, Логистика бошқармасидан маълумотнома ҳамда ЮЖУ муҳандислари С.Отаназарова, Р.Марупова ва А.Қодировларга тавсифномалар олиниб, ўрганиш хужжатларига қўшилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ЮЖУ цехининг маъсуллари ва ишчиходимларининг ҳаракатларида мол-мулкни талон-тарож қилишга уриниш ёки бошқа йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилиш ҳолатлари мавжуд

эмаслиги ва корхонага молиявий зиён етказилмаган бўлсада, лекин ЮЖУ муҳандиси С.Отаназарова пломба рақамини рўйхатга олиш китобига киритмаганлиги, ЮЖУ муҳандислари Р.Марупова ва А.Қодировлар смена ишини қабул қилишда бу камчиликни ўз вақтида аниқламаганликлари ҳолати, уларни иш фаолиятлари давомида хизмат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик ва эътиборсизликка йўл қўйганликлари аниқланди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЮЖУ муҳандислари С.Отаназарова, Р.Марупова ва А.Қодировларни ўзларига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришда маъсулиятсизлик билан ёндошганлик ҳаракатларига баҳо бериш ва уларнинг ҳатти-ҳаракатлари интизомий жазога лойиқлиги масаласи Ходимлар билаш ишлаш хизмати, МТЭ ва ИХБ (ОТЗ), Юридик бўлим ҳамда Касаба уюшмаси томонидан кўриб чиқилиши ва натижаси юзасидан бошқарув раисига таклиф беришлари мақсадга мувофиқ деб хисобланди.

**20.** “Фаргонаазот” АЖ нинг ИХКБ бошлиғи А.Хамраев бошқарув раиси номига хизмат хати (2024 йил 15 октябр куни № 3310-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 12 октябр куни, тахминан соат 14:00 ларда жамиятнинг автотранспортларни назорат-утказиш жойида (7-пост), АТЦ хайдовчиси У.Хасанов бошқариб келган 40 837 ЕАА давлат белгили “НЕФАЗ” автобуси тухтатилиб текширилганда, юкхона ичida 3,5 см калинликда 55x48 см хажмдаги темир листни олиб чикиб кетмокчи булганлиги аникланганлиги, юкоридагиларни инобатга олиб, келгусида жамият ходимлари орасида бу каби салбий холатларни олдини олиш максадида, АТЦ хайдовчиси У.Хасановга нисбатан конунда белгиланган тартибда таъсирчан чора курилишида амалий ёрдам беришингизни сураган.

Мазкур хизмат хатида кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш ва натижаси бўйича ахборот киритиш ҳақидаги ёзма кўрсатмангиз асосида Комплаенс назорат хизмати томонидан ўрганиш ишлари ўтказилди.

Ўрганиш давомида, Ходимлар билан ишлаш бошкармаси бошлиғи Ф.Сайфутдинов Сизнинг номингизга хизмати хати (2024 йил 16 октябр куни № 3320-сони билан қайд этилган) билан мурожаат этиб, унда шу йилнинг 16 октябр куни, АТЦ ходими У.Хасанов Ходимлар билан ишлаш бошкармаси бошлиғига мурожаат килиб, юкоридаги холат, яъни корхонадан темир листини олиб чикилиши холати бўйича тушунтириш хатини узи ёзмаганлигини, тушунтириш хатини ИХКБ бошлиғи уринбосари М.Мирзаев ёзиб, унга имзо куйдирганлигини, темир листни корхонадан угрилик килиш максадида олиб чикишга ҳаракат килмаганлигини, темир листи аввалдан хизмат автобусида булганлигини курсатганлигини, шу билан бирга У.Хасанов билан сухбат давомида у ишдан бушаш ҳакидаги аризани АТЦ бошлиғи Ш.Зокиров кистови билан ёзганлигини маълум килганлигини ва ишдан бушаш учун ёзган аризани кайтариб берилишини талаб килганлигини,

юкоридагилардан келиб чикиб, юзага келган холатга аниклик киритиш максадида тегишли булимларга мазкур холатларга аниклик киритилиши буйича курсатма беришингизни сураган.

Сиз томонидан мазкур хизмати хатида курсатилган холатларни урнатилган тартибда куриб чикиш хакидаги ёзма курсатмангиз асосида, Комплаенс назорат хизмати мукаддам ИХКБ нинг хайдовчи У.Хасановнинг бошкарувидаги автобус юкхонасидан топилган темир листи буйича ёзган хизмати хати юзасидан урганиш указаётганлиги ва иккала хизмат хатларида кутарилган масалалар бир-бирига boglik bulganligi учун Ходимлар билан ишлаш бошкармасининг хизмат хатини урганиш хужжатларига кушган холда текшириш ишлари давом эттирилди.

Текшириш давомида, хизмат хатларида кўрсатилган ҳолатлар юзасидан Автотранспорт цехи маъсуллари ва бошка дахлдор бўлган ишчидаридан тегишли равишда маълумот хамда тушунтириш хатлари олинди.

Жумладан, АТЦ хайдовчиси У.Хасанов холатлар юзасидан берган тушунтириш хатларида куйидагиларни, яъни бир неча ой олдин автобусни таъмираш вактида АТЦ худудидан темир листини топиб, бирон нарсага яраб колар деб автобус юкхонасига солиб куйганлигини, шу буйича темир листи автомашина юкхонасида юрганлигини, хар сафар назорат уtkазиш жойларидан утаётганда гохи вактларда ИХК сокчилари бу темир листини куришганлигини, лекин айнан кайси сокчи курганлигини эслай олмаслигини, шу йилнинг 12 октябр куни, соат 14-00 лар чамасида йуналиш буйича ишчиларни заводга олиб келиш учун автотранспорт цехидан чикканлигини ва назорат уtkазиш пунктидан утаётганда харбийлаштирилган куриклаш хизмати сокчилари бу темир листини куриб, ундан нима учун автобусда олиб юрганлигини сураганлигини, уни бу саволига бу темир листи купдан бери автобус юкхонасида юрганлигини ва керак булганда ишлатишини айтганлигини, лекин сокчи бу темир листини автобусда олиб юриш мумкин эмаслигини айтиб, холат юзасидан хужжат расмийлаштиришганини, ИХК бошлиги уринбосари М.Мирзаев унинг номидан тушунтириш хати ёзиб, унга кучиртирганлигини, шу холат буйича ёзган тушунтириш хатини йиртиб ташлаганлигини, унга “сизга хеч нарса булмайди” деб тушунтириш хатига имзо куйдирганлигини, 14 октябр куни уни АТЦ бошлиги Ш.Зокиров олдига чакириб, унга “агарда уз хошишингиз билан ишдан бушашга ариза ёзсангиз жиноий жавобгарликка тортилмайсиз ва осонгина ишдан чикиб кетасиз” деб уз хошишим билан ишдан бушашга ариза ёздирганлигини, бу темир листини автобусни таъмирашда дамкрат тагига куйиб фойдаланиш учун олиб юрганлигини, темир листини автобусда юрганлигини смена хайдовчилари

“Комил” ва “Отамурод” курганлигини, бундан ташкари автобусни таъмирлаш ишларида темир листидан фойдаланаётганини слесарлар “Хусан” ва “Илхом” исмли шахслар хам курганлигини курсатган.

Холат юзасидан АТЦ бошлиги Ш.Зокиров берган билдиргисида, 2024 йилнинг 12 октябр куни, сокчилар томонидан тухтатиб колинган, корхонага карашли “НЕФАЗ” русумли, давлат белгиси 40 837 ЕАА давлат белгили автобусда хайдовчи У.Хасанов иштирокида темир лист маҳсулоти олиб чикишга уриниш булганлигидан хабар топганлигини, жорий йил давомида АТЦ ходимлари орасида олиб борилган ички меҳнат тартиби коидалари тугрисида тушунтиришлар ва хар бир хайдовчи билан алохида олинган тилхатларга карамасдан хайдовчи У.Хасанов ушбу холатни содир этганлигини, мазкур холат юзасидан “Фаргонаазот” АЖ ички меҳнат тартиби коидалари 5.4-банди асосида хайдовчи У.Хасановга келиб чикадиган хукукий окибатлар, яъни, унга маъмурий жазо кулланилиши мумкинлигини тушунтирганлигини ва ишдан бушаш тугрисида хеч кандай тазйик утказмаганлигини курсатган.

Холат юзасидан АТЦ иктисадчиси А.Собирова холат юзасидан берган тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни 2024 йилнинг 14 октябр куни, хайдовчи У.Хасановнинг уз хохиши билан ишдан бушаш хакидаги аризасини унинг илтимосига кура ёзиб берганлигини, бунга сабаб У.Хасанов лотин алифбосида ёза олмаслигини билдирганлиги, 15 октябр куни цех бошлигининг топширига асосан У.Хасановнинг ишдан бушаш хакидаги аризасини хисобчидан карзи, алименти ва кредити йуклиги хакидаги маълумотни ёздириб, кадрлар булими бошлигига имзо кутириб, кадрлар булими мутахассисларига топширганлигини курсатган.

Холат юзасидан АТЦ нинг хайдовчи К.Иминов уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни “НЕФАЗ” русумли 40 837 ЕАА давлат белгили автобусда хайдовчи булиб ишлаб келишларини, шу йилнинг 10 октябр куни тунги сменага келганлигини ва автобусни сменщик билан кабул килиб олишда хар бир соз, носоз жойларини бир-бирларига айтиб, курсатиб кабул килиб олишларини, автобусда хеч кандай ортиқча темир ва бошка буюмлар булмаганлигини курсатган.

Холат юзасидан АТЦ хайдовчиси О.Халимбеков хам уз тушунтириш хатида “НЕФАЗ” русумли 40 837 ЕАА давлат белгили автобусни хайдовчиси вазифасида ишлаб келишларини, 12 октябр тунги сменага кабул килиш даврида хеч кандай ортиқча темир ва бошка буюмлар булмаганлигини, автобусни кабул килишда барча соз, носоз жойларини бир-бирларига айтиб кабул килишларини курсатган.

Холат юзасидан АТЦ колонна бошлиги У.Умаров уз билдиригисида “НЕФАЗ” русумли автобус хайдовчиларини хар куни сменага келишини назорат килишини, уларга хар сменада автобусда ортикча нарсалар юрмасликлари хакида тушунтиришлари олиб борилишини, хайдовчи У.Хасанов бошқарувидаги автобусдан топилган темир листи автобус учун кераксиз нарса эканлигини, эхтиёт кисм сифатида фойдаланишга яроксиз эканлигини, бундай темир листлар автотранспорт цехида ишлатилмаслигини курсатиб утган.

Холат юзасидан АТЦ чилангарлари Х.Юсупов ва И.Саидов уз тушунтириш хатларида куйидагиларни, яъни автотранспортларни таъмирлаш жараёнларида керакли асбоб ва ускуналардан фойдаланишларини, бундай темир листлар керак эмаслигини, сабаби таъмирлаш ишларида техника хавфсизлигига тугри келмаслигини курсатишган.

АТЦ мутахассислари томонидан берилган маълумотномада, хайдовчи У.Хасанов узига бириктирилган транспорт воситасида корхона худудидан олиб чикиб кетмокчи булган металл буюм автотранспорт цехи транспорт воситаларига тегишли эмаслигини ва транспорт воситаларини таъмирлаш ишларини бажариш давомида фойдаланишга эхтиёж йуклиги курсатилган.

Шунингдек, урганиш давомида маъсуллардан маълумотнома ва ишчиходимлардан тушунтириш хатлари олинганидан ташкари, 2024 йилнинг 10 январ куни У.Хасановдан иш фаолияти давомида талон-тарожлик холатларига йул куймаслик хакида тилхат нусхаси, 2024 йил 12 октябр куни йуналишга асосли чикканлигини тасдикловчи “Йул варакаси” нусхаси, темир листни олиш хакидаги далолатнома ва темир лист фотосуратлари олиниб, урганиш хужжатларига кушилди.

Урганиш давомида хайдовчи У.Хасанов билан холатлар юзасидан савол-жавоблар килиниб, ундан тушунтириш хати олишга харакат килинганда, у узини ёзишга саводи йуклигини важ килиб, тушунтириш хати ёзишдан узини олиб кочишга уринди. Бу холат ИХКБ бошлиги уринбосари М.Мирзаев унинг номидан тушунтириш хатини ёзишга мажбур булганлигидан далолат бермоқда.

Бундан ташкари, хайдовчи У.Хасановнинг уз хохиши билан ишдан бушаш хакидаги аризани АТЦ бошлиги Ш.Зокиров тазийки билан ёздирганлиги хакидаги важи юзасидан уни АТЦ бошлиги Ш.Зокиров билан юзлаштириб, шу холат тугрисида суралганда У.Хасанов тазийик булмаганлигини, факат у конуний чора курилса унга яхши булмаслигини айтиб, ишдан бушаш хакида ариза ёзишни тушунтирганлигини билдириди.

Шунингдек, хайдовчи У.Хасановнинг темир листи автобус юкхонасида

шу йилнинг ёз фаслидан бери юрганлиги сменшик хайдовчилар О.Халимбеков ва К.Иминов тасдиклаши хамда таъмирлаш ишларида бу темир листдан фойдаланганлигини АТЦ чилангарлари Х.Юсупов ва И.Саидов тасдиклаши хакидаги кургазмалари хайдовчилар О.Халимбеков, К.Иминов хамда чилангарлар Х.Юсупов, И.Саидовларни тушунтириш хатларида уз тасдигини топмади.

Шу уринда, хайдовчи У.Хасанов темир листдан автобусни таъмирлашда фойдаланиши хакида важ келтирган булсада, лекин темир листнинг вазни огир булганлиги холати хам бир шахснинг бу темир листни кутаришга катта куч сарфлаши зарурлиги холати хам бу важни асосли эмаслигини курсатмокда.

Урганиш натижаларига кура, АТЦ хайдовчиси У.Хасановнинг харакатларида майда ташмачилик аломатлари булганлиги сабабли, айнан темир листни автобусдан топилганлик холати билан бодлик хужжатларни нусхалари, унга нисбатан Жиноят ишлари буйича Фаргона шаҳар Суди томонидан УзР. МЖтК нинг 61-моддаси билан жавобгарликка тортиш масаласини куриб чикишлик учун Миллий гвардиянинг Куриглаш батальонига юбориш мақсадга мувофик булади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, корхонанинг Ички меҳнат тартиби коидаларининг 5.4-банди буйича, яъни ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор килишга олиб келиши мумкин булган меҳнат мажбуриятининг бир марта купол равишда бузилишлари руйхатида –“иш жойида гувоҳлар томонидан тасдикланган корхона мол-мулкини угрилаш курсатилган” лиги асосида, АТЦ хайдовчиси У.Хасанов билан меҳнат шартномасини бекор килиш ёки интизомий жазога лойиклиги масалаларини куриб чикиш Ходимлар билаш ишлаш бошқармаси, МТЭвайХБ (ОТЗ), Юридик булим хамда Касаба уюшмаси томонидан куриб чикилиши ва натижаси юзасидан бошқарув раисига таклиф бериш мақсадга мувофиқ хисобланди.

**21.** Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ғ.Жаббаров, Тартиб-махфий бошқармаси бошлиғи М.Фузайлов ва ИХҚБ бошлиғи А.Хамраев томонидан корхона билан «Темирийўлинфратузилма» АЖ ҳамда «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ уртасида жорий йилда хизмат курсатиш юзасидан тузилган шартномалар буйича ортиқча маблаг туланганлиги хакида ёзган хизмат хати ва шу холат юзасидан тўпланган хужжатлар билан танишиб чиқиб, ушбу ҳолатни холис, шаффоф ва адолатли кўриб чикиш мақсадида ички хизмат текшируви ўтказилди.

Шу муносабат билан, «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг 2024 йил 30 октябрдаги буйруғи билан, бошқарув раисининг уринбосари

Т.Р.Мигманов раҳбарлигига ишчи гурухи тузилиб, ички хизмат текшируви шу йилнинг 30 октябр куни бошланиб, 31 октябр куни якунланди.

“Фаргонаазот” АЖ нинг Тартиб-махфий бошқармаси бошлиғи М.Фузайлов ва Идоравий харбийлаштирилган қуриклаш булими бошлиғи А.Хамраев 2024 йилнинг 21 октябр куни, корхона бошқарув раиси номига хизмат хати билан (2024 йил 21 октябр куни № 57/10-сони билан кайд этилган) мурожаат этиб, унда юкори турувчи раҳбарият курсатмасига асосан, Тартиб-махфий бошқармаси ва Идоравий харбийлаштирилган қуриклаш булими томонидан корхонанинг ташки омборларига темир йул оркали юборилган минерал угитларни темир йул вагонларидан тушириш, омборларга жойлаш юзасидан корхона билан хизмат курсатувчи ташкилотлар билан тузилган шартномалар буйича тулик текширув утказилганлигини, текширув натижасига кура, 2024 йилнинг 19 апрел куни корхона билан “Темирийўлинфратузилма” АЖ билан темир йул вагонларида водий худудларида жойлашган 6 та омборларда саклаш учун юборилган минерал угитларни вагонлардан тушириш, ташиб ва омборларга жойлаш буйича № 09-05/326-сонли шартнома тузилганлигини, мазкур шартнома асосида 2024 йилнинг апрел ойидан июл ойига кадар курсатилган хизматлар учун “Темирийўлинфратузилма” АЖ га 1 (бир) тонна юк учун 98 209,86 сум хисобида, корхона томонидан жами 4 584 460,56 (турт миллиард беш юз саксон турт миллион турт юзи олтмиш минг турт юзи ун олти) сум утказиб берилганлигини, шу йилнинг 30 июл куни, “Темирийўлинфратузилма” АЖ корхонага № 207-сонли хабарнома хати юбориб, иш хажми купайиб кетганлигини важ килиб курсатиб, бир томонлама шартномани бекор килганлигини, шундан сунг корхона раҳбарияти “Темирийўлинфратузилма” АЖ нинг оғзаки тавсиясига асосан «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан шартнома тузганлигини, шу йилнинг август ойидан сентябр ойига кадарлик, хар 1 (бир) тонна юк учун 106 245,18 (бир юзи олти минг икки юзи кирк беш) сум хисобида, курсатилган хизмат учун корхона томонидан жами 2 831 851 565,33 (икки миллиард саккиз юзи уттиз бир миллион саккиз юзи эллик бир минг) сум утказиб берилганлиги, корхона томонидан 2024 йилнинг апрел ойидан сентябр ойига кадар, юкоридаги ташкилотларга курсатган хизматлари учун жами 7 416 311 981,89 (етти миллиард турт юзи ун олти миллион уч юзи ун бир минг) сум утказиб берилганлиги, тупланган хужжатлар урганиб чикилганда, шартномалар белгиланган меъёрий хужжатлар талаблари купол равишда бузилган холда тузилганлиги маълум булди. Жумладан:

- «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ нинг керакли хужжатлари, яъни ташкилотни Низоми кушилмаганлиги ҳамда тендири факат 2 та ташкилот уртасида утказилганлиги;
- ушбу ташкилотларнинг жойлашув манзиллари Андижон вилоятининг Избоскан туманида эканлиги;
- “Темирийўлинфратузилма” АЖ нинг минерал угитларни вагондан омборга тушириш буйича 1 тонна юк учун калькуляция нархи курсатилмаганлиги;
- «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ томонидан 1 тонна юкни вагондан омборга тушириш нархи 106 245 18 сум курсатилганлиги.

Ушбу ташкилотлар билан транспорт воситалари хизматини курсатиш учун шартномаларни келишиш ва тузилишига рухсатнома корхонанинг молиявий директори Джейн Шайлеш ҳамда Савдо булими раҳбари Чайил Арундоян томонидан олинган булиб, шартномалар улар томондан урганиб чикилиб, шахсан имзоланган.

Шунингдек, 1 тонна минерал угитни тушириш ошириб курсатилганлиги, шу билан бирга бир тонна юкнинг нақд пулга хисоби курилганда 47 000 (кирк етти минг) сумни, ундан 7000 суми транспорт харажати, 40 000 сум эса юкловчилар харажати эканлиги, агарда ишчиларни фукаровий хукукий шартнома (ГПХ) асосида ёлланганда, бир тонна юкни тушириш ва жойлаш харажати 12 фоиз кушимча киймат соглиги (НДС) билан хисоблаганда 52 000 (эллик икки минг) сум эканлиги, агарда юкорида курсатилган ишларни барчасини хизмати фукаровий хукукий шартнома (ГПХ) буйича хисобланганда  $52\ 000 \times 73\ 340 \text{ тн.} = 3\ 813\ 680\ 000$  сумни ташкил килиши, корхона томонидан курсатилган хизматлар учун туланган  $7\ 416\ 311\ 981,89 - 3\ 813\ 680\ 000 = 3\ 602\ 631\ 981,89$  сумни ташкил килганлиги ва корхонага тахминан  $3\ 602\ 631\ 981,89$  сум микдорида моддий зарар етказилганлиги курсатилган.

Ишчи гурух томонидан ички хизмат текшируви давомида хизмат хатида курсатилган холатларга аниклик киритиш максадида Логистика бошқармаси, ИЧ-ТБ, Савдо булими, Баш бухгалтер, Кишлок хужалиги билан ишлаш булими ва Юридик булим раҳбарлари ҳамда мутахассислари билан сухбатлашилди. Шу билан бирга, улардан курсатилган холатларни аниклаштирувчи маълумотлар ҳамда тушунтириш хатлари ёзма равища олиниб, ички хизмат текширув хужжатларига кушилди.

Холат юзасидан Логистика бошқармаси бошлиғи А.Исмаиловдан тушунтириш хати олинганда, у уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни, “Фаргонаазот” АЖ томонидан 2024 йил апрел-июл ойларида ишлаб чиқарилган аммиакли селитра махсулотини корхонага карашли булган Фаргона вилояти Фуркат, Кува, Наманган вилояти Туракургон, Чорток

станциялари ва Андижон вилояти Жалакудук тумани темир йул станциясида жойлашган омборларга ёпик вагонларда ортиб юборилган минерал угитларни вагонлардан тушириш ҳамда махсулотларни омборга жойлаштириш ишлари 2024 йил 19 апрел кундаги № 09-05/226-сонли шартномага асосан “Узбекистон темир йуллари” АЖ га карашли “Темирийүлинфратузулма” АЖ томонидан амалга оширилганлиги, мазкур шартнома “Темирийүлинфратузилма” АЖ нинг 2024 йил 30 июл кунги № 201-сонли хатига асосан бекор килингандиги курсатиб утган.

Шунингдек, корхонанинг технологик омборларида махсулотлар тулалигини инобатга олиб, махсулот ишлаб чикириш жараёнига салбий таъсир килмасликни таъминлаган холда ҳамда омборларга етиб борган вагонларни тушириш жараёнида меъёридан ортик туриб колишини олдини олиш максадида ва корхонага темир йуллари томонидан хеч кандай жарималар куйилмаслиги шарти билан 2024 йил 28 август куни «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан № 09-05/723-сонли шартнома имзоланганлигини, ушбу шартнома лойихасини икки хафта давомида шартнома шартлари ва киймати эксперталар Шайлеш Джейн ва Арудоян Чайл томонидан чукур урганиб чикилганлигини курсатиб утган. Ш.Джейн ва А.Чайиллар хизмат сафарида булганликлари сабабли улар билан сухбатлашишнинг имкони булмади.

Шу билан бирга, «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ томонидан август-октябр ойларида 412 та вагонларда 26 минг тоннадан ортик минерал угитлар омборларга сифатли жойлаштирилганлигини, агар барча омборларда кунлик вагонлардан махсулотларни тушириш куввати 2-3 та вагон эканлигини хисобга олган холда ҳамда вагонларни омборларга тупланиб етиб бориши натижасида жарималар прогнози хисобланса, ушбу курсаткич хар бир омбор учун уртacha 350-360 млн сумни, жами 1 800 млн. сумдан ортик сummани ташкил этишини, омборларда битта вагонни тушириш меъёрий вакти 2 соат 30 дакикани ташкил этишини, «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан “Фаргонаазот” АЖ уртасида шартнома имзолангунга кадар технологик омбор тулалиги сабабли, Фуркат туманида жойлашган омборга 18 дона, Куба туманида жойлашган омборга 15 дона, Туракургон туманида жойлашган омборга 25 дона, Чорток туманида жойлашган омборга 31 дона ва Жалакудук туманида жойлашган омборга 38 дона, жами 127 дона вагонларга аммиакли селитра махсулоти ортиб юборилганлигини темир йул хужжатларида куриш мумкинлигини таъкидлаб утган.

Ушбу вагонлар жаримада (“простой”да) колганлигини, жами август-октябр ойларида жамият томонидан юкоридаги омборларга ортиб юборилган аммиакли селитра махсулотини тушириш жараёнида хисобланган жарималар

тугрисида тахлилий жадвал илова килинишини, «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан омборларга етиб борган аммикли селитра махсулотини тушириш ва сифатли жойлаштириш ишларини тугри ташкил этилиши натижасида корхонага хисобланиши мумкин булган жами 1 млрд 23 млн. сум микдоридаги жарималарнинг олди олингланлигини курсатиб утган.

Шу билан бир каторда, «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ томонидан 1 тонна аммиакли селитра махсулотини вагондан тушириш ва омборга жойлаштириш хизмати учун 106 245,18 сум килиб белгиланганлигини, жамият уз ички имкониятларидан келиб чикиб хисобланганда эса 118 065,37 сумни ташкил этганлигини (тахминий жадвал илова килинишини) жами 26 661 тонна махсулот учун 315,1 млн сум пул маблаги тежаб колингланлигини курсатган.

Холат юзасидан Савдо булими бошлиғи Б.Кадиров ва Кишлок хужалиги билан ишлаш булими бошлиғи Б.Ахмедов уз маълумотномаларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 15-июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ПФ-6262 сон фармонига мувофиқ “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖ лар тугатилиши назарда тутилганлигини, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ҳудудий омборлари, савдо дўконлари ва бошқа зарурий обектларини “Ўзқимёсаноат” таркибида кирувчи ташкилотлар олдидағи мавжуд қарздорликларни қисқартириш ҳисобига берилиши белгиланганлигини маълум килишган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш, корхонанинг технологик омборларида минерал ўғитлар қолдиғи ортиб кетишини олдини олиш, келгуси йил ҳосили учун жойларда етарли даражада захира яратиш мақсадида ишлаб чиқарилаётган минерал ўғитларни “Farg‘onaazot” АҶ нинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятида жойлашган темир йўл изи кирган 5 та омборларига жўнатилган. “Farg‘onaazot” АҶ ва “Темирйўлинфратузилма” АЖ Қўқон минтақавий темир йўл узели филиали ўртасидаги 2022-йил 28-июлдаги 01-05/398-сонли шартномага асосан Корхонадан сақлаш учун жўнатилган минерал ўғитларни вагондан автомашинага юклаш, автомашинада омборга ташиш ҳамда тушириб тахлаш хизматларини “Темирйўлинфратузилма” АЖ Қўқон минтақавий темир йўл узели филиали амалга оширган бўлиб, 1-тонна махсулотни вагондан автомашинага юклаш, автомашинада омборга ташиш ҳамда тушириб тахлаш хизмати нархи 76 170,20 сўм этиб белгиланган. Юкорида кўрсатилган Президент қарорига асосан “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёҳимоя” АЖлар тугатилганга қадар кимё корхонлари томонидан ишлаб чиқарилиб, сақлаш учун жўнатилган махсулотларни омборга жойлаш,

сақлаш ва фермер хўжаликларига етказиб бериш ишларини “Агрокимёҳимоя” АЖ томонидан амалга оширилганлигини, корхона томонидан аввал бундай ишлар, яъни вагондан автомашинага юклаш, автомашинада омборга ташиш ҳамда тушириб тахлаш ишлари бажарилмагани сабабли “Темирйўлинфратузилма” АЖ Кўқон миңтақавий темир йўл узели филиали давлат корхонаси билан шартнома тузилганлигини курсатиб утишган.

Корхона томонидан темир йўл оркали вагонларда водий омборларига юборилган минерал угитларни тушириш ва жойлаштириш масалалари билан боғлик шартномаларни тузилишида йул куйилган камчиликларни келиб чиқиш сабаблари ва омиллари қўйидагилар:

- Корхона билан “Темирйўлинфратузилма” АЖ ҳамда «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ уртасида хизмат курсатиш юзасидан тузилган шартномалар, хозирги кунда кучда булган “Шартномаларни имзолаш ва ижро этишини тасдиклаш сиёсати”нинг 1-сонли шартномаларни келишиш жадвалида узгартириш киритилиш хакидаги 2021 йил 17 декабрдаги № 2063-сонли буйругига кушимча киритиш хакидаги 2022 йил 10 январ кунидаги № 41-сонли буйруги талаблари тулик бажарилмаган, яъни шу масалага тугридан-тугри дахлдор булган, хизмат курсатишнинг калькуляция нархини мутахассис сифатида урганиб берадиган маъсул Ишлаб чикириш харажатларини тахлил килиш, стратегик режалаштириш, таннархини кискартириш ва ресурсларни тежаш бошқармаси бошлиғи Э.Сеитов билан шартнома, хизмат курсатишнинг калькуляция нархлари келишилмаган;

- Шартномалар тузилишида корхона манфаатларига зид булган холатларни олдини олишга каратилган шартномаларни тузиш комиссияси таркиби ва мажбуриятларини белгиловчи буйрук ҳамда Низом ишлаб чикилмаган. Шу сабабли шартномалар тузиш комиссиясини карори тузилмаган;

- “Темирйўлинфратузилма” АЖ ва «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан хизмат курсатишга шартномалар тузилишида корхона маъсуллари томонидан тенdir ёки танлов утказиш талабларига тулик риоя килган холда утказилмаган. Масалан, корхона томонидан айнан шу турдаги хизмат курсатиш учун ОАВ ларида тенdir ёки танлов шартлари эълон килинмаган. Лекин шундай булсада, «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ билан утказилган танловда камида учта ташкилот иштирок этиши керак булган булсада, танловда иккита ташкилот иштирок этган. Таъкидлаш жоизки, бу танловда катнашган иккала МЧЖ бу холатдан кандай хабар топгани номаълум булиб, факат конкурент вароги билан чекланилган. Шу сабабли тенdir ёки танлов комиссиясини карори кабул килинмаган;

- Шартномалар тузилишида ва хизмат курсатишнинг калькуляция нархларини мухокамасида корхонанинг молявий холатига бош маъсул булган Молия буйича бош мутахассиси Ж.Шайлеш ҳамда Савдо булими раҳбари Ч.Арундоян, шунингдек бошка маъсул шахслар иштирок этган булсада, лекин шу холатни тасдиковчи, белгиланган меъёрий хужжатлар

буйича хужжатлаштирилмаган, яъни мухокама баёни ва карори кабул килинмаган.

Ички хизмат текшируви натижасига кура, ишчи гурух томонидан ваколат доирасида булган барча масалалар куриб чикилди. Хозирги вактда “Темирйўлинфратузилма” АЖ ва «QUALITY BRICKETTE» МЧЖ томонидан “Фаргонаазот” АЖ урталарида хизмат курсатиш юзасидан тузилган шартномалар, калькуляциялар юзасидан Тартиб-махфий бошқармаси ҳамда ИХҚБ томонидан бошқарув раисига юборилган хизмат хатида корхонага етказилган жуда куп микдордаги зарар суммаси тугри хисоб-китоб килингандигига баҳо бериш учун Транспорт вазирлиги ва Мехнат бандлиги, Солик кумитаси, Молия вазирлиги йуналишидаги эксперталар фикри зарур булишини, шунингдек, шартномалар, калькуляцияларни конунийлигига баҳо бериш ҳамда бу масалаларда корхона маъсул шахсларининг хатти-харакатларида ноконуний харакатлар булиши мумкинлиги холатларини, шартномалар буйича корхона томонидан утказилган маблаглардан солик туловлари тулик микдорда амалга оширилганлиги ҳамда шартномалар тузилишида моддий манфаатдорлик масалаларини куриб чикиш масалалари хукук тартибот идоралари ваколатида булганлиги сабабли тупланган хужжатларни худудий тегишлилиги буйича Фаргона шахар прокуратурасига юбориш максадга мувофик хисобланди.

**22.** Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ф.Жаббаров, Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими бошлиғи Н.Мамажонов томонидан бошқарув раисига (№ 3771-сони билан 2024 йил 25 ноябр куни кайд этилган) мурожаати ва шу ҳолат юзасидан тўпланган хужжатлар билан танишиб чиқиб, бошқарув раисининг қўрсатмасига асосан ушбу ҳолатни холис, шаффоғ ва адолатли қўриб чикиш мақсадида ички хизмат текшируви ўтказилди.

Шу муносабат билан, «Farg‘onaazot» АЖ бошқарув раисининг 2024 йил 25 ноябр кунидаги № 1134-сонли буйруғи билан ишчи гурухи тузилиб, ишчи гурух таркибиға Комплаенс назорат хизмати бошлиғи Ф.Жаббаров, Ходимлар билан ишлаш бошқармаси етакчи мутахассиси Я.Махмудов, Касаба уюшмаси қўмитаси йўриқчиси А.Марасулов, Комплаенс назорат хизмати етакчи мутахассиси Ш.Бобоевлар киритилиб, ички хизмат текшируви шу йилнинг 25 ноябридан 28 ноябр кунига кадар утказилди.

“Farg‘onaazot” АЖнинг Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш бўлими бошлиғи Н.Мамажонов 2024 йилнинг 25 ноябр куни, корхона бошқарув раисига маълумотнома билан мурожаат этиб, унда Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими етакчи мутахассиси А.Хожикамоловда шу йилнинг 1 октябр холатига иш хакидан 174,3 миллион карздорлик мавжуд булганлигини, бу карздорликни коплаш

хакида бир неча маротаба огохлантирилгандан сунг, 118 миллион сумни кайтарганлигини ва 25 ноябр холатига бу карздорлик 56,3 миллион сумни ташкил килишини маълум килган.

Ишчи гурух томонидан ички хизмат текшируви давомида Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими бошлиги Н.Мамажонов маълумотномада кўрсатилган ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида, унинг узи ва Боз бухгалтер Х.Хайдаров, Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими етакчи мутахассиси А.Хожикамолов, шу булим газначилари А.Халилова, Д.Нишонова, марказлашган бухгалтерия етакчи мухандиси У.Муллажонов ва хисобчиси Г.Холматовалар билан сұхбатлашилди. Улардан кўрсатилган ҳолатларни аниқлаштирувчи маълумотлар ҳамда тушунтириш хатлари ёзма равища олиниб, ички хизмат текширув хужжатларига қўшилди.

Молия ва контракт мажбуриятларини бажарилишини назорат килиш булими етакчи мутахассиси А.Хожикамолов уз тушунтириш хатида 2003 йилдан бүён корхонада ишлаб келишини, 2010 йилдан бери хозирги лавозимида ишлашини, 2023-2024 йиллар давомида иш хаки хисобидан карзга 174 миллион 300 минг сум олганлигини, шу йилнинг октябр ойи ҳолатига 118 миллион сум карзини тулаганлигини, хозирги кунда 56 миллион карзи колганлигини, бу карзларини 2025 йилнинг январ-феврал ойлари давомида коплаб беришини, унинг иш хаки 5 миллион 500 минг сумни ташкил килишини курсатиб утган. Шунингдек, А.Хожикамолов оиласида турт нафар фарзандлари борлигини, улардан иккита фарзанди контракт-тулов асосида Тошкент шаҳрида олийгоҳларда укишларини, колган икки нафар фарзанди урта мактабга боришларини, уларни барчасини сарф-харажатларига ойлик маоши етмаслигини, шу сабабли ойлик маошларини олдиндан олиб келишга мажбур булганлигини, иш хақларини ведомостда уз номига олиб келганлигини, шу сабабли хар ойда бухгалтерияни дебиторлик карзлари руйхатида уни фамилияси чикиб келганлигини, унинг бу ишларидан бош бухгалтери ва булим бошлигини хабари булганлигини, шу йилнинг май ойида Молиявий директор Д.Шайлеш бош бухгалтер оркали уни иш хакидан булган карзини коплаш хакида огохлантирганлигини, бу пулларни угрилик килиб олмаганлигини маълум килган.

Молия ва контракт мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўлими бошлиги Н.Н.Мамажонов холат юзасидан берган маълумотида Молия ва контракт мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўлими етакчи мутахассиси А.Хожикамолов бухгалтерия бўлими томонидан шакллантирилган иш хаққи ведомостини ўзбошимчалик билан ўзгартириб, яширин холда ўзини пластик карта рақамларини қуиб, ўзи хохлаган

суммани ёзиб олиб, банкга тақдим қилғанлигини ва бу сурункали равища да хар ойда давом этиб келғанлигини, иш хаққи ведомостларга имзо қўйиш жараёнида бир кун ёки икки кундан сўнг хабар топғанлигини, бу вақтда А.Хожикамолов пластик картасидаги қолдиқни тўлик ишлатиб ёки қисман ишлатиб бўлган бўлишини, ундан “нега бундай қилгани хакида” сўраганида, у “мени ўзимни шахсий ишим, ўзим қилган ишимга ўзим жавоб бераман, сизга гап тегмайди ва қарздорликни ойни охирида ёпиб қўяман” деган важлар билан хар ойда шу ишни давом эттирганини ва хар ойда ведомостни кечикириб ёки пластик картасидаги пулни ишлатиб бўлиб сунгра имзога, унга ва бош бухгалтер ёки унинг ўринбосарига тақдим қилиб келғанлигини таъкидлаб утди. Шунингдек, у иш хаққи ведомостида қўрсатилган ишчи ва ходимларни қарздорликлари бор ёки йўқлигини ўша кунда текширишни ва тўғри шакллантирилғанлигини кўришни унинг имконияти йўқлигини А.Хожикамолов билғанлигини, бу холатни тўхтатиш учун заводнинг иқтисод бўйича ўринбосари мистер Д.Шайлишга 2024 йил май ойи бошларида хабар берганлигини, шундан сўнг ишчи ходимларни иш хаққи қарздорликлари бўйича ўтказилган ўрганишлардаги барча қарздорларни қолдиқларини 6 ой ичидаги камайтиришга оғзаки қўрсатма олганлигини ва бу хақда барча қарзи бор ишчи ходимларга, жумладан Алишер Хожикамоловга хам етказганлигини маълум килди. Шундан сўнг, қарзи бор қолган барча ишчи ходимлар иш хаққи қарздорлиги 6 ой мобойнида камайганлигини, лекин А.Хожикамолов ва бухгалтерия етакчи мухандиси Улугбек Мулажоновнинг карзи купайганлигини айтиб утди. Шу билан бирга, У.Мулажонов бўйича ўрганиш қилинганда у банкка тақдим қилинадиган ведомостга Молия ва контракт мажбуриятларини бажарилишини назорат қилиш бўлимига тақдим қилгунга қадар ведомостни ўзгартириб, ўзини Ф.И.О. ва пластик карта рақамини, суммасини қўшиб берганлигини, бу холатни тўғрилигини текшириш уни бўлимини ваколатида эмаслигини, лекин унинг бўлими етакчи иқтисодчиси А.Хожикамолов бу ишни иш хаққи ведомостини бухгалтериядан олгандан сўнг ўзгартиришлар қилғанлигини, банкка тақдим қилинадиган иш хаққи дастури бўйича рухсат (“доступ”) фақат шу ходимда бўлғанлигини, мистер Д.Шайлишдан оғзаки огохлантирилишга хам қарамасдан бу ишларни тўхтамаганлигини, хар сафар ушбу холатни кечикиб кўрганидан сўнг ундан сабабини сўраганида яна ўша юқорида айтилган важларни А.Хожикамолов келтираверганлигини, шу сабабдан ушбу холатларни тўхтатиш учун иқтисод бўйича ўринбосарга маълум килғанлигини курсатган.

МКМБНКБ газначилари А.Халилова ва Д.Нишанова уз тушунтириш хатларида куйидагиларни, яъни А.Хожикамолов кассадан унинг ойлик

маошлари хисобидан накд пул маблагларни унинг талабига биноан, ведомостга кайд этилган холда берганликларини, тахминан ойига уртacha 3-4 (уч-турт) миллион сум атрофида булганлигини, уни пулларни олишига сабаб уни хам пулларни бошқариш хукукига эга эканлигини курсатишган.

Марказлашган бухгалтерия хисобчиси Г.Холматова уз тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни хисбот даврида ходимларнинг пластик карточкаларига утказилган иш хаки туловларини Молия булими томонидан такдим этилган тулов ведомостларига асосан ходимлардан иш хаки учун ушланма амалга оширилганлигини, хар ойнинг хисбот давридан сунг ой бошида Молия булими бошлигига иш хакидан карздорлик мавжуд булган ходимлар руйхати ва карздорлик микдори такдим этилишини, А.Хожикамолов ва У.Муллажоновнинг карздорлик микдори хам руйхатда булганлигини курсатган.

Ички хизмат текшируви давомида ҳолатга дахлдор бўлган молиявий хужжатлар, яъни 2024 йил учун иш хаки туланиши хакидаги ведомостлар, карздорлар руйхати, мансаб йурикномалари ҳамда бошқа дахлдор хужжатлари нусхалари олиниб, ўрганиб чиқилди ва ички хизмат текшириш хужжатларига кўшилди.

Иш хакидан карздорлар руйхати кутарилганда, корхона буйича жами 191 ишчи-ходимларда карздорлик мавжудлигини, уларнинг умумий микдори 704 461 586 сумни ташкил килиши ва бу карздорлардан 13 тасида 10 миллион сумдан 70 миллион сумгача, 9 тасида 5 миллион сумдан 9 миллион сумгача, 15 тасида 2 миллиондан 5 миллион сумгача, 12 тасида 1 миллиондан 2 миллион сумгача, колган 142 тасида 1 миллион сумгача карздорлик мавжудлиги, Боз хисобчи маълумотига кура А.Хожикамоловдан ташкари барчасида иш хаки хисобидан карз олишга рухсати булганлиги ва бу карздорликлар ишчи-ходимлар томонидан оиласвий шароитларида моддий кийинчилик сабабли иш хаки хисобидан ёрдам сураганликлари учун берилганлиги ёки хизмат сафари учун берилган пуллардан ташкил топганлиги аникланди.

Шу уринда Марказлашган бухгалтерия етакчи мухандиси Улугбек Муллажоновни иш хакидан карздорлиги 49 947 685 сумни ташкил килганлиги сабаби урганилганда, у томондан карзлар ариза оркали олганлиги маълум булди ва марказлашган бухгалтерия томонидан у томондан ёзилган 22 та аризалар нусхалари такдим килинди.

Марказлашган бухгалтерия етакчи мухандиси У.Муллажонов холат юзасидан ёзган тушунтириш хатида куйидагиларни, яъни иш хакидан булган карздорлик оиласвий шароити моддий томондан кийналганлиги сабабли вужудга келганлигини, моддий кийинчиликларни келиб чикиш

сабаблари олийгохни сиртки булимида контракт асосида укишини, кандли диабет касали булганлиги учун дори-дармонларга хар куни 600 минг сумдан пул сарфлашини, карзи камайиб бораётганлигини, иш хакини 50 фоиз микдорини карзи хисобига ушлаб колинишига рози эканлигини курсатган.

Марказлашган бухгалтерия хамда Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими иш фаолиятларида молявий операцияларни амалга оширишда йул қуйилган камчиликларни келиб чиқиш сабаблари ва омиллари қуйидагилар:

- корхона ва хизмат курсатувчи Саноат курилиш банки уртасида молявий операциялар (иш хаклари, коммунал туловлар, солик туловлар, шартномалар асосида туловлар ва бошка туловлар) ни амалга оширишни тартибга солувчи, шунингдек молявий хавф-хатарлар (банкротлик ёки фаолиятини такиковчи лицензияни маҳрум килиш ва бошка холатлар)ни назарда тутувчи кафолат шартлари белгиланган шартнома ёки келишув куринишидаги меёрий хужжат тузилмаганлиги;

- газначилик фаолиятини амалга ошириш хакида лавозим йурикномаси мавжуд булсада, уни 2.3-бандида “ишчиларга иш хаки, мукофот пуллари, хизмат сафарлари сарф-харажатлари ва бошка сарф-харажатлар” деб ёзилган булиб, “бошка сарф-харажатлар” суzlари хар-хил куринишидаги ноконуний молявий операцияларга йул очиб бериши мумкинлигини эътиборга олиб, “бошка сарф-харажатлар” сузини олиб ташлаб, урнига максадлари курсатилган молявий операциялар турлари аник курсатилмаган. Бундан ташкари, юкорида курсатилган молявий операцияларни амалга оширишда накд пулларни чегараси курсатилмаган хамда бу хужжатда газна буйсунувчи Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими маъсулларини лавозим мавкейидан фойдаланиб ноконуний аралашувини олдини олишга каратилган шартлар киритилмаганлиги;

- етакчи мутахассис А.Хожикамолов фаолияти устидан назорат сустлиги сабабли у томондан иш хаки учун ажратилган молявий ресурсларни уз манфаати йулида фойдаланишга имкон берилганлиги;

- А.Хожикамолов томонидан иш хакини белгилаш дастурий-программаларига ягона назоратчи сифатида қуйилганлиги, уни фаолияти устидан юкори турувчи раҳбарларни назорат механизми урнатилмаганлиги;

- А.Хожикамолов мансаб мавкейидан фойдаланиб уз манфаати йулида иш хаки фондидан узок вакт давомида фойдаланаётганлиги аникланган булсада, Бош бухгалтер Х.Хайдаров хамда Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими бошлиги Н.Мамажонов томонларидан уни дастурий-программага рухсати (доступи)ни тухтатиш юзасидан чора курилмаганлиги;

- А.Хожикамоловда иш хакидан карзини ундиришни аник механизми ишлаб чикилмаганлиги хамда карзларни сундириш учун иш хакини 50 фоиз микдорини йуналтириш чораси курилмаганлиги сабабли унинг карзи оймай усиб боришига йул куйилганлигидир.

Ички хизмат текшируви натижасига кўра, Молия ва контракт шартларини бажарилишини назорат килиш булими етакчи мутахассиси А.Хожикамоловни содир этган хатти-харакатлари Ички меҳнат коидалари талаблари асосида корхонанинг Касаба уюшмаси кумитасида у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор килиш масаласини куриб чикиш мақсадга мувофик хисобланди.

**23.** Тартиб-махфий бошқармаси бошлиғи М.Фузайлов, шу йилнинг 2 декабр куни «Фаргонаазот» АЖ бошқарув раисининг хавфсизлик ва ходимлар бўйича ўринбосари Т.Р.Мигмановга билдириги билан мурожаат этиб, унда 2024 йил бошида, корхонанинг Асосий технологик цехларнинг ускуналарини диагностика қилиш ва сифат назорати, станокдаги ишларни механик синов ва сифат назорати участкасининг буюртмасига асосан Харидларни трансформация қилиш бошқармаси томонидан 1 (бир) дона қаттиқликни (твёрдомер) ўлчовчи мослама 21 000 000 сўмга сотиб олинганлиги, 1 (бир) дона қалинликни (толщиномер) ўлчовчи мослама 15 000 000 сўмга сотиб олинганлиги, интернетдан олинган маълумотларга кўра, қаттиқликни ўлчовчи (твёрдомер) мосламаси нархи 5 512 000 сўмни, қалинликни (толщинамер) ўлчовчи мосламаси нархи 483 000 сўмни ташкил қилишини аниқланганлигини, буюртмани ўрганиш ва юқори нархда харид қилишга шартномасини тузиш билан Харидларни трансформация қилиш бошқармаси ходими П.Гофурова шуғилланганлигини маълум килган.

Корхона бошқарув раисининг ўринбосари Т.Р.Мигманов билдириги билан танишиб чиқиб, унда кўрсатилган ҳолатларни ўрганиш юзасидан Комплаенс назорат хизматига хизмат текшируви утказишга кўрсатма берган.

Курсатмага асосан, Комплаенс назорат хизмати томонидан Тартиб-махфий бошқармаси М.Фузайловнинг билдиргисида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ўрганиш ўтказилди ва Харидларни трансформация қилиш бошқармаси ходими П.Гофуровадан, Асосий технологик цехларнинг ускуналарини диагностика қилиш ва сифат назорати, станокдаги ишларни механик синов ва сифат назорати участкаси бошлиғи Д.Биляевдан ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида сухбатлар утказилди. Шунингдек, улардан ёзма маълумотлар ҳамда ўлчов мосламаларини буюртмаси, уни ўрганиш ва шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган хужжатлар, яъни корхона бошқарув раиси томонидан 2024 йил 12 май куни тасдиқланган буюртма ва шу

буортма асосида тижорат таклифлари, 2024 йил 12 сентябр куни корхона билан «Etalon Supplier» МЧЖ ўртасида ўлчов мосламаларини етказиб бериш ҳақида тузилган №43-сонли шартномани асли, шунингдек «Фарғонаазот» АЖ бошқарув кенгаши йиғилишининг 2023 йил 13 июн кунидаги №1-сон баённомаси нусхаси билан танишиб, уларни нусхалари олинди ва иш ҳужжатларига қўшилди.

Асосий технологик цехларнинг ускуналарини диагностика қилиш ва сифат назорати, станокдаги ишларни механик синов ва сифат назорати участкаси бошлиғи Д.Беляев ҳолат юзасидан берган тушунтиришида ҳақиқатдан ҳам ишлаб чиқариш заруратидан келиб чиқиб, шу йилнинг май ойида «МЕТ-УДА» номли қаттиқликни ўлчовчи (твёрдомер) мосламасини ҳамда ультратовушли «Olympus 27 MG» номли қалинликни ўлчовчи (толщинамер) мосламасини харид қилишга буортма берганлигини, дастлаб бу буортмага розилик бўлмаганлигини, кейин эса Бош механик билан корхона раҳбариятига бу ўлчов мосламалари фойдаланиш учун зарурлигини тушунтирганларидан сўнг буортмага розилик олинганлигини, шундан сўнг бу ўлчов мосламалари шу йилнинг сентябр ойида харид қилинганлигини ва қабул қилиб олганлигини, шу вақтгача фойдаланиб келинган эски ўлчов мосламалари маънан эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолганлигини, уларни ҳозирда рўйхатдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаётганлигини кўрсатган.

Харидларни трансформация қилиш бошқармаси етакчи мутахассиси П.Гофурова ҳолат юзасидан берган тушунтириш хатида қўйидагиларни, яъни ҳақиқатдан Асосий технологик цехларнинг ускуналарини диагностика қилиш ва сифат назорати, станокдаги ишларни механик синов ва сифат назорати участкаси бошлиғи Д.Биляевнинг қаттиқликни ўлчовчи (твёрдомер) «МЕТ-УДА» номли мослама ҳамда қалинликни ўлчовчи (толщинамер) ультратовушли «Olympus 27 MG» номли мосламани харид қилишга берган буортмаси ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, ижросини таъминлаш учун унга чиқарилганидан сўнг, шу йилнинг август ойида буортмани ўрганишни бошлаганлигини ва интернет сайтига кириб, шу турдаги мосламалар бўйича таклифларни ўрганиб, улардан нархи жихатдан бошқа таклифларга кўра арzonрок бўлган ва мосламаларнинг русумлари ҳам корхона буортмасига тўғри келганлиги учун «Global Parts Hub» МЧЖ, «Energoprribor» МЧЖ ва «Etalon Supplier» МЧЖ ларни таклифларини танлаб олиб, улар билан музокаралар олиб борганлигини, яъни уларга интернет орқали танловда иштирок этиш ҳақида таклифни жўнатганлагини маълум килди. Шу билан бирга, унинг таъкидлашича музокаралар олиб бориш ваколати 2023 йил 13 июн куни «Фарғонаазот» АЖ бошқарув кенгашининг № 1-сон баённомасида

унга берилганлигини, яъни бу йиғилиш кун тартибida корхона учун сотиб олиниши режалаштирилган буюртмаларни тўғри расмийлаштириш, ишлаб чиқарувчиларни излаб топиш, улар билан музокаралар олиб бориш, камида учта тижорат таклифлар олиш белгиланганлиги, излаб топган учала МЧЖ лар розилигидан сўнг рақобат варакаси (конкурентный лист) ларини шакллантирганлигини, сўнг рақобат варакаларини харидга маъсул бўлган барча раҳбарлар эътиборига тақдим қилганлигини, уларнинг розилигидан сўнг рақобат варакасида мосламаларни энг арzon нархда таклиф қилган «Etalon Supplier» МЧЖ билан 2024 йилнинг 12 сентябр қуни № 43-сонли шартнома тузилганлигини айтиб утди.

Шу билан бирга, бу шартнома корхонанинг барча маъсуллари розилигидан ўтиб имзолатилганлигини, унда мосламаларни таклиф қилган МЧЖ билан моддий манфаатдорлик масаласида ҳеч қандай келишув бўлмаганлигини, интернет сайтида таклиф қилинган барча тижорат таклифлар ўз тасдиғини топмаслигини, кўп ҳолатларда таклиф қилинган нархлар кўп вақт олдин қўйилганлиги сабабли нархлари эски нархда қолиб кетишини, у мосламаларни харид қилиш мқксадида шу йилнинг август ойида интернет сайтига кирган вақтида, рақобат варакасида кўрсатилган МЧЖ ларни тижорат таклифлари, яъни нархлари арzon бўлганлигини, шунингдек уларнинг русумлари ҳам корхона сўраган русумга тўғри келганлиги сабабли уларни танлаб олганлигини кўрсатган.

«Фарғонаазот» АЖ бошқарув кенгашининг 2023 йил 13 июнь қуни №1-сон баённомаси билан танишиб чиқилганда, кенгаш йиғилиши кун тартибига учта масала қўйилганлиги, яъни биринчи масала :

- корхонадаги сотиб олиниши режалаштирилган буюртмаларни тўғри расмийлаштириш, иккинчи масала :
- буюртмалардаги товарлар, хом-ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи қисмлар бозорини ўрганиш, учинчи масала :
- ишлаб чиқарувчиларни излаб топиш, улар билан музокаралар олиб бориш ва камида 3 та тижорат таклифлар олиш ҳолатлари мухокама қилинган ва тегишли қарорлар қабул қилинган.

«Фарғонаазот» АЖ билан «Etalon Supplier» МЧЖ ўртасида 2024 йил 12 сентябр қуни тузилган №43-сонли шартнома ва унга илова қилинган, яъни бошқарув раиси томонидан 2024 йил 12 май қуни тасдиқланган буюртма, рақобат вароқ (конкурент лист) лари ўрганилганда, буюртма тегишли маъсуллар томонидан ўрганилиб имзоланганлиги, бошқарув раиси томонидан тасдиқлаганлиги ва Захираларни бошқариш бошқармасида 2024 йил 13 май қуни № 317-сони билан рўйхатдан ўтганлиги, рақобат вараклари тегишли тартибда кириш рақами билан рўйхатдан ўтганлиги ва тегишли

маъсуллар томонидан ўрганилиб имзолангандиги, мосламаларни етказиш хақида «Фаргонаазот» АЖ билан «Etalon Supplier» МЧЖ ўртасида 2024 йил 12 сентябр куни №43-сонли шартнома белгиланган тартибда расмийлаштирилганлиги ва корхонанинг харидга даҳлдор бўлган барча маъсуллари томонидан имзолангандиги аниқланди.

Ўрганиш давомида, корхона томонидан харид қилинган «Olympus 27 MG» ва “МЕД-УДА” номли мосламаларни нархини ўрганиш мақсадида «Aliexpress» сайтига шу йилнинг 4-декабр кунида кириб, Ўзбекистон давлати бўйича таклифлар ўрганилганда, бу сайтда хақиқатда мосламалар нархи ишлаб чиқарилган давлат ва русумига қараб қалинликни (толщиномер) ўлчовчи мосламалари нархлари ўртача 2 500 000 сўмдан 3 800 000 сўмгача атрофида, қаттиқлигини ўлчовчи (твердомер) мосламаси нархи ўртача 400 000 сўмдан 500 000 сўмгача атрофида эканлиги маълум бўлди.

Харидларни трансформация килиш бошкармаси томонидан корхонага харид қилинган қаттиқлигини ва қалинлигини ўлчовчи мосламалари харид қилинишида, уларнинг нархлари корхона маъсулларининг розилигидан ўтганлиги ва шартнома асосида сотиб олинган. Лекин шу уринда харид қилинган мосламаларни техник паспорти-сертификати, эксплуатация муддатини белгиловчи кафолат талонлари мавжуд булмаган, факат қалинликни ўлчовчи мосламада сертификат булган.

Урганиш натижаларига кура, Харидларни трансформация қилиш бошкармаси маъсуллари келгуси иш фаолиятларида тижорат таклифларини ўрганишда кенг доирада ва атрофлича ўрганиш, харидларни амалга оширишдан олдин имкон кадар барча ОАВ ларида танлов эълон килиш, харидларни таклиф килувчи барча интернет сайтларни таклиф килинаётган товар-моддий бойликларни сифати, нархини чукур тахлилдан утказиш, сифати ва нархлари бўйича мутахассислар фикрларини олиш максадга мувофик хисобланди.

Утган хисобот даврида амалга оширилган 23 нафар ички хизмат суриштирувлари давомида аниқланган **6 та коррупцион холатлар** асосан махсулотларни темир йул оркали юбориш вақтида руй берган салбий холатлар, корхона мулкини талон-тарож килиш ва калбаки хужжатлар асосида корхонага моддий заар келтириш, корхона пулларини ноконуний равишда олиш каби салбий холатлар хисобланади.

## **VII. Мониторинг ва назорат<sup>3</sup>**

Жамият комплаенс назорат хизмати ходимлари томонидан утказилган мониторинг ва назорат тартибидаги текширувлар натижасида:

- Минерал угитларни юбориш жараёнида – “Узимпекс” МЧЖ томонидан экспортга юборилган минерал угитлардан кам чикиш холатлари;
- Омборлар хужалиги цехида - Корхона “Дугоба” ёш мутахассислар ёткхонаси курилиш материалларини талон-тарож килиш холати;
- Корхона темир йул шахобчасидан калбаки хужжатлар асосида фойдаланиш жараёнида жамиятга моддий заар келтириш холатлари аникланди.
- Минерал угитларни истеъмолчиларга жунатиш жараёнига масъул булган шахслар эътиборсизлиги ва уз вазифаларига совукконлик билан карашлари окибатида вагонларга ортичча юк юклаш холатлари;
- Корхона цехларидан катта микдордаги ТМБ ларини утиргиб олиб чикиб кетишга уриниш ва омборларда ортичча ТМБ саклаш холатлари.( Буг-козон цехидаги утиргиб)
- Бухгалтерия ходими томонидан ноконуний равишида пулларни узлаштириш холати.

Бундан ташқари, ўтган хисобот даврида “Фарғонаазот” АЖ Комплаенс назорат хизмати томонидан 2024 йил давомида ваколатли омборларни ўрганиш буйича тегишли ишлар амалга оширилди ва қўйидагилар аникланди.

Корхона томонидан минерал ўғитларни захира қилиш учун ваколатли омборларни танлаб олиш мақсадида “Ўзқимёсаноат” АЖ нинг 2021 йил 27 апрелдаги 49-сон буйруғи талабларига мувофиқ танлов асосида хусусий тадбиркорлар билан сақлаш шартномалари тузилиб, 25 та ваколатли омборлар (жами омборлар сони 33 та) ташкил этилган.

Тузилган шартномаларга асосан нотариусда ипотека шартномаси тузилиб, тадбиркорга тегишли мол-мулкларни гаровга қўйиш эвазига техник соз, темир йул йулакчаси мавжуд ва минерал ўғитларни сақлаш учун яроқли бўлган, онлайн камералар билан таъминланган омборларда 31.12.2024й. холатига 179 минг 295 тонна аммиачли селетра ва 15 829 тонна АФУ минерал ўғитлари сакланмокда.

## **VIII. Аниқланган қоидабузарликлар ва уларга таъсир чоралари**

Юқорида амалга оширилган тадбирлар тахлили шуни кўрсатадики, корхонада коррупцияга қарши кураш сиёсатига («Farg’onaazot» АЖ нинг

коррупцияга қарши сиёсати (Буйруқ №1274, 09.11.2020 й.) амал қилинмоқда ва **2024 йил давомида** коррупцион хавф-хатарлар асосан:

- 1) Минерал угитларни юбориш жараёнида – “Узкимёимпекс” МЧЖ томонидан экспортга юборилган минерал угитлардан кам чикиш холатлари;
- 2) Омборлар хужалиги цехида - Корхона “Дугоба” ёш мутахассислар ёткхонаси курилиш материалларини талон-тарож килиш холати;
- 3) Корхона темир йул шахобчасидан калбаки хужжатлар асосида фойдаланиш жараёнида жамиятга моддий зарар келтириш холатлари;
- 4) Минерал угитларни истеъмолчиларга жунатиш жараёнига масъул булган шахслар эътиборсизлиги ва уз вазифаларига совукконлик билан карашлари окибатида вагонларга ортиқча юк юклаш холатлари;
- 5) Корхона цехларидан катта микдордаги ТМБ ларини угиrlаб олиб чикиб кетишга уриниш ва омборларда ортиқча ТМБ саклаш холатлари.( Буг-козон цехидаги угиrlик).
- 6) Бухгалтерия ходими томонидан ноконунй равишда пулларни узлаштириш холати ( бухгалтерия ходими А.Хожикамолов).

Аниқланган коррупцион хавф-хатарларни олдини олиш ва уларга йўл қўймаслик мақсадида комплаенс назорат хизмати томонидан амалга оширилган ички хизмат суруштирувлари хulosаларида жамият раҳбариятига хар бир суриштирув ишлари хulosаларида тегишли **таклифлар** берилган.

Юкорида курсатилган конунбузарликларни олдини олиш ва келгусида йул қўймаслик максадида:

- 2022 йилнинг 6 июнь куни, корхона раҳбарининг № 980-сонли буйруги билан тасдикланган “Хизмат одоби коидалари” ни тушунтириш ишларини давом эттириш;

- Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид хукукбузарлик хакида хабар берган ёки коррупцияга карши курашишга бошқа тарзда кумаклашган шахсларни рагбатлантириш тартиби тугрисидаги низомни тасдиклаш хакида” ги № 829-сон Карорини барча раҳбарлар ва ишчи-ходимларнинг эътиборига етказиб бориб, амалиётга жорий килиш.

-Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июль кунидан “Коррупцияга карши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир кушимча чора-тадбирлар тугрисида” ги № ПК-5177-сон Карори ижросини таъминлаш максадида “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 12 август кунидан № 1259-сон буйруги ишлаб чикилиб, ушбу буйрук талаблари асосида 2021 йилнинг 20 август кунидан бошлаб, корхонага ишга кабул килиш интернет тармогида жойлаштирилган программалаштирилган дастур оркали тест синовларидан мувоффикиятли утган номзодлар, ташкил килинган комиссия сухбатидан утгандан сунг ишга кабул килиниши йулга куйилган.

-Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 июнь кунидан № ПФ 6013-сон Фармоннинг 3.8-банди талабларини бажариш юзасидан, “Пора олиш-беришга карши курашиш бошқарув тизими” ISO № 37001-2016 халкаро стандартини корхонада жорий килиш максадида, “Фаргонаазот” АЖ бошқарув раисининг 2021 йил 23 сентябрь кунидан № 1499-сон буйруги билан ишчи гурух ташкил килинган булиб, мазкур гурух томонидан доимий равишда коррупцион хавф-хатарни аниклаш, баҳолаш ва мониторинг килиш йуналишида ишларни давом эттириш.

“Фаргонаазот” АЖ билан тугридан-тугри тузилган шартномалар матнларига коррупцияга карши бандлар киритилиши таъминланган булиб (Буйрук № 556, 20.04.2021й.), монополист ташкилотлар хамда соҳавий корхоналар билан тузилаётган шартномалардан ташкари барча контрагентлар Комплаенс назорат хизмати ва юридик булим билан хамкорликда урганиш ишлари ташкил килинган (Буйрук № 793, 27.05.2021й.). Шу билан бирга тугридан-тугри тузилаётган барча шартномалар конунийлиги Комплаенс назорат хизмати билан келишилишини таъминлаш.

Шунингдек, конунбузарликларнинг олдини олиш максадида 2024 йил давомида жами 37 та: 6 та семенар, 31 та умумий профилактик тадбирлар ўтказилди.

Ўтган хисобот даврида ўтказилган **23 та хизмат суриштирувлари** жараёнида аниқланган **6 та салбий холатлар** бўйича тупланган хужжатлар конуний куриб чикилиши учун хукукни муҳофаза килиш идораларига юборилган. Шунингдек, 16 таси жамият “Одоб-ахлок” комиссияси ва рахбариятига тақдим этилиб, корхона рахбарияти курсатмасига асосан 5-нафар ходимга “огохлантириш” эълон килинган ва 1 нафар ходимга суд идоралари томонидан маъмурий чоралар курилган. Шу билан бирга 1 нафар ишчи ходим эгаллаб турган лавозимидан четлатилиб, 1 нафар ходим лавозимидан озод этилган.

Келгусида коидабузарликларга йул куймаслик ва олдини олиш учун профилактик тадбирларни мунтазам равишда амалга ошириб бориш хамда корхона ички хужжатларига тегишли узгартиришлар киритиб бориш максадга мувофик хисобланади.

## **IX. Хulosалар**

Ўтган хисобот даврида амалга оширилган 23 нафар ички хизмат суриштирувлари давомида аниқланган 6 та коррупцион холатлар асосан маҳсулотларни темир йул оркали юбориш вақтида руй берган салбий холатлар, корхона мулкини талон-тарож килиш ва калбаки хужжатлар асосида корхонага моддий заарар келтириш, пулларни ноконуний равишда узлаштириш каби салбий холатлар хисобланади.

Комплаенс назорат хизмати томонидан хисобот даврида ўтказилган **23 та хизмат сурештирувлари** жараёнида аникланган **6 та салбий холатлар** бўйича тупланган хужжатлар конуний куриб чикилиши учун хукукни мухофаза килиш идораларига юборилган. Шунингдек, 16 таси жамият “Одоб-ахлок” комиссияси ва раҳбарияти тақдим этилиб, корхона раҳбарияти томонидан 5-нафар ходимга “огохлантириш” эълон килинган ва 1 нафар ходимга суд идоралари томонидан маъмурий чоралар курилган. Шу билан бирга 1 нафар ишчи ходим эгаллаб турган лавозимидан четлатилиб, 1 нафар ходим лавозимидан озод этилган.

2023 йил давомида эса **14 та хизмат сурештирувлари** утказилган булиб, **7 та коррупцион холатлар** аникланган. Ушбу салбий холатлар омборлардан товар-моддий бойликларини угираш, меҳнат интизомини купол равишда бузиш ва ишлаб чикарилган минерал угитларни талон-тарож килиш холатлари булиб, келтирилган моддий заарлар ундириб олинган.

Жамиятда коррупцияга карши кураш бўйича қабул килинган меъёрий хужжатларга риоя этиш хамда олиб борилаётган чора-тадбирлар, дастур асосида уқитиш ишлари натижасида 2024 йил давомида бундай холатлар камайишига эришилди.

Корхонада коррупцияга қарши кураш бўйича қабул қилинган меъёрий хужжатларга риоя этиш хамда олиб борилаётган чора-тадбирлар, профилактика ва укув-дастури асосида ўқитиш ишлари натижасида йил давомида коррупцион хавф-хатарлар даражасини камайишига эришилди.

Шунингдек, фуқороларни ишга олиш жараёнида янги қоидалар ва ўзгаришилар киритилиши оқибатида бу йуналишдаги коррупцион хавф-хатарлар камайишига эришилди.

Жамият раҳбарияти томонидан курилган чора ва тадбирлар натижасида бошкарма ва цехларида угириклар камайиб, меҳнат интизоми мустажкамланишига эришилди.

Ўтказилган профилактик тадбирлар ва корхона раҳбарияти томонидан курилаётган чоралар натижасида жамиятда ижобий ўзгаришилар кузатилди. Жумладан, жамият ишчи ходимлари ўртасида майда ташмачилик, моддий зарар келтириш холатлари кескин камайди. Шу билан бирга, корхона раҳбарияти томонидан байрам ва турли маърифий, спорт тадбирлари давомида ишчи ходимларни рағбарлантириш ишлари амалга ошириб борилаётганлиги натижасида маънавий муҳит яхшиланишига хамда коррупцион холатларни камайишига ўзининг ижобий таъсирини курсатди.

**Х. Коррупцияга қарши кураш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ва тадбирлар режаси**

Коррупцияга карши кураш тизимини янада ривожлантириш учун куйидагилар **таклиф** килинади:

1) Ички хизмат текширув даврида ташкилотнинг молиявий-хужалик ёки бошка соха фаолиятини урганиш зарурати туғилганда, корхонада ишловчи мутахассислар масалага нохолис ёндошишлари мумкинлигини эътиборга олиб, аудиторлар ва мутахассислар фикрини, хулосасини олиш учун ташкаридан жалб килиш ва уларга хизмат туловини амалга ошириш механизмини ишлаб чикиш;

2) Хизмат зарурати сабабли сурвнома асосида бошка давлат идораларидан (солик, божхона, ИИБ, прокуратура ва бошкалар) сурвнома оркали маълумотларни олиш ва давлат органларини жавоб беришга мажбурийлигини белгилаш;

3) Хизмат вактида олинган маълумотлар асосида оператив тадбир утказиш зарурати туғилганда (масалан пора бериш ёки унга воситачилик килиш) тегишли хукук тартибот органларига бу хакда хабар бериш ва улар билан хамкорликда тезкор тадбирларни утказишида хамкорлик килиш;

4) Хизматнинг фаолияти натижалари буйича тавсия килинган чора-тадбирларни асосиз бажармаганлик учун маъсул шахсларни интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортиш механизмини ишлаб чикиш;

## **Тадбирлар режаси**

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ва амалдаги меъёрий хужжатларнинг ижросини мониторинг қилиб бориш.
2. Жамият томонидан ТМБ ларини сотиб олиш жараённида “инсон омили”ни чеклаш ва коррупцияни олдини олиш мақсадида “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида харидлар амалга оширилишини назорат қилиш.
3. Контрагентларнинг ишончлилигини, шу жумладан, коррупциявий хуқуқбузарликларни содир этмаганлиги, жамият тизимидаи корхоналар ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви мавжуд эмаслигини ўрганиш.
4. Жамиятда вакантлар (бўш иш ўринлари) тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида эълон бериб боришни назорат қилиш.
5. Корхонада ишга қабул қилиш жараёнларини автоматлаштирилган тизим, малакаларни баҳолаш бўйича электрон дастур асосида амалга оширилишини назорат қилиш.
6. Жамият ходимлари томонидан совға олиш ёки бериш тартибини меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш.
7. Корхона ходимлари томонидан хайрия ва ҳомийлик фаолиятини меъёрий хужжатлар талаблари асосида амалга оширилишини назорат қилиш.

8. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамиятда қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, бошқа хукукни муҳофаза килиши идоралари билан хамкорликда семинарлар ўтказиш.
9. Корхонада укув-дастури асосида ISO 37001:2016 ҳалқаро стандарти талабларига кура рахбар ходимларни ўқитиш ишларини ташкиллаштириш.

**“Фарғонаазот” АЖ**


**Комплаенс назорат хизмати бошлиғи**  **F. Жаббаров**  
03 январь 2025 йил.

**“КЕЛИШИЛГАН”**

**“Фарғонаазот” АЖ**

**бошқаруви раиси уринбосари**

**“7” январь 2025 йил.**




**Т.Мигманов**

Комплаенс назорат хизматининг 2024 йил учун хисоботи билан танишдим:

**“Фарғонаазот” АЖ**

**бошқаруви раиси**

**“7” январь 2025 йил.**



**Д.Маннонов**